

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ**

«Тасдиқлайман»  
Тармоқ маркази директори  
\_\_\_\_\_ Н.А.Муслимов  
“ ” 2015 йил

**КАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР  
модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА**

**Тузувчи:** *O.A.Қўйсинов – педагогик фанлар номзоди, доцент*

**Тошкент -2015**

## **МУНДАРИЖА**

<b>ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ .....</b>	<b>3</b>
<b>МАЪРУЗАЛАР МАТНИ .....</b>	<b>17</b>
1-маъруза. Касбий таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари. Таълим мақсади, мазмуни, шакл, метод, воситалари .....	17
2-маъруза. Замонавий дарсга қўйиладиган талаблар. Касбий фанларни ўқитишида педагогик ва ахборот технологиялар. ....	28
3-маъруза. Касбий таълим бўйича ривожланган мамлакатлардаги илгор тажрибалар .....	53
4- маъруза.Касб таълим ўқитувчисининг ўқув машғулотларида инновацион технологиялардан фойдаланиш маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги. Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари .....	65
5-маъруза. Ўқитиши жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Касбий таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиши .....	72
6- Мавзу. Курс иши, битириув малакавий иш, магистрлик диссертацияларини бажариш жараёнида узвийлик ва услуксизлик .....	87
7-маъруза. Касб таълимининг дидактик таъминоти. Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш технологиялари .....	118
8-маъруза. Олий таълим тизимида касб таълими соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар. Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш.	126
<b>АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ.....</b>	<b>134</b>

## ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ Кириш

Мазкур модуль Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzasi, хусусан 2015 йилги иқтисодий-ижтимоий тараққиёт дастурга асосланган ҳолда тузилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов - “2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш дастури доирасида 19 та олий таълим муассасасида қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича қиймати 230 миллиард сўмлик ишлар бажарилди- деб таъкидлади<sup>1</sup>.

”Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси қабул қилинганинг 22 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъruzasiда-“Ўтган давр мобайнида замонавий ахборот-коммуникация тизимидан, Интернетдан кенг фойдаланиш ҳисобидан таълимтарбия самарасини кучайтириш, болалар, айниқса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш бўйича кенг кўламдаги ишларимиз давом эттирилди. Ҳисбот йилида 28 та янги колледжлар қурилди, 381 та умумтаълим мактаби, ОЎЮ тизимидаи 45 та обьект, 131 та коллеж ва лицейлар реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 та болалар спорти обьекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди”-деб таъкидланди”<sup>2</sup>.

Жамият тараққиёти нафакат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг катталиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизимини самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ва амалий кўнкима ва малакалар билан куроллантириш, чет элнинг илғор тажрибаларни ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидар. «Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар» модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

«Касбий фанларни ўқитишида замонавий ёндашувлар » курсининг мақсади тингловчиларни ҳозирда мавжуд бўлган замонавий таълим инновациялари билан таништириш ва ана шу инновациялар ва технологиялардан маҳорат билан фойдаланиш малакасини шакллантиришдир.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzasi.17.01.2015й.

<sup>2</sup> И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 22 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъruzasi. 6.12.2014й.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

1. “Касбий фанларни ўқитишида замонавий ёндашувлар”  
**модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини инновацион технологиялар, модулли технологиялар ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, бу борадаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш. Илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалда қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

2. “Касбий фанларни ўқитишида замонавий ёндашувлар”  
**модулининг вазифалари:**

- Тингловчиларга таълим-тарбия масалалари бўйича илғор таълим технологияларининг концептуал асослари, келиб чиқиш тарихи тўғрисида маълумотлар бериш, замонавий модулли технологияларидан фойдаланиб тингловчиларни мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш;

- Таълим-тарбия жараёнида модулли технологияларни қўллашнинг афзаликларини ёритиш ва тингловчиларда улардан фойдаланиш маҳоратини шакллантириш;

- Демократик жамият ривожланишини таъминлаш, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида илғор хориж тажрибасини ўрганиш улардан самарали фойдаланиш маҳоратни .

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

1. “Касбий фанларни ўқитишида замонавий ёндашувлар” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

- модуль, ўқитиши модулли, кредит, рейтинг тушунчаси;
- технологиялаштириш қоидалари, тамойиллар;
- назорат жараёнини ташкил этиш;
- интерфаол технологиялар ва улардан самарали фойдаланиш ҳақида

### **билимларга эга бўлиши;**

### **Тингловчи:**

- педагогик фаолият жараёнини модуллаштириш;
- назорат жараёнини тез ва самарали ўтказа олиш;
- назоратнинг турли шаклларидан самарали фойдаланиш;
- интерфаол методларни мақсадли равишда тўғри танлаш ва фойдаланиш;

### **кўникмаларини эгаллаши;**

### **Тингловчи:**

- ўқув курсини модулини тузиш;
- ахборотни структуралаштириш;
- талабаларнинг мустақил амалий фаолиятни ташкил этиш;

-кириш ва чиқиш назоратини ташкил этиш эришилган натижаларини таҳлил этиш;

-интерфаол методлардан фойдаланиш;

**малакаларини эгаллаши;**

**Тингловчи:**

-ўз соҳасига оид ахборотни мантиқий блокларга ажратиш ва аниқ, лўнда, тушунарли равишда баён этиш;

-модулли ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;

-технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;

-коммуникативликни ва мустақил фаолиятни ташкил этиш юзасидан **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Касбий фанларни ўқитишда замонавий ёндашувлар” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва ўзвийлиги**

“Касбий фанларни ўқитишда замонавий ёндашувлар” модули ўқув режадаги биринчи блок ва мутахласислик фанларининг барча соҳалари билан ўзвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда технологик ёндашув асосларини ва бу борадаги илфор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Ўкув модуллари	Ҳаммаси	Жами ўқув юкламиси	Жумладан			Мустақил таълим
				назарий	амалий	Кўчма машғулот	
1.	Касбий таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари. Таълим мақсади, мазмуни, шакл, метод, воситалари.	4	4	2	2		
2.	Замонавий дарсга қўйиладиган талаблар. Касбий фанларни ўқитишда педагогик ва ахборот технологиялар.	6	4	2	2		2
3.	Касбий фанларни ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш. Талабалар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методлар.	4	4		4		
4.	Касбий таълим бўйича ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалар.	4	4	2	2		
5.	Касб таълим ўқитувчисининг ўқув машғулотларида инновацион технологиялардан фойдаланиш маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги. Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари.	4	4	2	2		
6.	Ўқитиш жараёнида таълимтарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Касбий таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.	4	4	2	2		
7.	Курс иши, битириув малакавий иш, магистрлик диссертацияларини бажариш жараёнида узвийлик ва услуксизлик.	4	4	2	2		
8.	Талабаларнинг билимларини холисона баҳолаш механизмлари. Рейтинг тизими ва унинг дидактик воситалари: стандарт, ностандарт тест ва ўқув топшириклари мажмуи.	4	4		4		

9.	Касб таълимининг дидактик таъминоти. Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш технологиялари.	<b>6</b>	<b>4</b>	<b>2</b>	<b>2</b>	<b>2</b>
10.	Олий таълим тизимида касб таълими соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар. Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш.	<b>4</b>	<b>4</b>	<b>2</b>	<b>2</b>	
<b>Жами</b>		<b>44</b>	<b>40</b>	<b>16</b>	<b>24</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-Мавзу: Касбий таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари. Таълим мақсади, мазмуни, шакл, метод, воситалари.**

Режа:

Касб ҳунар таълими жараёнлари таҳчили ва асосий дадактик тушунчалар. Касб ҳунар таълимида умумдидактик тамойиллар: онглилик ва фаоллик, илмийлик ва тизимлилик, назария ва амалиёт бирлиги, таълимтарбия бирлиги, кўрсатмалик. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ва уларни касб- ҳунар таълимида қўллаш.

### **2-Мавзу: Замонавий дарсга қўйиладиган талаблар. Касбий фанларни ўқитишида педагогик ва ахборот технологиялар.**

“Касбий фанларни ўқитишида замонавий ёндашувлар” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Модуль тамойиллари, турлари, таркибий қисмлари. Европа модуль-кредит тизимини таҳчили. “Эдвайзер”, “Тьютер”, “Аралаш ўқитиш”, “Вебинар” тизим, “Супервайзер”, “Фасилитатор”.

### **3-Мавзу: Касбий таълим бўйича ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалар.**

Касб таълимига тегишли илғор чет эл тажрибасини ўрганиш бўйича қиёсий изланишлар олиб боришининг мақсади ва мазмуни. Германия, Франция, АҚШ, Жанубий Корея ва Япония мамлакатларида касб таълими. Ҳамдўстлик мамлакатларида касб таълими.

### **4- мавзу. Касб таълим ўқитувчисининг ўқув машғулотларида инновацион технологиялардан фойдаланиш маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги. Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари.**

Касб таълимини умумий ўрта таълим ва олий таълим билан интеграциялаш омиллари. Касб таълимининг илмий тадқиқот ишлари билан интеграцияси. Касб таълимини умумий ўрта таълим ва олий таълим таълим билан интеграцияси. Касб таълим ўқитувчисининг ўқув машғулотларида инновацион технологиялардан фойдаланиш маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги. Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари.

**5-Мавзу: Ўқитиши жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Касбий таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиши.**

Касбий таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиши. Ўқитиши жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Мустақил таълимни ташкил этиши шакллари. Мустақил таълим жараёни қандай амалга оширилиши, унинг ривожланиши, ўзлаштирилган билимлар асосида мустақил таълим фаолияти даражаларини қуидагича мезонлари. Мустақил таълим олиш фаолиятининг биринчи босқичи. Мустақил таълим фаолиятининг иккинчи босқичи. Мустақил таълим фаолиятининг учинчи босқичи.

**6- Мавзу. Курс иши, битириув малакавий иш, магистрлик диссертацияларини бажариш жараёнида узвийлик ва услуксизлик.**

Курс ишини бажаришдан мақсад ва тузилиши. Курс ишини бажариш юзасидан кўрсатмалар. Битириув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Курс иши битириув малакавий ишини бажаришда узвийлик ва узлуксизлик.

**7- Мавзу: Касб таълимининг дидактик таъминоти. Дарслеклар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарслеклар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш технологиялари.**

Хозирги пайтда таълим-тарбия тизимида ўқитувчининг таҳсил олувчилар билан жонли мулоқот ва муносабати муҳим аҳамияти. Таълим-тарбия ишини осонлаштирадиган ва самарадорлигини ошириш омиллари.

Ўқитишининг техник воситаларини шартли равища уч асосий гурух. Аудиовизуал воситалар (кинопроекция, диапроекция ва эпипроекциялар, овоз ёзиб олиш, телевидение, радио). Жихозлар, ускуна ва асбоблар. Дастурли (компьютерли) таълим воситалари.

Ўқитишининг техник воситаларидан таълим-тарбия жараёнининг ташкил этувчи компоненталари билан узвий боғлиқлик ва муносабатлари

**8-маъруза. Олий таълим тизимида касб таълими соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар. Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш.**

Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасининг малака тавсифномаси. Касб-хунар таълими ўқитувчисининг функционал вазифалари. Ўқитувчининг меҳнати ва маҳорати. Баҳолаш ва таҳлил қилиш бўйича вазифалар. Касб таълими ўқитувчиши ва ўқув устасининг ҳуқуқ ва бурчлари. Касб таълими ўқитувчиши ва ўқув устасини тайёрлаш ва унга қўйиладиган талаблар. Ўқитувчининг меҳнати ва маҳорати. Ўқитувчининг фаолияти ва касбий имиджи.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-Мавзу: Касбий таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари. Таълим мақсади, мазмуни, шакл, метод, воситалари (2 соат).**

Касб хунар таълими жараёнлари таҳлили ва асосий дадактик тушунчалар. Касб-хунар таълимида умумдидактик тамойиллар: онглилик ва фаоллик, илмийлик ва тизимлилик, назария ва амалиёт бирлиги, таълимтарбия бирлиги, қўрсатмалилик тамойилларини таҳлил қилиш ва қиёслаш. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ва уларни касбхунар таълимида кўллаш технологияларининг ишлаб чиқиши.

### **2-Мавзу: Замонавий дарсга қўйиладиган талаблар. Касбий фанларни ўқитишида педагогик ва ахборот технологиялар (2 соат).**

“Касбий фанларни ўқитишида замонавий ёндашувлар” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Модуль тамойиллари, турлари, таркибий қисмлари. Европа модуль-кредит тизимини таҳлили. “Эдвайзер”, “Тьютер”, “Аралаш ўқитиши”, “Вебинар” тизим, “Супервайзер”, “Фасилитатор”.

### **3-мавзу. Касбий фанларни ўқитишида инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш. Талабалар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методлар(4 соат).**

Касбий фанларни ўқитишида инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш жараёнининг кетма-кетлигини изоҳлаш. Талабалар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларини ишланмасини ишлаб чиқиши.

### **4-Мавзу: Касбий таълим бўйича ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалар(2 соат).**

Касб таълимига тегишли илғор чет эл тажрибасини ўрганиш. Германия, Франция, АҚШ, Жанубий Корея ва Япония мамлакатларида касб таълимининг фарқли жиҳатларини ўрганиш ҳамда ютуқ камчиликларини қиёслаш. Ҳамдўстлик мамлакатларида касб таълимини ўрганиш.

**5-мавзу. Касб таълим ўқитувчисининг ўқув машғулотларида инновацион технологиялардан фойдаланиш маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги. Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари (2 соат).**

Касб таълим мини умумий ўрта таълим ва олий таълим билан интеграциялаш омиллари ўрганиш. Касб таълим мининг илмий тадқиқот ишлари билан интеграцияси изоҳлаш. Касб таълим мини умумий ўрта таълим ва олий таълим таълим билан интеграциясини изоҳлаш. Касб таълим ўқитувчисининг ўқув машғулотларида инновацион технологиялардан фойдаланиш маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги. Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функцияларини ифодалаш.

**6-Мавзу: Ўқитиш жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Касбий таълимда талабалар мустақил таълим мини ташкил этиш.**

Касбий таълимда талабалар мустақил таълим мини ташкил шаклларини ифодалаш. Ўқитиш жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлигини изоҳлаш. Мустақил таълим жараёни қандай амалга оширилиши, унинг ривожланиши, ўзлаштирилган билимлар асосида мустақил таълим фаолияти даражаларини мезонларини ифодалаш. Мустақил таълим олиш фаолиятининг биринчи босқичини ёритиш. Мустақил таълим фаолиятининг иккинчи босқичини ёритиш. Мустақил таълим фаолиятининг учинчи босқичини ёритиш.

**7- Мавзу. Курс иши, битирув малакавий иш, магистрлик диссертацияларини бажариш жараёнида узвийлик ва услуксизлик.**

Курс ишини бажаришдан мақсад ва тузилишини ифодалаш. Курс ишини бажариш юзасидан кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш. Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифаларини шакллантириш. Курс иши битирув малакавий ишини бажаришда узвийлик ва узлуксизликни ифодалаш.

**8-мавзу. Талабаларнинг билимларини холисона баҳолаш механизmlари. Рейтинг тизими ва унинг дидактик воситалари: стандарт, ностандарт тест ва ўқув топшириклари мажмуи(4 соат).**

Талабаларнинг билимларини холисона баҳолаш механизmlарини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Рейтинг тизими ва унинг дидактик воситалари: стандарт, ностандарт тестларни ишлаб чиқиш.

Рейтинг тизими ва унинг дидактик воситалари: ўқув топшириклари мажмуини ишлаб чиқиш.

**9- Мавзу: Касб таълим мининг дидактик таъминоти. Дарслерлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарслерлар, портфолио, ўқув**

## **курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш технологиялари(2 соат).**

Ҳозирги пайтда таълим-тарбия тизимида ўқитувчининг таҳсил олувчилик билан жонли мулоқот ва муносабатини шакллантириш. Таълим-тарбия ишини осонлаштирадиган ва самарадорлигини ошириш омилларини асослаш.

Ўқитишининг техник воситаларини шартли равишда уч асосий гуруҳни ифодалаш. Аудиовизуал воситалар (кинопроекция, диапроекция ва эпипроекциялар, овоз ёзиб олиш, телевидение, радио) билан ишлаш технологияисни ўрганиш.

Ўқитишининг техник воситаларидан таълим-тарбия жараёнининг ташкил этувчи компоненталари билан узвий боғлиқлик ва муносабатларини ўрганиш.

## **10-маъзуза. Олий таълим тизимида касб таълими соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар. Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш(2 соат).**

Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасининг малака тавсифномасини ўрганиш. Ўқитувчининг меҳнати ва маҳорати шакллантириш технологияси. Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасининг ҳуқуқ ва бурчларини ўрганиш. Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасини тайёрлаш ва унга қўйиладиган талабларни ўрганиш. Ўқитувчининг фаолияти ва касбий имиджини ўрганиш.

### **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

#### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиха иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиха иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадиган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти куйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъзуза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қофоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Раҳбарий адабиётлар.**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқолол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. -22 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқолол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. -364 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. Т.2. -380 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, Т.3. 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.
7. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъульмиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Т.10. -432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003. Т.11. -320 б.
12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. –Т.: Ўзбекистон, 2005. -64 б.
13. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007, Т. 15. -126 б.
14. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсади. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
15. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби // “Халқ сўзи” газетаси 2009 йил 14 февральь.
17. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // Ўзбекистон овози 2010 йил 28 январь.

18. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. –Т.: Ўзбекистон, 2010. Т.18. -280 б.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маъruzаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

## **II. Меъёрий- хуқуқий хужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрельда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т., 2014.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим хамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги № 343 сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 августдаги “Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби тўғрисида”ги 344 сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ва ностирификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш)” Тартиби.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2001., № 7, 43-модда.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 марта даги 100-сон қарори билан тасдиқланган “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низом// Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004, 9-сон, 107-модда.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006, 6-7-сон, 37-модда.

### **III. Махсус адабиётлар.**

№	Муаллиф	Адабиёт номи	Нашр йили	Адабиётнинг АРМ даги шифри	Адабиётнинг АРМ даги инвентарь рақами	Адабий тури	АРМ даги сони
1	О.И.Авазбоев Й.У.Исмадияров	Касбий педагогика	Чўлпон номидаги наширёт ижодий уйи Т 2014	74.5 А95	У 7741/46	Ўқув кўлланма.	50та
2	Абдикуддусов.О., Рашидов. Ҳ.	Касб-хунар таълими педагогикаси.	ЎМКҲТТК МО ва УҚТ институти, Т. – 2009.	74.5 А 15	924 163	Ўқув кўлланма.	1та
3	Олимов Қ.Т., Абдуқудусов О. ва бошқалар.	Касб таълими услугиёти.	Т.: “Молия” нашириёти, 2006.	74.5 К.22	У-65.25	Ўқув кўлланма.	100та
4	Шарипов Ш. ва б.	Касбий педагогика	Т.:ТДПУ, 2006 й.	74.5 К.27	У- 7600/54	(методик кўлланма).	90та
6	О.А.Қўйсиров Ф.С.Тўрабеков Ж.Э.Пардабоев	Касбий педагогика фанидан лаборатория машғулотлари	Т.: ТДПУ, 2013	74.5 К.22	У- 7600/64	(методик кўлланма).	45та

## **Интернет маълумотлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти:  
[www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
5. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
6. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
7. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
8. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
9. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)

## **МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**1-маъруза. Касбий таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари. Таълим мақсади, мазмуни, шакл, метод, воситалари.**  
**Режа:**

1. Касб ҳунар таълими жараёнлари таҳлили ва асосий дадактик тушунчалар.

2. Касб ҳунар таълимида умумдидактик тамойиллар: онглилик ва фаоллик, илмийлик ва тизимлилик, назария ва амалиёт бирлиги, таълимтарбия бирлиги, кўрсатмалик.

3. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ва уларни касб- ҳунар таълимида кўллаш.

**Таянч тушунчалар:** дидактика, педагогика, метод, мотив, қобилият, интерфаол, перцептив қобилият, касб, касб билимдонлик, билим, кўнишка, малака, касб маҳорат, таълимнинг илмийлиги, тизимлилик , изчиллик, перцептив қобилият.

### **1. Касб - ҳунар таълими жараёнлари таҳлили ва асосий дидактик тушунчалар.**

**Дидактика** – грекча “*didaktikos*” сўзидан олинган бўлиб, ўқитаман, ўқиши ўргатаман маъноларини англатади. Дидактика бу ўқитиш назариясидир. Дидактика ўқитиш жараёнининг шакллари, методлари, тамойиллари, мазмуни, вазифаси ва мақсадларини ишлаб чиқади. Педагогик назариянинг таълимотига қўра дидактика ва методика бир-бири билан узвий боғлиқ. Методика илмий усувлар ҳақидаги фандир. Бу фан фан дидактиканинг бир бўлими. Бунда дидактика “нима ўқитиш” ва “нима учун ўқитиш” керак деган саволлар билан шуғулланса, методика эса у билан узвий боғлиқ ҳолда “қай тарзда” ва “нималар ёрдамида” ўқитиш масалалари билан шуғулланади. Бунда амалий усувлар тизими маҳсус соҳанинг мазмунига боғлиқлигини ҳисобга олиш зарур. Ўқитиш методикаси –турли йўллар ва методлар тизими бўлиб, ўқув дидактик материаллардан фойдаланган ҳолда белгиланган мақсадларга эришиш учун назарий дарс жараёнида қўлланиладиган усувлар йиғиндисини англатади. Куйида айрим дидактик тушунчалар мазмуни келтирилган ва бу дидактик тушунчалар касб таълими жараённида қўлланилади.

**Интер фаол машғулот** – ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро фаол иштирок этадиган машғулот; жараён ҳамкорликда кечади.

**Йўл** – (русча – приём ) – бирор мақсадни амалга ошириш учун танланган ҳаракат тури.

**Метод** – грекча сўз бўлиб, йўл, ахлоқ усули маъноларини билдиради. Табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини билиш, тадқиқ қилиш усули. Фаолият, ҳаракатнинг йўли, усули ёки қиёфаси, шакли, кўриниши.

**Мотив** – одамни ўқишига ёки бирор ҳаракатларни бажаришга ундовчи турли сабаблар йиғиндиси.

**Педагогика** – таълим-тарбиянинг назарий ва амалий масалаларини ўрганувчи фан. у баркамол инсонни вояга етказиш мақсадларига хизмат қилади.

**Перцептив қобилият** – ўқувчининг руҳий ҳолатини ҳис қилиш, тушуна олиш орқали юзага чиқарилувчи қобилият.

**Ўрганиш** – ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўнималарини эгаллаш.

**Ўргатиш** – ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўнималарининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини турли восита ва усулларни қўллаб тушунтириш, кўрсатиш ва машқлар орқали амалга ошириш жараёни.

**Ҳамкорлик педагогикаси** – таълим берувчилар ва таълим олувчиларнинг ўзаро мулоқотига асосланган шаклда таълим беришга йўналтирилган тизим.

**Касб – педагогик мулоқот** – педагог ва таълим олувчиларнинг ўзаро ижтимоий – психологик алоқаси тизими бўлиб, унинг мазмуни ахборотлар айрибошлаш, тарбиявий таъсир кўрсатиш, коммуникатив воситалар ёрдамида ўзаро муносабатларини ташкил этиш ҳисобланади.

**Касб тайёргарлик** – бўлажак мутахассиснинг психологик, психофизиологик, жисмоний ҳамда илмий-назарий ва амалий тайёргарлиги.

**Касб билимдонлик** – педагогик фаолият юритиш учун зарур бўлган назарий ва амалий тайёргарлик бирлиги.

**Билим**-бир бутунликни ташкил қилувчи қисмларнинг ички заруриятидан келиб чиқсан боғлиқлиқдир. Уни қонуният деб ҳам юритилади. Чунки бу зарурий боғлиқлик нарса ва ҳодисаларнинг табиатидан келиб чиқади ва инсоннинг ихтиёридан ташқари мавжуд бўлади. Уни ўзгартириб бўлмайди. Билим кишидан кишига маълумот (ахборот) орқали ўтади.

**Кў尼克ма ва малакалар.** Кў尼克ма ва малакалар деганда бирор шахснинг муайян фаолиятни муваффакиятли бажариши учун шартшароитлар яратиб берувчи, ташқаридан кузатиш мумкин бўлган ҳаракатлари ва реакциялари тушунилади. **Малакалар** онгли равишда амалга оширилган фаолиятнинг таркибий қисмига кирувчи автоматик тарзда юз берадиган ҳаракатлардир.

**Малака**-киши эгаллаган билимлари кў尼克ма босқичидан ўтиб, доимий ҳаракат турига айланиши, маҳорат ҳосил қилиши, маълум бир фаолиятни самарали бажариш қобилиятидир.

**Маҳорат**- ўзлаштирилган билимлар ва ҳаётий тажрибалар асосида барча амалий ҳаракатларни (шу жумладан дарс беришни) кам куч ва кам вақт сарфлаб бажариш.

**Касб**-муайян билим ва маҳорат талаб этадиган меҳнат фаолияти тури Касб-хунар сирларини эгаллашга умумий ҳамда маҳсус маълумот, амалий иш-ҳаракат усулларини ўзлаштириш орқали эришилади.

**Касб маҳорат-битириувчининг юқори даражада касбий қўникма ва малакаларни эгаллаганлиги тушунилади, у шахснинг меҳнат бозорида эгаллаётган касби бўйича рақобатбардошлиқ даражаси акс эттиришида намоён бўлади** Касб маҳорат ишчи кучларининг юқори даражадаги мослашувчанлиги, янгиликларни тез ўзлаштириши, янги ишлаб чиқариш шароитларига оз вақт ичида ўта олиши ва фаолият соҳасини мустақил танлай олиши касбий сифатлар билан белгиланади.

## **2. Касб хунар таълимидаги умумидидактик тамойиллар: онглилик ва фаоллик, илмийлик ва тизимлилик, назария ва амалиёт бирлиги, таълим-тарбия бирлиги, кўрсатмалилик.**

Дидактика хусусий методикалар билан боғланган ҳолда барча ўқув фанлари учун умумий қонун ва қоидаларни белгилаб беради, яъни тарбия билан чамбарчас боғлиқ таълим жараёнини ташкил этишга асос бўладиган етакчи қоидалар дидактик қоидалар дейилади. Бу ўқитувчиларнинг фаолиятини, ўқувчиларни билим фаолиятини, хусусиятини белгилайдиган асосий қоидалар ҳисобланади.

Дидактика педагогиканинг таълим ва ўқитиш назарияси баён этиладиган муҳим қисмидир. Унда таълимнинг илмий асосланган мазмуни ўқитишнинг методлари ва ташкилий шакллари (қандай ўргатиш) берилади.

Ўқитувчи ёки уста факат ўқитишнинг қонуниятларини билишгина эмас, балки уларни амалга ошириш учун қулай шароитларни яратиб бера олиши ҳам муҳим. Бунга айрим етакчи бошланғич қонуниятларни чукур тушуниш ва уларни ўқув жараёнида қўллаш орқали эришилади. Бундай қонуниятлар дидактикада таълим тамойиллари ёки дидактик тамойиллар деб ном олган.

Дидактиканинг асосий тамойиллари қуйидагилардир. Таълимнинг қуйидаги тамойиллари мавжуд.

1. Таълим ва тарбия бирлиги
2. Таълимнинг илмийлиги
3. Таълимда тизимлилик ва изчиллик
4. Назария ва амалиёт бирлиги
5. Ёш индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш
6. Таълимнинг политехник хусусиятгаэгалиги
7. Онглилик ва фаоллик
8. Таълимда кўрсатмалилик
9. Билим, қўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг мустаҳкамлиги ва пухталиги

**Таълим ва тарбия бирлиги-таълим жараёнида ўқувчиларни тарбиялаш содир бўлади.** Масалан: газламадан бирор буюмни бичишини ўргатишда, буюмни бичиши бўйича билимлар, қўникмалар ва малакалар ҳосил қилиш билан бирга газламадан тежамкорлик билан фойдаланшини ўргатиш билан иқтисодий тарбия шаклланади. Ёки тикув буюмига мослаб безаклар танлаб, сифатли тикишни ўргатиш билан ўқувчиларда бадиий тарбия, тикув машинасида ўтириб тикаётганда тикув машинасига қараш, созланган машина

билан ишлаш, иш кийимиға қараң, иш жойини батартиб бўлишига эътибор бериш орқали ахлоқий тарбия шаклланади Касб таълими жараёнида ўтилаётган катта ва кичик мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқадиган тарбиявий томонларини тўғри белгилаш ва уни таълим билан бирга бир бутунликда амалга оширишни таъминлаш жуда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

**Таълимнинг илмийлиги**-бу тамойилни амалга ошириш ўқувчиларга илмий асосланган, тажрибада синалган, фаннинг энг янги ютуқларини ҳисобга олган техникавий маълумотларни етказишидир Касб-хунар таълими ўқитувчиси ўқув устахоналаридағи маълумотларда соф илмий терминлардан фойдаланиши, фанда қабул қилинган рамзий белгилар, формулалар, ўлчамларни қўллаши лозим Касб таълими жараёнида ўқувчилар ҳар хил материалларга ишлов бериш, андоза тайёрлаш, моделлаштириш ишларини бажарадилар. Бунда ўқувчиларда фақат кўнижма ва малака ҳосил бўлиб қолмай, балки уларда ўрганаётган меҳнат операцияларининг илмий асослари ҳақида тушунчалар ҳосил бўлади. Масалан: бирор буюмни моделлаштириш учун ўқувчилар энг аввал моделлаш элементлари бўйича илмий маълумотга эга бўлиши керак.

Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, касб таълими машғулотларида илмий асосларни ўқувчиларга узвий олиб бориш мақсадга мувофиқ. Табиий илмий қонуниятларга таянадиган маълумотларни баён қилиш зарур бўлиб қолади. Масалан: ўқувчиларга машинашунослик элементларини ўргатиш зарурияти туғилади. Бу вактда "механизм", "машина" тушунчалари билан тикувчилик жиҳозлари фанини узвий боғлаб олиб бориш имконини беради.

**Таълимда тизимлилик ва изчиллик.** Тизимлилик ва изчиллик таълимда маълум мантиқий изчиллик бўлиш зарурлигини билдиради, чунки билимлар ворислик характерига эга. Улар ўзидан олдинги материалига асосланади. Билим олишдаги тизимлилик назария ва амалиёт билан боғлиқ бўлган хилма-хил усулларни қўллашни тақозо этади. Чунончи: а) олинаётган билим билан ўқувчиларнинг шахсий тажрибаси ва кузатишларининг алоқаси; б) назария билан амалиётнинг алоқаси (корхоналарга экспедиция); в) турли масалаларни ҳал қилиш, назарий ҳамда амалий ҳарактердаги вазифаларни бажариш, технологик ҳужжатларни ишлаб чиқариш; г) корхоналарда, курилишларда ва қишлоқ ҳўжалигига ишлаб чиқариш амалиёти.

Билимларни тизимли баён қилиш ўқув материалини қисмларга бўлиб ўрганиш, яъни материални ўтилган материал билан боғлаш, асосийларини ажратиш, ўқувчиларни таҳлил қилишга ўргатиш, ўрганилганларни тизимга солиб умумлаштириш демакдир. Билимларни мавзулар ва фанлар бўйича тизимга солиш учун катта-катта бўлимлар ва алоҳида фанлар бўйича тақрорлаш, ўқувчилар билими, малака ва кўникмаларини бутун ўқув йили давомида мунтазам равишда ҳисобга олиб бориш зарур. Ҳар бир ўқув фани ичидағи алоқалар тизими билан бир қаторда қўйидаги ҳолларда фойдаланиладиган фанлараро алоқани таъминлаш лозим.

Материал баёнидаги, малака ва кўникмаларни эгаллашдаги изчиллик ўқув фани ҳамда ўқув жараёнининг мантиқидан келиб чиқади. Агар

ўқувчилар билим, малака ва кўникмаларни қатъий изчиллик асосида эгалласалар улардан осон ва енгил фойдалана биладилар, унугланларини қайта эсга тушира оладилар. Ўқувчиларга ишлаб чиқариш таълими бериш жараёнида ўрганилаётганларни тизимлаштириш яъни ўрганилган операциялар, иш турлари ўртасида зарурий алоқа ўрнатиш лозим.

Бу тизимлилик ва изчиллик ишлаб чиқариш таълими дастурининг операцион комплекс қурилиш тизими билан илгари ўзлаштирилган операциялар асосида янги операцияларни ўрганиш ўқув ишлаб чиқариш вазифаларни тўғри танлаш билан таъминланади.

**Назария ва амалиёт бирлиги**-назарияни амалиёт билан боғлаб олиб бориш энг асосий ва етакчи тамойилдир Касб-ҳунар таълими жараёнида кўпинча назарияни амалда қўллаш учун шароит яратилади. Ўқувчилар амалий фаолиятга тайёрлаш, назарий билимларни эгаллаш жараёнида бошланади. Назарий билимга эга бўлгандан сўнг, билимларни мустаҳкамлаш лаборатория иши ва амалий машғулотлар ўтказишда давом эттирилади. Назарияни амалиёт билан боғлашнинг ҳар хил шаклларидан фойдаланиш орқали биз ўқувчилардаги билим сифатини оширишга эришамиз. Шунингдек, ўқувчиларда фан асосларига, меҳнатта, танлаган касбига қизиқиши, кишилар меҳнатини қадрлаш каби хислатларни орттирилади.

**Ёш индивидуал ҳусусиятларни ҳисобга олиш**-касб таълими бўйича ўқув материалини мазмунни фан ва техник тараққиётини ҳозирги даражасига мос равишда ўқувчиларга тушунарли бўлиши керак. Бундан ташқари, ўқувчиларни жисмоний тайёргарлигини ҳам назарда тутиш керак.

Дарс мавзулари ўқувчиларга мос ва тушунарли бўлиши учун:

а) ўтилаётган мавзунинг маъноси ва ҳажми, амалий машғулотлари ўқувчилар тайёргарлигига, жисмоний ривожланганлигига ва ёшига мос бўлиши керак;

б) мавзулар соддадан мураккаблашиб бориши керак, шунингдек, ўқувчилар билим доирасини янгиликлар билан тўлдириб бориши зарур;

в) айrim ўқувчиларга индивидуал ёндашиш керак, чунки ўқувчиларнинг айrimлари янги мавзуни осон тушунса, айrimлари қийинчилик билан тушунадилар;

г) кўргазма қуроллардан тўғри ва ўринли фойдаланиш.

**Таълимда кўрсатмалилик**-бу тамойил ўқувчиларнинг меҳнатга оид ўқув материалларини ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни жонли идрок этиш, ўзлаштиришни назарда тутади. касб таълими дарсларида ишлаб чиқариш корхоналарига уюштирилган саёҳатлар, меҳнат усуслари, плакатлар, схемалар, жадваллар, буюм намуналарини кўрсатишдан, ўқув кинофильмлари, диафильмларни намойиш қилишдан кўрсатма воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Кўрсатмалилик тушунчасига идрок этишининг кўриш тури эмас, балки эшитиш, сезиш турлари ҳам киради. касб таълими дарсларида кўрсатмалиликка катта аҳамият бериш керак, аммо дарсни ҳаддан ташқари кўрсатма қуроллари билан тўлдириб юбориш яхши эмас, бу баъзан фойда ўрнига зарар ҳам келтириши мумкин.

## **Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг мустаҳкамлиги ва пухталиги.**

Мазкур томонлари шундай ўқув жараёнини такозо этадики, унда ўқувчилар ўзларининг бўлажак фаолиятлари учун зарур бўладиган билим, малака ва кўникмаларни иложи борича асослироқ эгаллайдилар: уларни хотирада қайта тиклай оладилар ҳамда назарий ва амалий вазифаларни ҳал этишда фойдаланадилар.

Билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкам эгаллашда ўзлаштирилган малака ва кўникмаларга қайта мурожаат этиш, уларга янги нуқтаи назар билан қараб аниқлик киритиб, янги далиллар билан бойитиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир машғулотда янги материални ўтилган материал билан боғлаш учун такрорлаш ўтказиш, машғулот охирида эса эгалланган материалнинг асосий масалалар бўйича обзор қилиш мақсадга мувофиқдир. Такрорлаш вақтида далил ва мисоллардан фойдаланиш, ўрганилган материални янада чуқурроқ таҳлил қилиш муҳимдир. Амалда дидактиканинг барча томони бир-бири билан яқин алоқада бўлган ҳолда юзага чиқади. Улар аниқ материал ва таълим шароитини ҳисобга олган ҳолда ижодий қўлланилиши зарур.

### **3. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ва уларни касб - хунар таълимида қўллаш.**

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг З-моддасида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат:

#### **Таълимватарбиянгин инсонпарвар, демократикҳарактерда эканлиги.**

Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлиги дейилганда-инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устиворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви тушунилади. Таълимнинг демократлашуви дейилганда-ўқув юртлари мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўрта таълим ҳамда уч йиллик ўрта маҳсус, касб таълими дастурига изчил ўтилишини таъминлайди.

**Таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги.** Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асосидир. Бу шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техниковий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устивор соҳадир. Ҳозирги кунда мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўрта таълим ҳамда уч йиллик ўрта маҳсус, касб таълими дастурига изчил ўтилишини таъминлайди.

**Умумий ўрта, шунингдек ўрта маҳсус, касб таълимининг мажбурийлиги.** Бу тизимнинг мажбурийлиги, ҳозиргиунда болаларни ўқиши 9 йил умумий таълим ва 3 йил ўрта маҳсус, касб таълимини ўқитилиши мажбурийлиги кадрлар тайёрлаш миллий дастурида айтиб ўтилган.

**Ўрта маҳсус, касб таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар колледжа ўқиши танлашнинг ихтиёрийлиги.** Ўрта маҳсус, касб таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида

академик лицейда ёки касб-хунар колежида ўқишининг йўналишини ихтиёрий равища танлаш хукуқига эга.

**Таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги.** Президентимиз И.А. Каримов: “Юртимиз йигит-қизлари таҳсилнинг охирги йилларини тараққий топган давлатнинг ўқув муассасаларига бориб ўқишиларини ташкил қилишимиз мақсадга мувофиқ иш бўларди” - деб таъкидлайди. Олий таълим муассасасини ислоҳ қилаётганда, уларнинг бошқа давлатлардаги олий таълим муассасалари билан алоқасини мустаҳкамлаш зарур. Ўз долаларимиз билан чекланиб қолмай, четдан ҳам домлалар чақиришни йўлга қўйишимиз керак.

**Давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги.** Ўзбекистон Республикасида ҳамма таълим олиш хукуқига, ҳатто жисмонан ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади.

**Таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув.** Замон талабига мос мутахассис тайёрлаш кераклиги, ўқув юртларимизнинг шакли, қиёфаси ва таркиби, моддий базаси ҳам замонавий бўлиши шартдир. Ўқув юртларининг раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларнинг таъминоти ва иш ҳақига ҳам шу жумладан эътибор берилди. Ўқув режа ва дастурларини замонавий талабларга мослаштириб истиқбол ва келажагимизни кўзлаган ҳолда тушиб олишимиз ва жорий этишимиз зарур.

### **Касб таълими педагогикасида қўлланиладиган илмий тадқиқот методлари.**

Касб таълими педагогикаси муаммоларига қаратилган илмий изланишлар ўтказишдан мақсад ўқитиш ва ўргатиш хусусиятлари, самарали методларни ишлаб чиқиш ва амалий қўллаш, техник воситаларини қўллашга доир масалаларни ечишдан иборатdir.

Илмий педагогик изланишлар жараёнини шартли равища қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. Ўқитувчининг адабиётларни ўрганиш ва амалий ишлари асосида муаммони аниқлаши.
2. Гипотеза қуриш, яъни ўқитишни босқичма-босқич ташкил этиш. Фактлар ва уларни таққослаш орқали изланувчи асосланган таклифни беради.
3. Изланиш натижаларини расмийлаштириш ва ўқув жараёнига қўллаш.

Махсус фанларни ўқитиш методикасида илмий изланишларнинг умумий ва маҳсус методлари қўлланилади.

Умумилмий методларга назарий изланиш, кузатиш, сухбат ва экспериментлар киради.

**Назарий метод**-адабиётлардан ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳамда педагогик тажрибалар асосида олиб бориладиган изланишлар киради. Адабиётлар устида ишлашда китоб ва журналлар, мақолалар ва патентлар,

илмий ишланмалар тўпламлар ва каталоглар, интернет тизимидан олинган маълумотлардан фойдаланилади.

**Кузатиш**-одатда табиий кузатиш орқали талабаларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнин гхулқ-автори ва муомалаларидағи ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш йўлларини белгилаш учун қўлланилади. Бу метод тадқиқотчининг педагогик тажрибанин гмуайян бир томони ва ҳодисаларини бирор мақсадни кўзда тутиб идрок этиш ташкил этади. Бунда кузатишлар тезлиги ва сони, кузатиш обьекти, вақти, педагогик вазиятларни кузатиш учун ажратиладиган характеристика ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

**Сұхба тметоди**-сўрашнинг бир тури бўлгани ҳолда тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўришини талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан бевосита алоқада бўлиш вақтида оғзаки сұхбат тарзида, сұхбатдошининг жавобларини ёзмасдан эркин муомала формасида қўлланилади.

**Педагогик сўраш методи**-тадқиқотчининг бошқа кишилардан педагогик тажрибанинг бирор томони ёки ҳодисалари ҳақида ахборот олиш жараёни бу методнинг асосини ташкил қиласди. Сўраш саволларнинг мантикий ўйланган системасини, уларнинг аниқ ифодаланишини, нисбатан камчилиги (3-5та) назарда тутилади. Шунингдек, қатъий формадаги жавобни ("ҳа","йўқ") ҳамтақозо этиши мумкин.

**Тест, сўровномалар**-бу сўровнома, яъни анкета усули қўлланганда яратилган илмий фаразнинг янгилигини билиш, аниқлаш, талабаларнинг якка ёки гурухли фикрларини, қарашларини, қандай касбларга қизишишларини, келажак орзу-истакларини билиш ва тегишли хulosалар чиқариш, тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади.

Тест саволларидан кўзланган мақсад оз вақт ичida талабаларнинг билимларини ёппасига баҳолашдир.

Мутахассисларнинг билиминивасавияси ниани икшашуслубларидан бири - бу тест ёрдамида гисиновдир.

**Ижтимоий тадқиқот методи**-анкетага саволлар киритилади. Бундан мақсад талаба-ёшларнинг касб-хунарга бўлган муносабатларини аниқлаш, талабалар орасидаги дўстлик муносабатларини ўқув юритидаги шартшароитларни билиш, ютуқ ва камчиликларни, ёшлар орасидаги муносабатларни, динга хусусан тасаввуфга бўлган қизиқишишларини аниқлаш, талабаларнинг маънавий сифатлар даражасини, билим олишга иштиёқи, адабиётлар таъминланганлик даражаси, ўқув тақсимоти, ўқитувчиларнинг ўқитиш даражаси, ўқув қўлланмаларнинг сифати, компютер билан машғулот ўтказиш турларини ўрганиш, илмий ва касб маҳоратини оширишдаги машғулотлар тури, стипендиялар миқдори, стипендиялар талабаларнинг ҳаражатини қанчалик қоплайди, ҳақ тўланадиган ишларда талабалар қатнашиши, ота-оналарининг моддий ёрдами, уларнинг маълумоти, иш жойи, талабаларнинг кўп шуғулланадиган жамоат жойи, яшаш жойи, илмий дунёқарашининг шаклланишида таъсир этувчи омиллар, мутахассис бўлиб этишишида ҳал қилувчи омиллар, талабаларнинг онглилик

даражаси жараёни, комил инсон бўлиш учун керакли бўлган маънавий сифатлар, ўзлаштирганлик даражаси ҳақидаги саволлар анкетага киритилади. Савол-жавобларнинг барчаси компьютерда қайта ишланади ва хуносалар чиқарилади.

### **Касб таълимини ташкил қилиш шакллари ва воситалари.**

#### **Касб таълимини ташкил қилиш шакллари.**

Таълим жараёни иштирокчилари (ўқитувчи ва таҳсил оловчилар)нинг маълум белгиланган тартибда амалга ошириладиган ҳамкорликдаги фаолиятининг ташқи кўриниши касб таълимининг ташкилий шаклини англатади.

Кишилик жамиятининг тараққиёт этиш даврида таълимнинг ташкилий шакллари турлича бўлган.

Хозирги пайтда касб таълимининг ташкилий шакллари қуйидаги хусусиятларига биноан турланади:

1. Таҳсил оловчилар сонига кўра-оммавий, жамоавий, гурухли, индивидуал.
2. Ўқитишжойигакўра-таълим-тарбия муассасаларида ва таълим муассасаларидан ташқарида (ўқувустахоналарида, машқ майдонларда, корхоналарда, уйишлари, саёҳат ва шу кабилар).
3. Ўқуввақтининг давомийлигига кўра-45 минутлик, жуфтлик (90мин), қисқартирилган (70 минутлик), қўнғироқсиз.

Амалиётда синф-дарс тизими кенг кўламда қўлланилганлиги сабабли дарс таълим тарбия ишининг асосий шакли деб юритилади. Синф-дарс тизимининг асосий ўзига ҳос жиҳатлари қуйидагилар ҳисобланади:

-деярли бир хил таркиб, ёш ва тайёргарлик даражадаги таҳсил оловчилар иштирок этади;

-таълим-тарбия жараёни ўзаро боғлик алоҳида-алоҳида қисмларкўринишига эга бўлади;

-хар бир дарс ўкув режасига кирган маълум бир ўкув предметига оид бўлади;

-дарслар мунтазам равиша алмашиб туради;

-иктисодий кўрсатгичларининг нисбатан юқорилиги. Чунки бир ўқитувчи бир вақтни ўзида кўп сонли таҳсил оловчилар билан ишлайди;

Шу билан бирга синф-дарс тизимининг қуйидаги камчиликлари ҳам эътироф этилган:

-ўртacha таҳсил оловчига мўлжалланганлиги;

-хар бир таҳсил оловчилар билан индивидуал ишлаш имкониятинин гиёҳлиги.

### **Касб таълимини ташкил қилиш воситалари.**

Хозирги пайтда таълим-тарбия тизимида ўқитувчининг таҳсил оловчилар билан жонли мулоқот ва муносабати муҳим аҳамиятга эга бўлганлигига қарамай, у ягона ахборот манбаи бўла олмаслиги ҳаётий ҳақиқат. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия ишини осонлаштирадиган ва самарадорлигини ошириш омили сифатида турли ҳил таълим воситаларидан

кенг фойдаланилади. Ана шундай омиллардан бири ўқитишининг техникавий воситалариридир.

Ўқитишининг техник воситалари деганда таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ҳамкорлик фаолиятини таъминлаб, унинг самарадорлигини ошириш, таъминлаш мақсадида фойдаланиладиган курилмалар тизими тушунилади.

Барча ўқитишининг техник воситаларини шартли равища уч асосий гурухга бўлиш мумкин.

1. Аудио визуал воситалар (кинопроекция, диапроекция ва эпипроекциялар, овоз ёзиб олиш, телевидение, радио);
2. Жиҳозлар, ускуна ва асбоблар;
3. Дастурли (компьютерли) таълим воситалари.

Ўқитишининг техник воситаларидан таълим-тарбия жараёнининг ташкил этувчи компоненталари билан узвий боғлиқлик ва муносабатларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш зарур. Акс ҳолда машғулот самарасини умуман йўққа чиқариш ҳам мумкин. Машғулотда ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиш ёрдамчи ҳарактерга эга бўлиб, уларни танлаш, ишлатиш вақти ва жойи дарснинг умумий режасида мақсадларга мувофиқ равища белгиланади.

Таълим-тарбияшида техник воситалардан фойдаланиш аввало дидактик тамойилларга амал қилишни кўзда тутади. Масалан, кўрсатмалилик тамойилини реал объект билан мавхум тасаввурнинг бирлигини ифодалайди.

Реал объект ёки унинг тасвирини кўриш (идрок этиш) инсон учун уни билишнинг дастлабки ва энг оддий акти ҳисобланади, аниқ тасаввурлар ва мавхум тушунчалар ҳосил қилиш учун асос вазифасини ўтайди.

Таълим-тарбия ишида кўрсатмалилик тамойилига амал қилиш зарурияти инсоннинг фикрлаш хусусиятидан келиб чиқади. Инсоннинг фикрлаш хусусияти маълумдан мавхум томон ривожланади. Тушунча ва мавхум қонун-қоидалар аниқ кузатишларга асосланса, уларнинг моҳият мазмуни анча осон ва тез шаклланади. Инсон тафаккурининг ривожланиши унинг ёшига, ҳаётий тажрибаси кабиларга боғлиқ бўлиб, таълим-тарбия жараёнида ҳисобга олиниши, аниқ далиллар ва образлардан ажралиб қолмас лигини талаб этади.

Кўрсатмали қўлланмаларга қўйидаги талаблар қўйилади:

- барча талабаларга яхши кўринадиган даражада катта бўлиши;
- ўқув хонасининг исталган жойидан бемалол ўқилиши;
- муҳим деталлар ва ёзувларнинг бошқа диққатни ўзига тортувчи ранг билан алоҳида бўялиши;
- тасвиirlар имкон қадар объектнинг асл рангига мос бўлиши;
- тасвиirlарнинг эстетик дид билан расмийлаштирилиши;
- матннинг хаддан ташқари кўп бўлмаслиги;
- тасвиirlangan объектларнинг табиий вазиятда кўрсатилиши;
- масштабга риоя қилиши;
- арzon, қулай, узоқвақтўзхолатидасақланишива шу кабилар.

Шу ўринда кўрсатмали қўлланмадан фойдаланиш мақсад бўлмай, балки натижага эришиш воситаси эканлигини унутмаслик зарур.

Кўрсатмали қўлланмалардан фойдаланишда ўкув материалининг мазмуни ва вақтини ҳисобга олиш зарур. Машғулотда кўрсатмали қўлланмалардан ҳаддан ташқари кўп ҳам фойдаланиш яхши натижа бермайди. Намойиш қилинаётган материалларни идрок этиш жараёнида таҳсил олувчилар сезги органларининг (кўриш, эшитиш, ҳидлаш, таъм билиш) кўпроқ жалб этиш зарур. Ўқитувчининг сўзи билан кўрсатмалиликнинг уйғунлиги катта аҳамиятга эга. Кўрсатмали қўлланмадан фойдаланишганда бериладиган изоҳ, таҳсил олувчилар дикқат-эътиборини асосий материалларга қаратилишини кўзда тутади.

### **Назорат саволлари**

1. Касб таълими деганда нимани тушунасиз?
2. Касб таълимини ташкил этиш методларни айтиб беринг?
3. Касб таълимини ташкил шаклларини айтиб беринг?
4. Касб таълимини ташкил қилиш воситалари изоҳлаб беринг?
5. Касб хунар таълимида умумдидактик тамойиллари деганда нимани тушунасиз?
6. Таълим ва тарбия бирлиги тамоилини изоҳланг?
7. Таълимнинг илмийлик тамоили тушунтириб беринг?
8. Таълимда тизимлилик ва изчиллик тамоилини изоҳланг?
9. Назария ва амалиёт бирлиги тамоилини изоҳланг?
10. Ёш индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш тамоилини изоҳланг?
11. Таълимда кўрсатмалилик тамоилини изоҳланг?
12. Таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги тамоилини изоҳланг?
13. Таълим тизимининг дунёвий ҳарактерда эканлиги тамоилини изоҳланг?
14. Педагогик сўраш методини тушутиинг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - ТДПУ, Тошкент., 2003 й.176 бет.
2. Касб таълими услубиёти Олимов Қ.Т., О. Абдукудусов, Л. Узоқова, М. Аҳмеджонов, Д. Жалолова. - Тошкент., Иқтисод молия, 2006. - 192 б.
3. Академик лицей ва касб-хунар коллажлари учун меъёрий-хукуқий хужжатлар тўплами. (ЎМКХТ марказининг 2005 йил 17 августдаги 192-сонли буйруғига 5-илова) Тошкент., 2005 й. 32 бет.

## **2-маъруза. Замонавий дарсга қўйиладиган талаблар. Касбий фанларни ўқитишида педагогик ва ахборот технологиялар.**

### **Режа:**

1. Замонавий дарсга қўйиладиган талаблар.
2. Касбий фанларни ўқитишида педагогик ва ахборот технологиялар.

**Таянч тушунчалар:** дарс, замонавий дарс, технология, педагогик технология, илғор педагогик технология, таълим технология, “лойиха” методи, ақлий ҳужум, кичик гурухларда ишлаш, тўрт поғанали метод, маъруза методи.

**Ўқув мақсади:** Дарс жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича билим, қўникма ва малакаларини такомиллаштириш

**Аниқ мақсадлар:** Тингловчилар модулни ўрганиш натижасида кўйидаги билим, қўникма ва малакаларга эга бўладилар:

- илғор педагогик технология элементларини фарқлай олади;
- дарс жараёнида қўлланиладиган таълим методларини билиб олади;
- анъанавий таълим методлари тўғрисида мълумотга эга бўлади;
- таълим жараёнида интерфаол методларни қўллай олади;
- анъанавий ваинтерфаол таълим методларининг афзалик ва камчиликларини таҳлил қила олади.



Педагогик технология оқими деярли барча ривожланган мамлакатларга тез тарқалди, ЮНЕСКО каби нуфузли ташкилот томонидан тан олинди ва ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда муваффақиятли ўзлаштирилмоқда ва қўлланилмоқда.

Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳолда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилмоқдалар.

Таълим технологияларини ўқув жараёнига жорий этишнинг асосий шартлари кўйидагилардан иборат:

- «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мақсади ва вазифаларини рүёбга чиқариш учун таълимни жадаллаштириш зарурлиги;
- таълим-тарбия жараёнида таълим берувчи ва таълим оловчи ролини ўзгартериш зарурлиги;
- фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги;
- баркамол авлодни тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилишидадир.

Таълим жараёни юқорида санаб ўтилган асосий шартларни барча талабларига жавоб берадиган таълими тадбирдир.

**Педагогик технология** - ўкув жараёнини технологиялаштиришни бутунлигича аниқловчи тизимли категория. “Педагогик технология”ни барча бошқа тушунчаларни белгилаш учун синоним сифатида-“таълим технологияси”, “ўқитиш технологияси” кабиларни ишлатиш мумкин.

БМТ нуфузли идораларидан бири бўлган ЮНЕСКОнинг таърифика, **таълим технологияси**-таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида, инсон ва техника ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда, бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш тизимиdir.


Педагогик технологиянинг моҳияти - ўқитиш жараёнини бутунлигича ва тугалланган ҳолда олдиндан лойиҳалаштиришдан иборат. Аниқ структуралаштирилган технологик жараёнда, педагогик ва дарс-иш ҳаракатлари, операциялари ва коммуникацияларининг занжири, кутилаётган аниқ натижалар шаклига эга, қўйилган мақсадларга қатъий мос равища тузилади.

**Илғор педагогик технология**-муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ таълим оловчи шахсига каратилган, фаоллаштирувчи методлар ва замонавий таълим воситаларидан фойдаланган ҳолда ўкув мақсадига эришишни кафолатлайдиган таълим бериш жараёниdir.

Юқорида таъкидланганидек, таълим технологияси тушунчаликни ўқитиш ва ўрганиш жараёнига тизим сифатида қарашни англатар экан, аввало тизим тушунчасини тушуниб олиш зарур.

Тизим-тартибланган, ўзаро узвий боғланган ва биргаликда умумий функцияни бажарувчи элементлар тўпламидири.

Қуйидаги тавсия этилаётган чизмада таълим жараёнининг тузилмаси келтирилган (2.1.-расм).



## 2.1-чизма. Таълим жараёнининг тузилмаси

Таълим жараёнини бир тизим деб қарайдиган бўлсак, уни ташкил этувчилари, яъни элементларига қуидагилар киради:

- ўқув мақсади;
- аниқ мақсадлар (кутилаётган натижалар);
- таълим берувчи;
- таълим олувчи;
- таълим мазмуни;
- таълим методи;
- таълим шакли;
- таълим воситалари;
- назорат ва баҳолаш.

Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда юқорида санаб ўтилган элементлардан бирортаси эътибордан четда қолса ёки нотўғри танланган бўлса тизим ишламайди, демакки, таълим жараёни олдига қўйилган мақсадга эришилмайди.

Юқоридаги 1-модулда таълим жараёни элементларидан ўқув мақсади ва кутилаётган натижаларни белгилаш тўғрисида маълумотлар берилган эди. Ушбу модулда таълим методлари ҳақида маълумотлар берилади. Таълим жараёнининг бошқа элементлари тўғрисидаги маълумотлар кейинги модулларда батафсил ёритилади.

Таълим жараёни элементларидан бири бўлган таълим методларига алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Авваламбор, “метод” сўзига таъриф берамиз.

**Метод** – (грекча «Metodos» сўзидан олинган бўлиб, изланиш ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатади) аниқ вазифани ечишга бўйсундирилган, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш операцияларининг ёки йўлларининг йиғиндиси.

**Метод**-таълим оловчи ва таълим берувчининг муайян мақсадга қаратилган, биргаликдаги фаолиятини ташкил қилишнинг тартибга солинган йўллар йиғиндиси.

Инсон воқелик тўғрисидаги дастлабки маълумотларни кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, туйиш каби сезгилар орқали қабул қиласди. Сезгилар орқали қабул қилинган маълумотлар мияда муайян хусусиятларига кўра яхлит ҳолга, маълум бир тизимга олиб келиниши, яъни маълумотлар идрок қилиниши лозим бўлади. Ахборотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашга хизмат қилувчи бу жараён уларни хотирада сақлаш ва зарур ҳолатларда қайта эсга туширишдан иборат бўлади. Маълумотларни қабул қилишда қанчалик кўп сезги органлари қатнашса, уни идрок этиш, ўзлаштириш ва хотирада сақлаш шунчалик осон кечади. Иккинчи томондан, ҳар бир кишида қайсиdir сезги органлари кўпроқ, қайсилариdir камроқ ривожланган бўлади.


Шу боис, таълим жараёнида назарий билим ва амалий кўникмаларни шакллантириш, ўқув материалларини турли кўринишларда, турли сезги органлари орқали қабул қилиниши ва идрок этилишини таъминлаш-таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бутун дунёда таълим жараёнида қўлланиладиган педагогик технологияларнинг 100 дан ортиқ методлари мавжуддир. Шунга кўра, таълим ҳоҳ анъанавий, ҳоҳ интерфаол шаклларда олиб борилмасин, дарс давомида таълимнинг синалган 11 та методлари; маъруза, тўрт поғонали, ақлий ҳужум, кичик гурӯхларда ишлаш, ролли ўйин, ишбоп ўйин, давра сухбати, муаммоли вазият, баҳс-мунозара, лойиха, йўналтирувчи матн каби методларидан фойдаланиш, уларни ўрнида қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, маърузада маълумотлар фақат эшитиш орқали қабул қилинади. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, маъруза пайтида тингловчининг диққатини 20 дақиқа давомида ушлаб туриш мумкин экан. Шунда ҳам, бу давр охирида диққатнинг жуда пасайиб кетишини кузатиш мумкин. Шунга мос равишда, ўқув материалини ўзлаштириш даражаси ҳам жуда паст, атиги 5-10%ни ташкил қилиши аниқланган. Ўқув материалини визуаллаштирилган ҳолда, турли кўргазмали тасвиirlар ёрдамида узатилганда, ҳам эшитиш, ҳам кўриш органлари орқали қабул қилинади. Таълим оловчиларга кўргазмалилик тамойилларига асосланган ҳолда ўқув материалини етказиш уларнинг диққатини жалб этишга ёрдам беради ва шу боис, бу материални идрок этиш,

ўзлаштириш осонроқ ва самаралироқ кечади. Нафақат амалий малакаларни, балки назарий билимларни ўзлаштиришда ўқув материалини мустақил ёки гуруҳ бўлиб биргаликда ўрганиш, таълим олувчининг маълумотларни ўзи қидириб топиши, тажриба ўтказиши, ниманидир ўзи қўлда бажариши барча сезги органларини бирваракайига ишлашига олиб келади ва бу ҳолатда ўзлаштириш юқори бўлади.

Амалиётдаги оддий қоида шу ҳақда гувоҳлик берадики, янги билимларни бериш назарий дарснинг дастлабки 20 дақиқасида амалга ошириш, кейин эса баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа шу каби интерфаол методларни амалга ошириб, таълим олувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш керак.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам назарий дарс жараёнида, масалан фақат маъруза ўқиладиган вақт тахминан 20 дақиқадан ошмаслиги керак. Чунки ўрганишнинг дастлабки 20 дақиқаси энг самарали, 20 дақиқадан кейин эса ўрганишни давом эттириш мотивацияси тезда пасая бошлайди. Бу ҳамма таклифлар таълим олувчининг диққатини узоқроқ вақтгача сақлаб туришга хизмат қиласди.

Қўйида (2.2-чизма), мисол тариқасида, 80 дақиқага мўлжалланган ўқув материалини муайян кетма-кетликдаги турли методларни уйғунлаштириш ёрдамида узатиш келтирилган.




## 2.2-чизма. Таълим олувчи диққатининг вақтга нисбатан ўзгариб бориши

Юқоридаги чизмага кўра, янги мавзунинг баёни 20-25 дақиқалик маърузадан бошланиши, сўнг эса 15-20 дақиқа маърузада қилинган ўқув материалини визуаллаштириш, яъни унга доир кўргазмали материаллар асосида тушунтириш, 10-15 дақиқа давомида эса, унга доир бирор тажрибани намойиш қилиш ёки бирор мисолни таҳлил қилиш ва охирида 20-25 дақиқа давомида ўқув материалини мустаҳкамлашга қаратилган мустақил ёки гурухий амалий машқ ўтказиш тавсия этилади. Шунинг учун, назарий ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, ҳар 20 дақиқа давомида турли таълим методларидан фойдаланиб узатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Таълим методларидан бундай уйғунликда ва кетма-кетликда фойдаланиш натижасида, нафакат таълим олувчиларнинг диққатини жалб этиш даражасини ошириш, балки таълим самарадорлигини оширишга ҳам эришиш мумкин.

Барча методлар ўқув материалининг дидактик вазифаси, шартшароитлар ва вақтни эътиборга олган ҳолда танланади. Тўғри танланган уйғунлашган методлар таълим олувчининг диққатини узоқроқ сақлаб турishi ва унинг фаоллигини ошириш имкониятини беради. Бу эса ўз навбатида таълим самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Идрок қилиш пайтида қанча кўп сенсорик (сезги) каналлардан фойдаланилса, эсда олиб қолинган билимларнинг микдори ва сифати шунчалик юқори бўлади.

Қуйида (2.3-чизма) таълим олувчиларнинг эсда сақлаб қолиш даражасига сезги органларининг таъсири келтирилган.



### 2.3-чизма. Эслаб қолиш даражасига сезги органларининг таъсири

Юқоридаги чизмадан шуни қўриш мумкинки, агар билимлар факат маъruzалар орқали (пассив тинглаш йўлида) берилган бўлса, унда 3 кундан сўнг уларнинг факат 25%ни эслаш мумкин холос. Агар у маъruzалар ўқиши (tinglash), намойиш ва қўргазмали қилиш (қўриш, ушлаб қўриш ва шу кабилар) орқали берилса ва шу тўғрисида баҳслашилса, унда 3 кундан сўнг 50% ни эсга тушириш мумкин. Агарда билимлар беришда маъruzадан, қўргазмалиликдан ва амалий топшириқларни бажаришдан фойдаланилса (tinglash, қўриш ва амалда бажариш), 3 кундан сўнг 75% ни эслаш мумкин. Агар билимларни идрок қилишда бир неча сенсорик каналлар биргаликда ишга солинган бўлса, маълумотларнинг қисқа хотирадан узоқ хотирага ўтиш жараёни тезлашади, бу эса билишнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Юқоридаги тасвиридан қўйидаги қоида келиб чиқади:

1. Ўқув вазиятини тайёрлашда интерфаол методлар ва аудио-визуал воситаларни самарали ишлатиш лозим. Бунда бирданига кўпгина сенсорик каналлар жалб этилади.

2. Ўқув материали тўғрисида баҳслашишга доим имкон беринг. Ўқув сухбатлар, гурухий баҳс-мунозаралар ўтказиш ва амалий топшириқларни бажариш тавсия этилади, чунки бу методлар таълим олувчиларни фаолликка жалб қиласи.

Демак, дарс жараёнида анъанавий методлар қўлланилганда, таълим олувчиларнинг ахборотни эслаб қолиш қўрсаткичининг энг юқори даражаси 30% ни ташкил этар экан. Интерфаол методлар қўлланилганда эса, таълим олувчиларнинг ахборотларни ўзлаштириш даражаси янада кўтарила боради. Шунинг учун, анъанавий методлар билан биргаликда интерфаол методларни

биргаликда бир-бирини тўлдирган ва уйғунлашган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

## АНЬАНАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ўнлаб йиллар ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, анъанавий дарс таълимнинг самарали моделларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўкув материали янги ва анча мураккаб бўлганда, анъанавий дарс - кўп ҳолларда таълим жараёнининг бирдан-бир самарали модели бўлиб қолмоқда. Маълумки, анъанавий дарсда таълим жараёнининг марказида таълим берувчи туради. Яъни таълим жараёнида таълим берувчи таълим олувчига нисбатан фаол иштирок этади. Шу боис, баъзида анъанавий дарсни марказида таълим берувчи турган ўқитиш модели деб ҳам аташади. Анъанавий дарснинг асосий мақсади - дарс мавзусининг асосий мазмунини, тушунча ва фактларини таълим берувчи томонидан таълим олувчиларга етказиш ва тушунтиришдан иборат. Дарс - олдин ўзлаштирилган билимлар билан ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар ўртасида алоқа ўрнатилишидан бошланади.

**Анъанавий методлар** деганда-таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган ва таълим олувчиларнисбатан пассивиштирок этадиган методлар тушунилади.

Анъанавий таълим методларига маъруза, намойиш, тақдимот, савол-жавоб, тўрт поғонали методлар киради. Ўкув амалиёти машғулотларида ўтиладиган мавзу анча мураккаб бўлганда, «Тўрт поғонали» метод кўп ҳолларда таълим жараёнининг бирдан-бир қўлланиладиган самарали методи бўлиб қолмоқда.

Қуйидаги материалларда анъанавий таълим методларидан “Маъруза” методи ва “Тўрт поғонали” методларни ўтказиш босқичлари ва уларнинг афзаллик ҳамда камчиликлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.



## “МАЪРУЗА”методи

Маъруза-катта ҳажмдаги ўқув материалини нисбатан узок вақт давомида монологик баён этишдир.

Бу метод бутунлай “сўзлаш” орқали амалга ошириладиган ўқитиш методи ҳисобланади. У 40 дақика ёки ундан узоқроқ давом этади ва одатда таълим олувчининг иштироки учун ҳеч қандай имконият қолдирмайди.

Маърузанинг тушунарлилигини оширувчи жиҳатлар:

- ✓ фикрни содда тилда баён этиш
- ✓ маъруза тузилмасининг (структурасининг) мантиқан тўғри тузилганлиги
- ✓ фикрларни қисқа ва лўнда ифодалаш
- ✓ рағбатлантириш (стимуллар)
- ✓ нотиклик, равон тилда гапириш ва талаффус

**Фикрни содда тилда баён этиш.** Ўз фикрини содда ифодалаш-таълим берувчининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Ўз фикрини мураккаб тилда ифодалаш - зиёлилик ва профессионализм белгиси ҳисобланмайди. Ўз фикрини содда тилда ифодалаш-таълим олувчига мос равишда гапириш демакдир.

Содда тилда гапиришга қуйидагилар воситасида эришилади:

- ✓ айтилган фикрни кўргазмали қилиб етказиш
- ✓ фикрни қисқа гаплар воситасида ифодалаш
- ✓ оддий сўзларни ишлатиш
- ✓ атамалар маъносини тушунтириб кетиш
- ✓ чет тилидан кириб келган сўзларни иложи борича ишлатилмаслик, ишлатилган тақдирда тушунтириш бериш
- ✓ содда тузилишга эга бўлган гапларни ишлатиш
- ✓ фаол феълларни ишлатиш

### **Маъруза тузилмасининг (структурасининг) мантиқан тўғри тузилганлиги.**

Маърузанинг ушбу белгиси маърузанинг ташқи тузилиши ва ички тартибини тўғри тузилганлигини билдиради. Маърузанинг ташқи тузилиши уни ўқищдаги қуйидаги ҳатти-ҳаракатларини билдиради:

- ✓ маъруза мавзуси билан таништириш
- ✓ мавзуни асослаш
- ✓ мантиқий тузилма асосида маърузани олиб бориш

- ✓ маърузани якунлаш

Маърузанинг ички тартиби уни ўқишда риоя қилинадиган мантиқий кетма-кетликни билдиради:

- ✓ маълумотлар мантиқий тўғри кетма-кетликда берилиши
- ✓ маърузанинг алоҳида қисмлари ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш
- ✓ бир фикрдан бошқа фикрга сакраб ўтишига йўл қўймаслик
- ✓ муҳим ва унча муҳим бўлмаган нарсаларни фарқлаш


**Фикрларни қисқа ва лўнда ифодалаш.** Фикрларни қисқа ва лўнда ифодалаш деганда, маъруза мазмунининг ортиқча вақт кетмасдан, лўнда, аниқ ва тўғри ифодаланиши тушунилади:

- ✓ бутунлай ўқув мақсадга қаратилган
- ✓ асосий мазмунига қаратилган
- ✓ тўғри (бехато) ифодалардан иборат
- ✓ муҳим ва керакли изоҳлар билан чекланган

**Рағбатлантириш (стимуллар).** Рағбатлантириш (стимуллар) деб маъруза таркибидаги шундай қўшимчалар тушуниладики, улар маъруза мазмунини таълим олувчиларга жонлироқ қилиб беради ва шу орқали уларнинг эътибори ва қизиқишини таъминлайди. Рағбатлантиришга куйидагилар ёрдамида эришилади:

- ✓ маъруза мазмунларини турли қизиқарли фактлар, масалан урфодат, ҳикоя ёки мисоллар ёрдамида аниқлаштириш
- ✓ таассуротли гапириш
- ✓ айтилаётган фикрларни кўргамали тарзда етказишиш (визуаллаштириш)
- ✓ қиёсларда ракамлар ва фактларни ишлатиш
- ✓ таълим олувчиларга мос қизиқарли ифодаларни танлаш
- ✓ шахсий фикрни билдириш
- ✓ тингловчиларнинг фикр-мулоҳазаларидан фойдаланиш

**Маърузанинг тузилиши (структураси).** Маъруза одатда уч қисмдан: кириш, асосий ва якуний қисмдан иборат бўлади (2.4-чизма).



## 2.4-чизма. “Маъруза” методининг тузилмаси

“Маъруза” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

### 1. Кириш қисми:

- ✓ Кутлаш
- ✓ Мавзу
- ✓ Мақсад
- ✓ Ташкилий саволлар
- ✓ Мотивация, қизиқишни ўйғотиш

### 2. Асосий қисм:

- ✓ 1-асосий фикр
- ✓ 2-асосий фикр
- ✓ 3-асосий фикр ва ҳоказо.

### 3. Якуний қисм

- ✓ Натижа ва хулоса
- ✓ Умумлаштириш

Таълим олувчилик билан таълим берувчининг биргаликдаги ушбу фаолиятини ташкил этишининг самарали шартлари қўйидагилардан иборат:

- маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- маъруза режасини эшилтириш;
- режанинг ҳар бир қисмини ёритишдан сўнг қисқача умумий хулоса қилиш;
- маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига (бўлимига) ўтища мантикий боғлиқликни таъминлаш;

- муаммоли баён қилиш;
- ёзіб олиш зарур бўлган жойларни ажратиш (ёздириш);
- маърузаларни унинг алоҳида ҳолатларини батафсил таҳлил қилиш имконини берувчи семинар-машғулотлари ва амалий машғулотлар билан қўшиб олиб бориш.

“Маъруза” методидан фойдаланганда маълумотлар, тушунтиришлар (изоҳлар) ва фактлар самарали равишда тақдим этилади.

### **“Маъруза” методининг афзалликлари:**

- аниқ илмий билимларга таянади;
- вактдан унумли фойдаланилади;
- таълим берувчи томонидан ўқув жараёнини тўлиқ назорат қилиш имконияти пайдо бўлади.

### **“Маъруза” методининг камчиликлари:**

- таълим олувчилар пассив иштирокчи бўлиб қоладилар;
- таълим берувчи билан таълим олувчилар бевосита мулоқотга кириша олмайдилар;
- катта микдордаги билимларни ўзлаштириш таълим олувчилар учун қийин кечади;
- узоқ вақт давомида диққат билан тинглаб ўтириш таълим олувчиларни тезтоликтиради;
- эслаб қўлиш даражаси барча таълим олувчиларда турлича бўлганлиги сабабли, гуруҳ бўйича ўзлаштириш даражаси паст бўлиб қўлиши мумкин.

### **“ТЎРТ ПОГОНАЛИ” метод**




**Тўрт поғонали метод” метод**-амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёнининг тўрт поғона доирасида кечадиган методидир.

Бу метод таълим олувчиларга бир хилда такрорланадиган қўл кўникмаларини тез ва мукаммал ўрганиб олишларига ёрдам беради. “Тўрт поғонали” метод қўлланилганда, таълим олувчилар иложи борича оддий операциялар билан таништирилади, сўнг уни такрорлайдилар ва то мукаммал ўзлаштирмагунча машқ қиласидар. Ушбу метод қуидаги босқичлардан иборат(2.5-чизма):

- тушунтириш;

- нима қилиш кераклигини күрсатыб бериш;
- күрсатылған тарзда қайтариш;
- машқ қилиш.




## 2.5-чизма. “Түрт поғонали” методнинг тузилмаси

**“Түрт поғонали” методнинг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. “Тушунтириш” босқичида мұхандис-педагог таълим олувчиларга аввал оддий операция босқичини тушунтириб беради.
2. “Нима қилиш кераклигини күрсатыб бериш” босқичида мұхандис-педагог таълим олувчиларга топшириқни қандай бажариш кераклигини амалда күрсатыб беради.
3. Учинчи босқичда таълим олувчилар мұхандис-педагог күрсатған иш ҳаракатларини тақрорлайды. Мұхандис-педагог таълим олувчилар бажараётған ҳаракатлар юзасидан ўз фикрини билдириб, хатоларини түғрилаб туради.
4. “Машқ қилиш” босқичида таълим олувчиларнинг ҳатти-харакати мұхандис-педагог томонидан назорат қилиб борилади. Таълим олувчилар иш амалдарини мукаммал ўзлаштирганларидан сўнг, уни мустақил бажарадилар.

“Түрт поғонали” методнинг асосий белгиси-таълим олувчиларнинг ҳаракатлари мұхандис-педагог күрсатыб берган ҳаракатлар доираси билан чекланғанлигидадир.



## 2.6-чизма. “Тўрт поғонали” методда мұхандис-педагог ва таълим олувчининг фаолияти

### “Тўрт поғонали” методнинг афзалликлари:

- таълим олувчиларда амалий кўнималарни шакллантирища ёрдам беради;
- вактдан унумли фойдаланиш имконияти мавжуд;
- оддий иш босқичларини ўзлаштириш даражаси юқори бўлади.

### “Тўрт поғонали” методнинг камчиликлари:

- таълим олувчиларнинг ҳаракатлари таълим берувчи кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланиб қолади;
- таълим олувчилар якка тартибда ўрганишга йўналтирилайдилар, лекин мустақил фикрлаш имконияти чегараланган бўлади;
- иш босқичларини амалга оширишда ҳеч қандай янгича ёндошувларга йўл қўйилмайди.

## **ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**


Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишининг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишининг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъянавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим оловчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим оловчиларнинг ўзлаштириш даражасининг қўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим оловчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очища ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиха, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим оловчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методларни интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аташади. **Интерфаол методлар** деганда-таълим оловчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим оловчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим оловчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим оловчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим оловчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қўйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим оловчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиш шиддатини таълим оловчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим оловчининг ташаббускорлиги ва масъулиягининг қўллаб-куватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

## “Ақлий ҳужум” методи



“Ақлий ҳужум” методи-бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равища баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўнимаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қиласи.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

**“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:**

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар хатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

Күйида (2.7-чизма) “Ақлий хужум” методининг тузилмаси келтирилган.



## 2.7-чизма. “Ақлий хужум” методининг тузилмаси

“Ақлий хужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнителефонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурӯҳланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

“Ақлий хужум” методининг афзалликлари:

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.

“Ақлий хужум” методининг камчиликлари:

- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.


## “КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ” методи



Кичик гурухларда ишлаш” методи-таълим оловчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўкув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим оловчи кичик гурухларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-бираидан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим оловчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган (2.8-чизма).



## **2.8-чизма.“Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси**

**“Кичик гурухларда ишлаш” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлик бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гурухлар белгиланади. Таълим олувчилар гурухларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гурухлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аник кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гурухлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар мухокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гурухлар баҳоланади.

**«Кичик гурухларда ишлаш» методининг афзалиги:**

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гурухлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

**«Кичик гурухларда ишлаш» методининг камчиликлари:**


- баъзи кичик гурухларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гурухлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гурух ичida ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

## “ДАВРА СУҲБАТИ” методи



“Давра сұхбати” методи—айлана стол атрофида берилған муаммо ёки саволлар юзасидан таълим оловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра сұхбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим оловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сұхбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сұхбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим оловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим оловчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим оловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим оловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.




**Белгилар:**  
1-таълим  
оловчилар  
2-айлана стол

### 2.9-чизма. Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра сұхбатида (2.9-чизма) ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим оловчига конверт қофози берилади. Ҳар бир таълим оловчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варажаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб кўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим

олувчига узатади. Конвертни олган таълим оловчи ўз жавобини “Жавоблар ва рақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим оловчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб харакатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йифиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра сұхбати” методининг тузилмаси келтирилган (2.10-чизма).



## 2.10-чизма. “Давра сұхбати” методининг тузилмаси

**“Давра сұхбати” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:**

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим оловчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таниширади.
3. Ҳар бир таълим оловчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гурӯҳда неча таълим оловчи бўлса, шунчадан “Жавоблар ва рақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим оловчи конвертга ва “Жавоблар ва рақалари”га ўз исми-шарифини ёzádi.
4. Таълим оловчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёzádi ва “Жавоблар ва рақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим оловчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим оловчига узатади.
6. Конвертни олган таълим оловчи конверт устидаги саволга “Жавоблар ва рақалари”дан бирига жавоб ёzádi ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим оловчига узатади.

- Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варагалари”ни баҳолайди.
- Барча конвертлар йифиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

#### **“Давра сұхбати” методининг афзалликлари:**

- ўтилган материалининг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

#### **“Давра сұхбати” методининг камчиликлари:**

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлашталаб этилади.




**“Лойиха” методи**-бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гурухларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиши, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хulosса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиха ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гурухий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиха ўкув гурухининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичida янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топширикнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва

у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиласиган топширик бўлиши керак.

Лойиха ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбик этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратадиган бўлиши керак.

Қуйидаги чизмада “Лойиха” методининг босқичлари келтирилган (2.15-чизма).



**2.15-чизма. “Лойиха” методининг босқичлари**

#### “Лойиха” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Муҳандис-педагог лойиха иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йигадилар.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбобускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик групкалар иш режаларини тақдимот қиласидилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиласидилар. Таълим олувчилар муҳандис-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланниб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Муҳандис-педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равищда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гурӯхларда ишлашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гурӯхлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси”да қайд этилади. Таълим олувчи ёки кичик гурӯхлар ҳисобот берадилар. Иш якуни қуидаги шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки ҳисобот; материалларни намойиш қилиш орқали ҳисобот; лойиха кўринишидаги ёзма ҳисобот.

6. Мұхандис-педагог ва таълим олувчилар иш жараёнини ва натижаларни биргаликда якуний сұхбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув амалиёти машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослайди. Агарда меъёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

Мұхандис-педагог “Лойиха” методини қўллаши учун топшириқларни ишлаб чиқиши, лойиха ишини дарс режасига киритиши, топшириқни таълим олувчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиха иши билан таништириши, лойихалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминланиши лозим.

“Лойиха” методини амалга оширишнинг уч хил шакли мавжуд:

- якка тартибдаги иш;
- кичик гурӯхий иш;
- жамоа

### **Назорат саволлари**

1. Метод тушунчасини изоҳлаб беринг.
2. Таълим жараёнининг тузилмаси айтиб беринг.
3. Маъруза тузилмасининг (структурасининг) ифодалаб беринг.
4. “Маъруза” методининг тузилмаси ифодалаб беринг.
5. Тўрт поғонали метод” метод ифодалаб беринг.
6. “Тўрт поғонали” методнинг тузилмаси ифодалаб беринг.
7. Интерфаол методлар деганда нимани тушунасиз?
8. “Ақлий хужум” методининг афзалликлари фақлаб беринг.
9. Кичик гурӯхларда ишлаш” методи ифодалаб беринг.
10. Давра столининг тузилмаси ифодалаб беринг.
11. “Лойиха” методининг босқичлари ифодалаб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - ТДПУ, Тошкент., 2003 й.176 бет.
2. Касб таълими услубиёти / Олимов Қ.Т., О. Абдуқудусов, Л. Узоқова, М. Аҳмеджонов, Д. Жалолова. - Тошкент., Иқтисод молия, 2006. - 192 б.
3. Академик лицей ва касб-хунар коллажлари учун меъёрий-хукукий хужжатлар тўплами. (ЎМКХТ марказининг 2005 йил 17 августдаги 192-сонли буйруғига 5-илова) Тошкент., 2005 й. 32 бет.

### **З-маъруза. Касбий таълим бўйича ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалар**

**Режа:**

1. Касб таълимига тегишли илғор чет эл тажрибасини ўрганиш бўйича қиёсий изланишлар олиб боришнинг мақсади ва мазмуни.
2. Германия, Франция, АҚШ, Жанубий Корея ва Япония мамлакатларида касб таълими.
3. Ҳамдўстлик мамлакатларида касб таълими.

**Таяч тушунчалар:** касб таълим, меҳнат таълими, акт, сат, касбга йўналтириш, Германияда таълим, Францияда таълим, АҚШда таълим, Жанубий Кореяда таълим ва Японияда таълим тизими.

#### **1. Касб таълимга тегишли илғор чет эл тажрибасини ўрганиш бўйича қиёсий изланишлар олиб боришнинг мақсади ва мазмуни.**

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда меҳнат таълимини ҳамда касбга йўналтириш борасида амалга оширлаётган ишларнинг энг эътиборга лойиқлари шу таълим бўйича ўқув дастурларини кенгайтириш; профессионализимга юз тутиш, кучли моддий баъзани барпо этиш йўлидир.

Меҳнат таълими билан бир қаторда касбга йўналтириш ишлари ҳам замон талабларига ҳамоҳанг такомиллашмоқда. Касбга йўналтириш дарслари барча ривожланган давлатларда мавжуд. Бундай дарсларда меҳнат оламидаги ўзгаришлар ва тенденциялар, касб - кор соҳиби бўлиш имкониятлари ҳам ўргатилади. Бундай дарсларни фан ўқитувчилари ҳамда маҳсус касбга йўналтириш ишлари бўйича маслаҳатчилар олиб борадилар. Булардан ташқари касбга йўналтириш консультация пунктлари ҳам мавжуд бўлиб, улар юқори синф ўқувчилари ва ота- оналарга соҳа бўйича консультатсиялар ташкил этадилар. Бундай консультатция пунктлари мактаблар таркибига кирмайди. Улар хусусий меҳнат биржалари тасарруфида бўлади.

Касбга йўналтириш ишларини ташкил этишида корхоналар амалга ошираётган ишлар ҳам эътиборга моликдир. Уларнинг штатли консультациялари мактабларда касбга йўналтириш бўйича кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб борадилар.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқариш ҳамда мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиши муносабати билан рақобатбардош кадрларга бўлган эҳтиёжнинг ошишини ҳисобга олиб, ўқувчиларни касбга йўналтиришни такомиллаштиришнинг асосий йўлларини кўрсатади.

Ривожланган мамлакатларда педагогик тадқиқотларни амалга оширадиган кўп сонли илмий муассасалар ишлаб турганлиги, Германия, Франция, АҚШ, Японияда таълим тарбия назарияси муаммолари билан юзлаб давлат ва хусусий ташкилотлар, Университетлар педагогик тадқиқот

марказлари шуғуланаётганлиги, кўпчилигининг фаолияти ўқув дастурини такоммилаштириш ва қайта қуришга қаратилганлигига эътибор қаратиласди.

Ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш икки асосий йўналишда: экценсив ва интенсив йўл билан амалга оширилган бўлиб, талабалар ушбу йўналишлар моҳиятини ўрганишлари лозим.

Биринчи ҳолатда ўқув муддати узайтирилади, ўқув материаллари ҳажми кўпайтирилади; иккинчи ҳолда эса мутлақо янги дастур яратилади. Бу ўринда иккинчи йўл, кўпчилик мутахассисларнинг эътирофича мақбул ҳисобланади.

1961 йилда "Бош янги базис" тамойиллари асосида АҚШ ўрта мактабларини ислоҳот қилиш бошланган эди.

Бунинг моҳияти шундаки, инглиз тили ва адабиёти (тўрт йил), математика (тўрт йил), табиий билимлар (уч йил), ижтимоий фанлар (уч йил), компьютер техникаси (ярим йил) кабилардан иборат беш йўналишдаги мажбурий таълим жорий қилинди.

Ҳар бир йўналиш ўз навбатида бир неча қисмга бўлинади. Масалан, математика, алгебра, тригонометрия, иш юритиш, компьютер техникасини кўллашдан иборат барча мажбурий предметлар таркибига янги курслар киритлди. 1985 йилдан этиборан барча юқори босқич коллекларнинг тўқсон фоизи шу беш базисли тамойиллар асосидаги дастурлар билан иш олиб бормоқдалар. Натижা: мажбурий тайёргарлик бўйича таълим ҳажми қисқарди, шу билан бир қаторда дастур чукурлаштирилиб ўрганиладиган курслар ҳисобига тифизлаштирилди.

Германия тўлиқиз ўрта мактабларида асосий предметлар билан бир қаторда танлаб олинадиган химия, физика, чет тиллари киритилган ўқув дастурлари ҳам амалга оширилалепти. Бу ўқув дастури тобора тўлиқиз ўрта мактаб доирасидан чиқиб, ўрта мактаблар ва гимназияларни ҳам қамраб олмоқда.

Франция бошланғич мактабларида таълим мазмуни она тили ва адабиёти ҳамда математикадан иборат асосий, тарих, география, ахолишунослик, табиий фанлар, меҳнат таълими, жисмоний ва эстетик тарбия каби ёрдамчи предметларга бўлинади.

Япония мактаблари иккинчи жаҳон урушидан кейиноқ Америка таълими йўлидан борди. Лекин шунга қарамай, бу икки мамлакат ўқув дастурида қатор фарқлар кўзга ташланади. Японияда ўқув дастурлари жиддий мураккаблаштирилган асосий фанлар мажмуи анча кенг, бир қатор янги маҳсус ва ўқув факультатив курслар киритилган. Масалан, умумий таълими мактабларининг янги мусиқа таълими ўқув дастурига миллий ва жаҳон мумтоз мусиқасини ўрганиш ҳам киритилган.

Афтидан, ривожланган давлатларда ўқув дастурининг ривожланиши мана шу йўналиш асосида қурилмоқда. Ривожланган хорижий давлатларда таълимнинг мамлакат ички сиёсатига фаол таъсир этадиган ижтимоий жараён эканлиги, эътироф қилинган ҳақиқатдир. Шу туфайли ҳам чет мамлакатларда мактаб эҳтиёжини иқтисодий таъминлашга ажратилаётган маблағ микдори йилдан йилга-ошиб бормоқда.

## **2.Германия, Франция, АҚШ, Жанубий Корея ва Япония мамлакатларида касб таълими.**

Мактабгача тарбия тизими Германия таълим тизимида ҳам муҳим босқич ҳисобланади. Унинг 100 йилдан ортиқ тарихи бор. Болалар боғчалари таълимнинг қуи босқичи ҳисоблансада, лекин у давлат тизими таркибига кирмайди. Боғчаларни маблағ билан таъминлаш турли жамоат ташкилотлари, ҳайрия бирлашмалари, корхоналар, хусусий шахслар, диний муассасалар зыммасидадир. Ота-оналар болалар боғчаларига ўз фарзандларини тарбиялаётганликлари учун анча миқдорда пул тўлайдилар. З ёшдан 6 ёшгача болаларнинг 80% боғчаларга қатнайди. Германияда одатда болалар боғчада тушгача тарбияланадилар. Куннинг ярмида эса уйда, оилада бўладилар. Германияда куни узайтирилган боғчалар ҳам бор.

Мажбурий таълим 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тегишли, яъни бу жараён 12 йил давом этади. Бундан 9 йиллик (баззи жойларда 10 йил) мактабда тўла ҳафталик ўқишида ўқиёди. Ўқиши давлат мактабларида текин. Хусусий мактаблар озроқ. Ўқиши 6 ёшдан бошланиб, 4 йил давом этади (фақат Берлинда 6 йил). Бошланғич мактабдан сўнг ўқувчилик йўналиш босқичидаги мактабга ўтадилар. Бу ерда 5-6 синф босқичидаги йўналиш мактабларда маҳсус дастур асосида ўқийдилар. Кейин навбатдаги мактаб типига кўчадилар: булар - асосий, маҳсус мактаб, реал билим юртлари. Деярли 30% бола асосий мактабга ўтади. 9 ёки 10 йиллик ўқиши тугатилгандан кейин касбий тайёргарликка ўтилади. Маҳсус мактабларда нуқсонга эга бўлган болалар ўқиёди. Реал билим юртлари асосий мактаб ва юқори босқич мактаби ўртасида туради. Қоидага кўра бу ерда ўқиши 6 йил давом этади (5-10 синфгача) ва тўла ўрта маълумот бериш билан тугалланади. Билим юртини тугатганлар ўрта маҳсус ўқув юртига ёки юқори босқичдаги ҳунар-техника мактабига кириб ўқиши ҳуқуқига эга бўлади. Германияда гимназиялар ҳам мавжуд. Улар 5-13 синфларни ўз ичига олади. 11-13 синфлар олий ўқув юртларида тайёрлаш вазифасини ҳам бажаради. Гимназияни битирганлик ҳақидаги етуклик аттестати олий ўқув юртида ўқиши имконини беради. Германия таълим тизимида ҳунар таълими муҳим аҳамиятга эга, чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб кучлидир. Тўлиқсиз ўрта мактабни битириувчиларнинг эса 20% ҳунар таълими тизимида билим олишни давом эттирадилар. Аксарият ҳолларда ўқиши муддати 3-3,5 йилни ташкил этади. Ўқиши уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи йили асосий ҳунар таълими берилади. Бунга ўқитилаётган касбга тааллуқли маҳсус фанлардан назарий асослар берилиб, йирик корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилади. Иккинчи йил давомида маҳсус ҳунар таълими берилади. Ўқувчининг биринчи йилда иккинчи йилга ўтиши синов имтиҳонлари ўтказилиб ўқишини давом эттирувчи ёшлар танлаб олинади. Учинчи йил давомида маҳсус ҳунар таълими янада чуқурлаштирилиб борилади. Битириув имтиҳонлари маҳсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия аъзолари корхоналарнинг етакчи мутахассислари,

федерал ерлардаги саноат палатаси, хунармандчилик палатаси вакилларидан ташкил топади. Хунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртларига кириш учун ҳуқук бермайди. Бунинг учун 1 йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб этилади. Ўқишига қабул қилиш имтиҳонсиз мактаб таълимни тўғрисидаги ҳужжатга асосан амалга оширилади.

Франция таълим тизими ҳам қадимий ва бой тарихга эга. Бу мамлакатда «Таълим ҳақида»ги қонун дастлаб 1955 йилда қабул қилиниб, 1975 йилда унга қатор ўзгартиришлар киритилган.

Франция давлатининг ҳозирги даврда амал қилинаётган «Таълим ҳақида»ги қонуни 1989 йил 10 июлда қабул қилинган бўлиб, унинг ўзгартирилишига таълим стратегиясида рўй берган ўзгаришлар, мамлакатнинг ички, ташқи сиёсатдаги ислоҳатлар, юзага келган иқтисодий шароитлар, чет эл педагогикасидаги илғор тажрибаларнинг мамлакат таълим тизимларига кириб келиши, ўқув предметларининг интеграциялари ва бошқалар сабаб бўлди.

Францияда таълимнинг асосий мақсади шахснинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка, ишбилармонлик ва омилкорликка ўргатиш, шунга яраша касб-корга эга қилишдан иборатdir. Бу ерда:

Давлат мактаблари;  
Хусусий мактаблар;  
Оралиқ мактаблари мавжуд.

Ўқитиладиган предметлар ичida француз тили ва адабиёти, ўқиши ва ёзув алоҳида аҳамиятга молик бўлиб ҳисобланади. Улар учун дарс вақтининг 30% ажратилади. Ўртacha ҳафталик соатлар 26 соатдан иборат, дарснинг давомийлиги эса 60 минут. Ўқув йили 5 чоракка бўлинади. Француз мактаблари бошланғич синфларида ўқиши эрталабки ва тушдан кейинги қисмларга бўлинади. Эрталаб ўқувчилар она тилидан, тушдан кейин эса математика ва бошқа предметлардан сабоқ оладилар. Математика, она тили ва адабиёти база предмети, тарих, география, меҳнат, жисмоний тарбия предметлари эса ривожлантирувчи предметлар ҳисобланади.

Франция таълимида болаларнинг гўдаклик чоғиданоқ мактабда ўқитиши учун тайёр ҳолда олиб келиш ғоят мухим масала ҳисобланади. Бу босқичда тарбияланувчилар қуидагича табақалаштирилган: кичик гурӯҳ (2-4 ёш), ўрта гурӯҳ (4-5 ёш), катта гурӯҳ (5-6 ёш). Мактабга тайёрлов гурӯҳи (5-6 ёш) бўлиб, уларга Францияда 100% шу ёшдаги болалар қамраб олинган. Болаларни мактабга тайёрлаш учун алоҳида дастур ва дарсликлар мавжуд.

Францияда бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошланғич мактаб бепул ва мажбурий. Унинг вазифаси ўқиши, ёзиш, ҳисоблаш малакасини беришdir. Ўқув машғулотлари эрталаб соат 9 дан 12 гача, ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади. Мактабда овқатланиш пуллик, лекин жуда арzonлаштирилган нархларда. Бошланғич синфларда ўқиши уч босқичда амалга оширилади:

Тайёрлов босқичи;

Элементар курс (бу босқич икки йил давом этади);  
Чуқурлаштирилган босқич.

Дастурларда ўкув предметларнинг барчасига уч босқич бўйича аниқ, алоҳида-алоҳида талаблар кўйилади.

1990 йилдаги хукумат қарорида болаларни билимига, қобилиятига қараб дарс жадвалини табақалаштирган ҳолда тузиш хукуқи берилди.

Ўкувчилик 11 ёшда бошланғич мактабни тугаллаб ўрта мактабга ўтадилар. Ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим икки босқичда берилади. Биринчи босқич (11 ёшдан 15 ёшгacha) 4 йил бўлиб, энг кичик синф 6-синф, 5-4 ўрта синф, 3-синф эса катта синф ҳисобланади. Демак синфларни рақамлаш юқоридан пастга қараб амалга оширилади. 6-5 синфлар умумий ўрта таълим, 4-3 синфлар эса ўқувчиларнинг мойиллигига қараб берилади. Бу биринчи босқични тугатгач, ўқувчилик касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар. Сўнгра иккинчи босқич бошланади. Бу босқичда 15-18 ёшгacha бўлган болалар таълим оладилар. Улар уч йил ўқиб бакалавр унвони ва дипломи учун имтиҳон топширадилар. Ана шунда диплом олган ўқувчиларгина олий ўкув юртларга қабул қилиниш хукуқига эга бўладилар. Францияда талабалар педагогика, политехника институти, олий маъмурий мактабларга кириш учунгина имтиҳон топширадилар. Бундан ташқари шу касбга мойиллиги ҳам алоҳида синаб кўрилади. Бошқа олийгоҳларга ва университетларга эса бакалавр дипломи бўлган ёшлар имтиҳонсиз қабул қилинаверади.

Олий таълим университетларда уч туркумда амалга оширилади.

Биринчи туркум: умумий бўлиб, ўқиш муддати икки йил давом этади.

Иккинчи туркум: ўқиш бир йил давом этади. Талабалар уни магистр даражаси билан якунлайди.

Учинчи туркум: ўқиш 1-2 йил давом этади. Бу циклда:

- бирон бир предметни чуқурлаштириб ўрганилганлиги хақида диплом 1 йил;
- ихтисослаштирилган олий маълумот тўғрисида диплом 1-йил;
- учинчи туркум докторлик диссертацияси 1-2 йил;

Давлат докторлик диссертацияси бирон-бир соҳани мукаммал ўрганиб диссертация ёзиш каби хужжатлар олиш мумкин.

Францияда олий маълумот ва ихтисос берувчи олий технологик институтлар мингдан ортиқ. Улар одатда саноат, майший хизмат кўрсатиш, информатика мутахассисликларига ихтисослашган. Ўқиш муддати 2 йил бўлиб, саккиз хафталик ишлаб чиқариш амалиётини ҳам кўзда тутади.

Сиртқи таълим шоҳобчалари жуда кенг бўлиб, у 500 турдаги ўрта, олий профессионал маълумот беришни тавсия эта олади.

Францияда мактаб раҳбарлиги лавозимига эришмоқ учун таълимга раҳбарлик қилишдан сабоқ берувчи маҳсус марказларда ўқийдилар. Бундай марказларда улар раҳбарлик қилиш, мактаб иқтисодиётини бошқариш, таълимдаги юридик масалалар, қонунчилик, ота-оналар билан ишлаш, маданий оқартув ишларини ташкил этиш, жамоада яхши психологик мухитни барпо этиш каби жиҳатларни ўрганади. Ўқишни якунлагач,

сұхбатдан, тест имтихонларидан ўтадилар. Директор дарс бермайды. Унинг иш фаолиятини икки йил давомида дикқат билан кузатиб борилади. Шу икки йил давомида мактаб директори талантли ташкилотчи, етук раҳбар сифатида фаолият кўрсата олмаса, у бу лавозимидан олиб ташланади. Мактаб ўқувчилариға қўйилган талаб Францияда ўта юқори. Айниқса, бошланғич мактабларда ўқитувчи ўз касбини устаси, ажойиб нотик, санъаткор, мусиқачи, спортчи, ташкилотчи, намунали хулқ-атвор эгаси бўлмоғи лозим.

Ўқитувчилар ўз назарий - услубий малакаларини оширишга аҳамият берадилар. Малака ошириш курсларидан ўтиш учун аниқ муддат белгилаб қўйилмаган. Ўқитувчилар ўз ихтиёрлари билан тест марказларида имтихон топширадилар.

Шу имтихонлар даврида ўқитувчи фаолиятида айрим нуқсонлар сезилиб, малака оширишга эҳтиёж аниқланса, ўз вақти ва маблағлари ҳисобига малака оширилади.

2000 йилда Франция мактабларидағи ахвол синчиклаб ўрганилиб, ўқувчиларнинг кўпчилик дарсларга кирмай бошқа ишлар билан машғул бўлиб юриши аниқлангач, бу камчиликни тузатиш учун жиддий чоралар кўрилмоқда. Полицияни бу ишга жалб этиб, дарс вақтида бошқа жойларда юрган болаларни тутиш, уларга жарима солиш ва мактабга элтиб қўйиш юклатилади. Ўз фарзандларини мактабга юбормаган ота-оналарни эса суд хукми билан жазоланади. Унда ҳатто қамоқ жазоси ҳам белгилаб қўйилган. Чунки айнан дарсга қатнашмай юрган болалар ўртасида наркомания ва хукуқбузарлик каби ҳолатлар кўп учрайди. Умуман Францияда таълим тизимини ривожлантириш учун бу йил жуда катта маблағ ажратилган.

Америка қўшма Штатларида болалар 6 ёшдан 17 ёшгacha 12 йил ўқийдилар. Таълим тизими қуйидагича ташкил этилган:

1. 3 ёшдан 5 ёшгacha мактабгача тарбия муассасаларида.
2. Бошланғич мактаб. Бу босқич 1-5-синфларни ўз ичига олади.
3. Тўлиқ бўлмаган ўрта мактаб. Бу босқич 6-8-синфлардан иборат.
4. Юқори мактаб. Бу босқич 9-11-синфлар бўлади. Мазкур Юқори мактаб билан Олий таълимни аралаштирумаслик керак.

Америка мактабларида 9-синфгача асосий эътибор математикага эмас, балки табиий фанларга қаратилади, юқорида тасдиқланган ягона дастурлар бўлмайди. Ўқувчилар учун ягона, мажбурий дарсликлар, қўлланмалар йўқ. Америка мактабларида техникавий жиҳатдан яхши жиҳозланган, синфлар компьютерлаштирилган. Ҳар бир мактабда бошланғич синф ўқувчиларини ташийдиган маҳсус автобуслар, стадионлар, турли лабораториялар бор. Америка мактабларининг аксарияти давлат ихтиёрида бўлиб, давлат маблағи билан таъминланади. Лекин шахсий мактаблар ҳам анчагина. Катта шаҳарларда яшовчи ўзига тўқ ота-оналар фарзандларини шахсий мактабларга беришга ҳаракат қилишади. Давлат мактабларида текин, шахсий мактаблар эса - пуллик ўқитилади. Вашингтон шаҳридаги шахсий мактабда болани ўқитиш учун бир йилга таҳминан ўн минг доллар тўлаш керак. Бундай мактабларда бой оила фарзандлари таълим оладилар. Шахсий мактабларнинг ҳар бири ўзи хос хусусиятларга, маҳсус дастурларга, маҳсус ўқитувчиларга

эга. Бундай мактабларда синфда ўқийдиган ўқувчилар сони кам бўлдаи. Шахсий мактабларда бошланғич синфлардан бошлаб эстетик тарбияга, санъатга алоҳида эътибор берилади.

Америка давлат мактабларининг юқори синфларидаги ўқиши-ўқитиш тизими бизницидан тубдан фарқ қиласди. Юқори синфлардаги ҳар бир ўқувчига алоҳида ўқитувчи-мураббий бириктирилади. У шу ўқувчининг қобилияти, қизиқишиларини синчиклаб ўрганиб, фақат шу ўқувчига мос алоҳида режа тузади, унинг ўқишига раҳбарлик қиласди. У ўрганиши лозим бўлган мажбурий фанлар рўйхатини тузиб чиқади. Масалан, 9-синф ўқувчиси бир фандан, дейлик, кимёдан кучли бўлса-ю, чет тилидан оқсаса, бу ўқувчига 9-синфда ўнинчи синф режаси бўйича кимёни ўрганишга рухсат этилади. У чет тилини 9-синф ҳажмида ёки енгиллаштирилган режа бўйича ўрганиши мумкин. Кимёдан ёки математика, биология, физика ва бошқа табиий фанлардан мактаб режасини муддатидан олдин тугатган, барча контрол ишларини топширган ўқувчига мактабда ўқиб юрган вақтидаёқ шу фанлар бўйича ўзи кирмоқчи бўлган коллежнинг биринчи курси имтиҳонларини ҳам топширишига имконият яратилади.

Американинг Юқори мактабларида шундай ўқитувчилар борки, улар коллежларнинг биринчи курсларида ўқитиладиган маълум фанлардан дарс беришлари ҳамда имтиҳон олишлари шарт. Америка мактабларида битириш имтиҳонлари йўқ. Олий ўқув юртларига кириш учун биздагидек кириш имтиҳонлари олинмайди. Бироқ ҳар бир абитуриент олий ўқув юртига кириш учун математика ва инглиз тилидан синов (тест) топширади. Бундай тестлар Америкада ҳар йили 3-4 марта ўтказилади. Синов саволлари китоб шаклида ҳар йили чоп этилади. Уларда мингга яқин машқлар, масалалар ва уларнинг ечимлари кўрсатилади. Синфларда қандай саволлар бўлиши бизга ўхшаб сир тутилмайди, балки очик-ойдин «математика ва инглиз тилидан бу йил мана шу саволларга жавоб бериш лозим» деб кўрсатилади. Ўқувчилар бу китобни олиб, кириш синовларига тайёрланади.

Америкада талabalар математика ва инглиз тилидан кириш синовларини 10-12 синфларда ўқиб юрган вақтларида, ўзларига кулай пайтда топшира оладилар.

Америка олий ўқув юртларига кириш учун белгиланган синов (тест)лар икки хил бўлади:

**CAT** (Схоластик аптитюд тест);

**AKT** (Американ коллеж тест) синовлари.

CAT синовлари мураккаброқ бўлади. Машҳур университетларга кириш учун CAT синовларини топшириш шарт бўлади.

Япония таълим мининг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдига икки вазифани: 1-бойиш, 2-фарб технологиясини Япония ишлаб чиқаришига киритиш масаласини қўяди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклиги айтилади.

1872 йили «Таълим ҳақида қонун» қабул қилинди. Бунда япон таълими фарб таълими билан уйғунлаштирилади. 1908 йил Японияда бошланғич

таълим мажбурий б йилликка айлантирилди. 1893 йили касб йўналишидаги дастлабки коллеж пайдо бўлди.

1946 йили қабул қилинган Конституция фуқароларнинг таълим соҳасидаги хуқуқ ва бурчларини белгилаб берди. Унда барча болалар бепул умумий таълим олишлари шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Ҳозирги замон япон таълим тизимларининг таркиби қуйидагича: боғчалар, бошланғич мактаб, кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълим тизимларига кирувчи ўқув юртлари. Болалар ёш хусусиятларига қараб 3, 2, 1 йиллик таълим курсларига жалб қилинади. Японияда мактабгача таълим муассасаларининг 59,9% хусусий, 40,8% муниципал, 0,3% давлатницидир.

Мажбурий таълим. Таълимнинг поғонаси 6 ёшдан 15 ёшгacha бўлган болаларни ўз ичига олади. 6 йиллик бошланғич таълим ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб, 9 йиллик мажбурий таълимни ташкил этади ва у бепулдир, текин дарсликлар билан таъминланган. Мухтоҷ оиласаларнинг болалари бепул нонушта, ўқув қуроллари, тиббий хизмат билан таъминланади. Зарур бўлган тақдирда уларнинг оиласаларига моддий ёрдам кўрсатилади. Шу қаторда хусусий мактаблар ҳам мавжуд.

Юқори босқич ўрта мактаб 10, 11, 12 синфларни ўз ичига олади, бундай мактабларнинг кундузги, сиртқи ва кечки бўлимлари мавжуд. Ўқувчиларнинг 95% кундузги мактабларда ўқийдилар.

Японияда ўқув йили 240 кун (АҚШ 180). Ўқув йили 1 апрелдан бошланиб мартда тугайди. Ёзги каникул июнь ойининг охирида бошланиб, августда тугайди. Дарслар 7 соатдан ўтилади.

Дорилфунунларга катта ўрта мактабни ёки 12 йиллик оддий мактабни тутатган ўқувчилар қабул қилинади. У ерда 460 та университет бўлиб, 95 таси давлат тасарруфида, 34 таси муниципал, 331 таси хусусий, 1-тоифадаги университетларда ҳар бир ўқитувчига 8 нафар, 2-тоифали университетларда эса 20 тадан талаба тўғри келади. Университетларга қабул қилиш икки босқичга бўлинади: 1-босқичи турар жойда ўтказилади: бунинг учун япон, эски япон тили, математика, физика, химия, жамиятшунослик, тарих бўйича тест синовларидан ўтадилар.

Бу синовлардан ўтган ўқувчилар университетларга йўлланма оладилар ва яна синовдан ўтадилар. Хусусий университетларга эса тўғридан-тўғри тест топширилади. Бир қатор хусусий университетлар ўзининг узлуксиз шахобчасига эса (боғчадан бошлаб ҳамма босқичларни қамраб олади). Университетдан талabalарни ҳайдаб юбориш мумкин эмас. Лекин ўқиши муддатини чўзиш мумкин (4 йиллик ўқиши 5-6 йилгача чўзилиб кетиши мумкин).

Коллежлар:

1-кичик коллеж;

2-техник коллеж

3-махсус коллежларга бўлинади.

Уни битирган талabalар бакалавр дипломини олади ва университетнинг 3 ёки 4 курсларига қабул қилинади.

Жанубий Кореяда таълимҳақидаги қонун 1948 йилда қабул қилинган. Таълим тизимиға асос қилиб анъанавий ғарб модели олинганд: 6 йил-қуи мактаб, 3 йил-ўрта, яна 3 йил-олий мактаб; сўнгра тўрт йиллик коллеж ва бакалавр унвони берилади; танланган фан яна 2 йил чуқур ўрганилгандан сўнг магистр унвонини олиш мумкин. Фан доктори бўлиш учун яна 3 йил вақт сарфлаш лозим.

Мамлакатда олий ўқув юртларининг ишлари яхши йўлга қўйилган. Кореяда 104 та олий ўқув юрти бор, уларнинг 80 фоизи хусусийдир. Ҳозир мамлакатда олий ўқув юртларида ўқишига қизиқиш жуда кучайиб кетган. Ҳар йили мактабларни битиравчиларнинг 40 фоизи ўқишига киради. Талабалар сони бўйича Корея дунёда биринчи ўринда туради. Лекин мактабгача таълим муассасалари ишида муаммолар бор. Талаб эҳтиёжни қондира олмаяпти. Шунинг учун 1982 йилда мактабгача тарбияҳақида қонун қабул қилинди. Бу ерда тарбияга болалар боғчасида асос солинишини яхши тушунишади. Шу туфайли бу тармоқ кейинги йилларда 60 фоизга кенгайди. Бунда диний ташкилотларнинг хиссаси каттадир.

Бошланғич мактаб масаласига келганда (бу мактабга олти ёшлилар келишади) синфларнинг тифизлигини кузатиш мумкин. Ҳар синфда 50 нафаргача бола ўқийди. Дарс нагрузкалари ҳам қўпроқ. Лекин ўйинлар дам олиш ўқув дастурига киритилган. Шунинг учун дам олишга имконият бор.

Бошланғич мактабда дарс 40 минут давом этади. Ўрта мактабда эса дарслар 45 минут.

Олий мактабда дарснинг давомийлиги 50 минутга teng. Бу ерда икки муҳим жиҳатга тўхталиб ўтиш зарур. Олий мактабга, албатта, кириш имтиҳонлари топшириб кирилади, ўқишилар пуллик.

Бошланғич мактабда 9 та фан ўқитилади. Корейс тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Бундан ташқари арифметика, айрим ижтимоий фанлар ҳам ўқитилади.

Ўрта мактабда фанлар яна 4 тага кўпайтирилган. 7-синфдан бошлаб чет тиллар ўргатилади. Мамлакатда инглиз тилига эътибор кучли. Кўпчилик бу тилда бемалол гаплаша олади. Чет тилларни ўқитишига ҳафтасига 4-5 соат ажратилган. Корейслар яна бир тилни-классик хитой тилини мажбурий равишда ўрганадилар. 8-синфдан бошлаб Хитой тарихи ўрганилади.

Хунар мактаблари Кореяда 600 тани ташкил этади. Бу мактабларнинг 45 фоизи бўлажак мулқдорларни тайёрлайди, 23 фоизида техник касб эгалари етишиб чиқади. қолган мактабларда денгизчилик, қишлоқ хўжалик ихтисослари ўзлаштирилади.

Шуниси диққатга сазоворки, бу мактабларга корхоналар оталиқ қиласилар. Таълимҳақидаги қонун талабларидан бири шудир.

Кореяда ҳам алоҳида иқтидорли болаларга эътибор кучли. Сўнгги йилларда 5 та спорт, 6 та илмий мактаб очилган. Жисмоний тарбиянинг ривожланишига Сеул олимпиадаси катта таъсир кўрсатган.

Кореяда ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрликни ҳар қадамда кузатиш мумкин. Айтайлик, бу ерда аравачалар ёрдамида харакатланувчилар учун ер

ости лифтлари мавжуд, маҳсус жиҳозланган паст қилиб қурилган телефон-автоматлардан ногиронлар бемалол фойдаланадилар, ривожланишдан орқада қолган болалар учун маҳсус мактаблар мавжуд. Бу мактабларнинг аксарияти хусусий ёки диний ташкилотларнинг хайрия маблағлари ҳисобига қурилган. Давлат мактабларида дин ўқитилмайди. Лекин 3-синфдан бошлаб «Одбонома» каби маҳсус фан жорий этилади. Бу фан 12-синфгача ўқитилиб, ҳафтасига 2 соат вақт ажратилган.

Бу фан ўз ичига динни ҳам қабул қиласди. У қотиб қолган бир нарса сифатида эмас, қадрият сифатида ўқитилади. Бу бутун тарбия тизими натижасидир. Эҳромларга бориш, тарихий ёдгорликлар билан танишиш, маънавий тарихни ўрганиш мактаб фанининг мажбурий давоми ҳисобланади.

Мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор берилади. Кореядаги барча талабаларнинг 6,5 фоизи бўлажак педагоглардир. Мамлакатда 11 та ўқитувчилар коллежлари мавжуд. Ҳар бир провинция ўз коллежига эга. Бошланғич синфлар ўқитувчиси бўлиш учун 2 йил ўқиш керак. Фан ўқитувчиси бирмунча кўпроқ ўқиди.

Кореяда ўқитувчининг иш ҳақи 700 долларга teng. Агар бунга педагогика олий ўқув юртларига ўқишига киришдаги юқори танловни ҳам кўшадиган бўлсақ, бу мамлакатда ўқитувчи касбининг эъзозланиши сабаблари аёndir.

Жанубий Кореяда таълимнинг обрўси накадар катталагини қуидаги мисолдан ҳам қўрсак бўлади:

Солиқлар тизимида таълимий солиқ жорий қилинган: ишлаб чиқарувчилар фойданинг маълум фоизини маорифга юборадилар. Давлат бюджетининг 24 фоизи таълимга сарфланади. Мамлакат президенти (у ҳалқ таълими Давлат кенгашини бошқаради) шахсан провинциялар таълим бошқармалари (биздаги ҳалқ таълими бошқармалари каби) бошликларини тайинлайди. Бу ҳам ушбу мамлакатда маорифга канчалар зўр аҳамият берилишини кўрсатиб турибди.

### **3.Хамдўстлик мамлакатларида қасб таълими.**

Россияда умумий таълим ўз ичига бошланғич, асосий ва ўрта (тўлиқ) таълимни қамраб олади. Ўрта мактабда ўқиши муддати 11 йилни ташкил этиб, бундан 1-4-синфлар бошланғич, 5-9 синфлар-асосий, 10-11-синфлар тўлиқ ўрта таълим дастури асосида таълим оладилар. Ишчи ёшлар учун кечки мактаблар тизими ҳам сақланиб қолган. Кейинги йилларда бундай таълим анча қисқарган. Шу билан бирга икки ёки ундан ортиқ сменадаги мактаблар ҳам қисқарган.

Иқтисодий қийинчиликлар Россияда умумий таълим мактабининг бир ўқувчисига сарфланадиган ҳаражат миқдори камайишига олиб келди. Таълим беришнинг янги шакллари ва нодавлат таълим муассасалари пайдо бўлди. Ўрта мактаблар ва ўқитувчилар ўқув дастури ва адабиётларни мустақил танлаш имкониятига эга бўлдилар. Ижтимоий фанларнинг мазмуни анча ўзгарди; сиёсатшунослиқ, социология, иқтисодиёт, хуқуқ каби ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича қатор факультатив курслар ташкил этилди,

мактабларда информатика, экология, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги асослари каби янги предметлар ўқитила бошланди.

Россияда умумий ўрта таълим мактаблари сони 70 мингга яқин бўлиб, уларда 20 миллион бола таҳсил олмоқда. 7 ёшдан 17 ёшгаша болаларни ўрта таълимга жалб этилиши жиҳатидан Россия жаҳонда юқори ўринлардан бирида туради, у 81%ни ташкил этади.

Россияда касбий таълимнинг учта даражаси бор: Бошланғич даражабошланғич касбий таълим берувчи ўкув юртлари (ПТУ) квалификацияли ишчи ва хизматчиларни етиштириб чиқаради. Буларда ўқиш муддати, ўкувчининг маълумот даражасига боғлик. 9-синфни тугатганлар 2-3 йил, 11-синфни битириб келганлар 1 ёки 2 йил таҳсил олишади. Техникум мақомига тенг бўлган 3-4 йиллик ўкув юртлари ҳам мавжуд.

Ўрта даражага- амалиётчи мутахассисларни тайёрлашга қаратилган. У икки асосий таълимий дастур: базавий ва оширилган даражада амалга ошади. Базавий даражага дастурини эгаллагандан сўнг битирувчига "техник" ихтисослиги берилади. Оширилган даражада яна 1 йил чукурлаштирилган ҳолда ўқиб чиқади, унга "катта техник" ихтисослиги берилади. Бундай ихтисослик берадиган ўкув муассасалари техникум ёки коллежлардир.

Олий даражага- университет, академия ёки институтларда берилади. Олий таълимнинг мазмунига қўйилган талаблар, ўкув юкламаси микдори ва битирувчининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар касбий олий таълимнинг давлат стандартлари билан белгиланади.

Олий таълимдан кейинги маълумот.

Фан номзоди даражаси Россияда дипломли олимнинг биринши визит карточкаси ҳисобланади. Номзодлик илмий даражасини олиш учун олий маълумотга эга бўлиш, номзодлик минимумларини (улар учта) топшириш, диссертация ёзиш, уни диссертацион кенгащда ҳимоя қилиш ва Россия Федерацияси таълим вазирлиги қошидаги Олий Аттестация Комиссияси назоратидан ўтиш лозим бўлади. Номзодлик даражаси қуидаги шаклларда олиниши мумкин:

Кундузги аспирантура;

Сиртқи аспирантура;

Тадқиқотчилик

Мустақил.

Докторантурага фан номзоди даражасига эга бўлганлар қабул қилинади. Ёш чегараси ўрнатилмаган. Докторантурада ўқиш муддати уч йилдан ошмаслиги лозим.

Россия олий таълим муассасаларида бериладиган таълим даражаси бошқа хорижий давлатларга қараганда анча юқори. Илғор Россия университетлари, бу аввало, хусусий илмий мактаблардир. Ядро физикаси соҳасидаги йирик кашфиётлари учун академик А.Д.Саҳаров ва Ландаудан Сант-Петербург ва Москва университетлари ҳақли равишда фахрланадилар.

Хозирда Россияда 400 га яқин нодавлат олий ўкув юртлари фаолият юргизиб, уларда 270 минг талаба таҳсил олмоқда. Россия университетларини

битирган мутахассислар ғарб давлатларида ҳам тан олиниб, улар йирик фирмаларда юқори даражаларга эришмокдалар.

Таълим билан боғлиқ кўшимча хизматлар ҳақи (ўкув адабиётлари нархи, кутубхона, фондлардан фойдаланиш, яшаш каби) Россияда бошқа давлатлардан кўра анча паст. Масалан, интернет маълумотига кўра, Лондондаги резиденцияда бир ҳафта яшаш 1 кишига 630 долларга турса, Москвада университетга яқин жойдаги икки хонали квартирада яшаш бир ойга 300 долларга тушади.

### **Назорат саволлари**

1. Касб таълимига тегишли илғор чет эл тажрибасини ўрганиш бўйича қиёсий таҳлилини изоҳлаб беринг.
2. Германия касб таълимининг илғор тажрибаларини тушунтириб беринг.
3. , Франция касб таълимининг илғор тажрибаларини тушунтириб беринг.
4. АҚШ касб таълимининг илғор тажрибаларини тушунтириб беринг.
5. Жанубий Корея касб таълимининг илғор тажрибаларини тушунтириб беринг.
6. Япония касб таълимининг илғор тажрибаларини тушунтириб беринг.
7. Ҳамдўстлик мамлакатлари касб таълимининг илғор тажрибаларини тушунтириб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Давлатов К., Воробьёв А., Каримов И. Мехнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.
2. Шарипов Ш.С., А.И.Воробьёв, Н.А.Муслимов, М.Исмоилова касб таълими педагогикаси. - Тошкент., 2005. - 58 б.
3. Толипов Ў.К., М.Баракаев, Ш.С. Шарипов касб таълими педагогикаси.- Тошкент.: 2003. – 88б.
4. Ҳайдаров Б., Б.Нуридинов ва бошқалар Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – ЎМКХТРИ. Тошкент.: 2002.- 184б.

**4- маъруза. Касб таълим ўқитувчисининг ўқув машғулотларида инновацион технологиялардан фойдаланиш маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги. Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари.**

**Режа:**

1. Касб таълимини умумий ўрта таълим ва олий таълим билан интеграциялаш омиллари.
2. Касб таълимининг илмий тадқиқот ишлари билан интеграцияси.
3. Касб таълимини умумий ўрта таълим ва олий таълим таълим билан интеграцияси.

**Таянч тушунчалар:** интеграция, узлуксиз таълим, таълимнинг ижтимоийлашуви, ижодкорлик, наваторлиги, функция.

### **1. Касб таълимини умумий ўрта таълим ва олий таълим билан интеграциялаш омиллари.**

Маълумки, Ўзбекистан Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 9 – моддасида, Ўзбекистон Республикасида таълим тизимининг ягона ва узлуксизлиги белгилаб қўйилган.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳа ҳисобланади. У ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Узлуксиз таълимни қуидаги тамоиллари асосида ташкил этилади ва ривожлантирилади:

- таълимнинг устуворлиги - унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузилилиги;
- таълимнинг демократлашуви - таълим ва тарбия услубларини танлашда ўқув юртлари мустақиллигининг кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши;
- таълимнинг инсонпарварлашуви-инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;
- таълимнинг ижтимоийлашуви-таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш;
- иқтидорли ёшларни англаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва маҳсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

Шулардан келиб чиқсан ҳолда касб таълимини умумий ўрта ва олий таълим билан интеграциялаш омилларини белгилаш мумкин.

Касб таълимини умумий ўрта ва олий таълим билан интеграциялашнинг муҳим омиллари қуидагилардан иборат:

- республиканинг демократик хуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;

- Ўзбекистон Республикасида таълим тизимининг ягона ва узлуксизлиги;

- узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаш пухта механизмларинининг ишлаб чиқарилганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги;

- Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятияга интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.

## **2. Касб таълимининг илмий тадқиқот ишлари билан интеграцияси.**

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»и да фан билан таълим жараёнининг алоқаларини ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилган ва бу борада бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Фан билан таълим жумладан, ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими жараёнининг алоқаларини ривожлантиришда касб (ўрта-маҳсус, касб-хунар) таълимининг илмий тадқиқот ишлари билан интеграцияси катта ўрин тутуди.

Ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими, унинг муаммолари ва ечимлари, истиқболлари соҳасида илмий изланишлар олиб борувчи олимлар томонидан ўрта-маҳсус, касб-хунар таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илфор амалий илмий тадқиқотлар ўтказилади. Таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиқ келишини ўрганиш ва уни муваффиклаштиришни ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида педагогика ва таълим соҳасида илмий тадқиқотлар натижалари асосида илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиб амалиётда қўллашади.

Фундаментал ва амалий фан соҳасидаги илмий кадрларнинг ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими жараёнидаги кенг иштироки таъминланади ва шу орқали, ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими, педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнларининг алоқаси-интеграцияси йўлга қўйилади, ёшларнинг фан-техникасоҳасидаги ижодкорлиги ҳар томонлама кенгайади, улар Давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг 1992 йил 2 июлдаги ва 1997 йил 29 августдаги қарорларига биноан " Таълим тўғриси"даги Қонунлари ҳамда унинг янги мукаммаллаштирилган варианти, 1997 йил 29 августдаги қарорларига биноан "Кадрлар тайёрлаш миллий дастур" и амалга киритилди. Бу хужжатларда таълимнинг жамиятни ижтимоий - иқтисодий, маданий - маънавий ривожлантиришнинг устувор соҳаси эканлиги эътироф этилиб, таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими ва уни бошқариш тартиби, педагог ходимларнинг ҳуқуклари, вазифалари ва масъулияти каби масалалар қаторида фан ва таълим жараёнлари алоқаларини

ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантиришнинг қонуний асослари ва йўллари белгилаб берилди.

Республика халқ таълимининг асосий мақсадлари демократик эркин давлат қуриш, бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма - босқич ўтиш билан боғланган. Зоро, эски таълим - тарбия тизими билан янги жамият барпо қилиб бўлмаслиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам халқ таълими тизимининг барча соҳаларида турли йўналишдаги янги режалар, дастурлар, концепциялар ва низомлар ишлаб чиқилмоқда, республиканизнинг порлоқ истиқболини белгилаб берадиган мукаммал узлуксиз таълим тизимини яратиш ва уни такомиллаштириш устида қизгин иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар халқ таълими тизимида ўз аксини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар Академияси, Республика педагогика фанлари илмий - тадқиқот институти, Республика ўқув-методика маркази, педагогика ўқув юртлари олимлари ва илғор ўқитувчилари билан ҳамкорликда таълим мазмунини янгилаш соҳасида илмий изланишлар бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

"Фан-техника-ишлаб чиқариш" тизимининг ҳар бир таркибий қисми маълум даражада мустақил бўлиб, уларнинг ҳар бири фан-техника тараққиётида ўзига хос вазифаларни бажаради ва аниқ тараққиёт қонуниятларига эга.

Фан илмий тадқиқотлар асосида-ғояларни жамлайди, техника-уни янги машина ва технологияда моддийлаштиради, касб таълими асоси бўлган бериш орқали мутахассислар билан таъминланадиган ишлаб чиқариш ўз навбатида фан, илмий тадқиқотлар ва техника ютуқларини амалиётда қўллайди. Ўрта-махсус, касб-хунар таълими, унинг муаммолари ва ечимлари, истиқболлари соҳасида илмий изланишлар фундаментал ва амалий фанлар доирасида олиб борилганлиги сабаб **ушбу фанлардан бирортаси** илмий тадқиқотлар жараёнида-етакчи омил бўлиб, касб таълимини тадқиқ қилишда "фан-илмий тадқиқотлар-техника-касб таълими-ишлаб чиқариш" тизимининг асосий бўғини, "ишлаб чиқариш жараёнини оддий меҳнат жараёнидан илмий тадқиқотлар жараёнига" айлантириш асоси ҳисобланади. Фан-илмий тадқиқотлар-техника-касб таълими - ишлаб чиқариш интеграцияси таълим интеграциясининг асосий йўналиши сифатида дидактик мосланган кўринишида ҳам намоён бўлади. Иккинчи томондан, фан умумтаълим ва маҳсус ихтисослик туркумидаги ўқув предметлари доирасида умумий ва касб таълими мазмунининг шаклланиш манбаларидан бири ҳисобланади ва асосий илмий билимлар мажмууда ўз аксини топади. Замонавий илмий билимларга оид ғоялардан бири уларни интеграциялаш ғояси ҳисобланади. Илмий билимларни интеграциялаш ғояси ўрта-махсус, касб-хунар таълими тизимида ҳам ўз аксини топиши зарур.

Касб таълимининг илмий тадқиқот ишлари билан интеграцияси мазмун моҳиятини тўлароқ онглаш учун аввалом-бор “интеграция” тушунчасининг ўзини кўриб чиқамиз.

“Интеграция” тушунчасига интеграцияланадиган обьектларнинг моҳиятига кўра турлича таъриф бериш мумкин. Масалан:

- "мамлакатлар интеграцияси" тушунчаси остида дунёдаги бир қанча мамлакатларнинг иқтисодий, илмий-техник ҳамкорлиги;

- "ишлаб чиқариш интеграцияси" тушунчаси орқали саноат, агросаноат ёки илмий-ишлаб чиқариш мажмуалари тушунилади. "Фанлар интеграцияси" дейилгандан эса билимлар синтезининг турли шакллари тушунилади.

Умуман, илмий адабиётларда "интеграция" тушунчасига қўйидагича таъриф берилган "интеграция-бу айrim таркибий қисмларнинг янги хосса ҳосил қилиб бир бутун бирлашиш жараёнидир". Педагог олим В.П.Кузьминнинг хulosасига кўра, интеграция-тизимли ёндошувдан иборатдир. Чунки "тизим"-бир бутуннинг обьектив шакли, "интеграция" эса айrim қисмларнинг бирлашиш механизми ва натижасидир.

Биз, "интеграция" тушунчасига берилган турли хил изоҳларни умумлаштирган ҳолда, бу жараённи у ёки бу фаннинг уларни унификациялар ва мажмуалаштиришга олиб келадиган таркибий қисмларнинг ягона дунёқараш мантиқий-методологик ўзаро таъсири жараёни деб биламиз.

Ўрганиб чиқсан илмий тадқиқотларимизда "интеграциялаш, интеграциялаш жараёни" тушунчаси билан бир қаторда" дифференциялаш, дифференциялаш жараёни" тушунчаси ҳам учрайди. Интеграциялаш ва дифференциялаш жараёни инсон тафаккурининг икки жиҳати бўлиб, бир томондан, олам-ягона бутунлик сифатида, иккинчи томондан чуқур аниқ қонуниятлар ва сифати ўзига хос турли хил таркиблар системалар сифатида намоён бўлади. Бу иккита жараён бир-бирини диалектик тақозо қиласиди, тўлдиради ва бири иккинчиси орқали намоён бўлади.

Кўпчилик фалсафа соҳасидаги тадқиқот ишларида интеграция ва дифференциация жараёнларининг ўзаро муносабати ўзгармас ва қўзғалмас эмаслиги таъкидланади.

Илмий билимлар тараққиётининг турли босқичларида бу жараёнлардан биттаси иккинчисидан маълум вақт мобайнида устунлик қилиши мумкин. Фан - техника тараққиётининг ҳозирги босқичида, интеграция жараёни дифференция жараёнига нисбатан устунлик қилмоқда. Шубҳасиз, илмий билимлар дифференцияси фан, техника тараққиётида маълум аҳамиятга эга, аммо у ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди. Бу вазифани илмий билимлар интеграцияси жараёни бажаради.

Ҳозирги кунда фанлар **таълимининг, жумладан касб таълимининг илмий тадқиқот ишлари билан интеграцияси** муаммосига эътибор ортиб бормоқда. Бу ҳолат ўз навбатида табиат ва жамият тараққиёти муаммоларининг мажмуавий ҳарактерда эканлигини исботламоқда, яъни уларнинг ечими бир қанча фанларнинг ютуқларини амалда таълим жараёнида кўллаш билан боғлиқдир.

Хозирги даврда таълимининг, жумладан касб таълимининг илмий тадқиқот ишлари билан интеграциясининг янги замонавий тури билишнинг умумий илмий шакллари ва воситалари пайдо бўлиши билан боғлиқ. Фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида уларнинг шаклланиш манбалари касб таълимида ўрганилувчи табиий, техник, педагогик, методик, гуманитар ва бошқа фанлар орқали ўзлаштириб олинувчи умумий илмийлик тусини берувчи тушунчалар ҳисобланади. Зеро таълимининг, жумладан касб таълимининг илмий тадқиқот ишлари билан интеграцияси қўп тушунчаларга умумий илмий тус бериш ва уни шакллантириш асосида намоён бўлмоқда.

### **3. Касб таълимини умумий ўрта таълим ва олий таълим таълим билан интеграцияси.**

Касб таълимини умумий ўрта таълим ва олий таълим таълим билан интеграциясини таъминлашга “Таълим тўғрисида” ги қонунда белгилаб берилгандек таълим тизимининг узлуксизлиги асосида бўлади.

Узлуксиз таълим тизимининг бир бўғини бўлган умумий ўрта таълим, ўрта-махсус, касб таълими ва олий таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги ҳамда ўзаро интеграцияси давлат таълим стандартлари асосида, тегишли таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти мустақил равихдаги тўқкиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта маҳсус, касб таълимини жорий этгандан иборатdir. Бу эса, умумий таълим дастурларидан ўрта маҳсус, касб таълими дастурларига изчил ўтишини таъминлайди.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошлангич таълим (I-IV синфлар), умумий ўрга таълим (I-IX синфлар), ўрта маҳсус, касб таълимини қамраб олади.

**Умумий ўрта таълим.** Тўққиз йиллик (I-IX синфлар) ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Таълимнинг бу тури бошлангач таълимни (II-V синфлар) қамраб олади ҳамда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича муентазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўнинмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Умумий ўрта таълим тугалланганидан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунаидаги атtestat beriladi.

Умумий ўрта таълимнинг касб таълими билан изчиллиги ва интеграциясини таъминлаш учун қуйидагилар зарур:

-мактабнинг I-IX синфлари доирасида сифатли умумий ўрта таълим олишни таъминловчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, бунда академик лицейлар ва касб-хунар коллажларидан олдин ва кейин олинадиган таълим дастурлари билан мантикий боғлиқликлиги ҳамда бинр бирини такрорламаслигини ҳисобга олиниши лозим;

- таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, изчиллиги ва интеграцияси таъминланган замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ҳамда ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш.

### **Ўрта-махсус, касб-хунар таълими.**

Умумий ўрта таълим негазида ўқиши муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб таълими узлуксиз таълим тизимидағи мустақил тури бўлиб унда-академик лицей ёки касб-хунар коллежида ўқиши йўналиши ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизикишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табакалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Бу таълим турида ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар ва бу кўникмаларни бирор бир олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида қўллашлари мумкин.

Касб-хунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг битирувчиларига таълимнинг кейинги босқичларида ўқиши давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи диплом берилади.

Ўрта махсус, касб таълими жараённидаумумий ўрта таълимнинг касб таълими билан изчиллиги ва интеграциясини таъминлавчи интеграциялашган билим, амалий кўникма ва малакалар бериш учун қуидагилар зарур:

- умумий ўрта таълим негизида таълимни давом эттирувчи академик лицейлар ва касб-хунар коллежлар фаолият кўрсатишининг норматив базаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- ўрта махсус, касб таълими ўқув муассасалари учун умумий ўрта таълим ва олий таълим билан изчиллиги ва интеграциясини таъминловчи таълим ва касб-хунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;

- академик лицейларнинг ўқувчилари меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган ва интеграциялашган дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

**Олий таълим** ўрта махсус, касб таълими негизига асосланган ҳамда икки (бакалавриат ва магистратура) босқичдан иборат узлуксиз таълим тизимидағи мустақил тури ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари негизида ва пуллик-шартномавий асосда амалга оширилади.

Олий таълимнинг биринчи босқичи бўлган бакалавриат - мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалаврлик дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб бўйича "бакалавр" даражаси берилади ва улар давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини берадиган дипломга эга бўлишади.

Олий таълимнинг иккинчи босқичи бўлган магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълихисобланади.

"Магистр" даражасини берадиган давлат малакаат тест асияси магистрлик дастурининг интихосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини берадиган диплом берилади.

касб таълимини олий таълим таълим билан интеграциясини таъминлаш учун қуидагилар зарур:

-касб таълимининг олий таълим таълим билан узлуксизлиги ва интеграциясини таъминлавчи бакалавриат ва магистратура учун давлат таълим стандартларини ишлаб чикиш ва жорий этиш;

-таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан ҳамда узлуксиз таълим тизимининг бўғинлари (турлари) ўзаро интеграцияси таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

### **Назорат саволлари**

1. Касб таълимини умумий ўрта таълим ва олий таълим билан интеграциялаш омиллари.
2. Касб таълимининг илмий тадқиқот ишлари билан интеграцияси.
3. Касб таълимини умумий ўрта таълим ва олий таълим таълим билан интеграцияси.
4. Касб таълим ўқитувчисининг ўқув машғулотларида инновацион технологиялари.
5. Касб таълими ўқитиши жараёни педагогик маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги.
6. Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Давлатов К., Воробьёв А., Каримов И. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.
2. Шарипов Ш.С., А.И.Воробьёв, Н.А.Муслимов, М.Исмоилова касб таълими педагогикаси. - Тошкент., 2005. - 58 б.
3. Толипов Ў.Қ., М.Баракаев, Ш.С. Шарипов касб таълими педагогикаси. – Тошкент.: 2003. – 886.
4. Ҳайдаров Б., Б.Нуридинов ва бошқалар Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – ЎМКХТРИ. Тошкент.: 2002.- 1846.

**5-маъруза. Ўқитиши жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Касбий таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.**

**Режа:**

1. Касбий таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.
2. Ўқитиши жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги.

**Таянч тушунчалар:** мустақил таълим, мотивацион, реконструктив, эвристик, ижодий, синтез.

**Касбий таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.** «Мустақил таълим»-тушунчаси педагогик луғатларда-ўқув юртидан ташқари, мустақил ўрганиш туфайли эгалланадиган таълим туридир, деб таърифланган. Айни вактда «Мустақил таълим олиш», «Ўзини тарбиялаш», «Мустақил ўқиши» тушунчаларидан синонимлар сифатида фойдаланилмоқда.

Педагог олим А.К.Бушлянинг фикрича, «Мустақил таълим–бу таълим олишнинг алоҳида тизимли ёндашишга асосланган мустақил ишлар ийғиндисидир».

**Мустақил таълим** – талабаларга берилган мураккаблик даражаси билан фарқланмайдиган топшириклар, амалий вазифаларни аудиторияда ва аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажаришлари натижасида уларда назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган фаолият деб тушунишимиз мумкин. Бунда улар бажарган мустақил ишлар дидактик мақсади, шахсий ёки жамоага мўлжалланганлиги, ўзлаштириш усуллари, шаклига бажариш ўрнига қараб фарқланади. Талабаларда мустақил онгли фаолиятини шакллантириш таълим жараёнида мухим омил ҳисобланади. Унинг назарий, амалий, илмий, методик ва педагогик асослари таҳлил қилинса ва мустақил таълимининг энг самарали шакллари, воситалари танланса онгли мустақил таълим фаолиятини шакллантиришда ижобий натижаларига эришиш мумкин. Бунда ўтиладиган мавзунинг амалиёт билан узвийлиги, илмийлиги ва материалларнинг қизиқарлилиги, мавзуларнинг тизимлилиги, топшириқ ва вазифаларнинг кўп

кирралилиги, ўзаро боғлиқлиги мухимдир. Аммо энг асосийси талабаларни мустақил онгли фаолиятини шакллантиришда уларнинг интилиш ва қизиқишиларини ҳисобга олиш, талабалар эгаллаган билимларини амалиётда кўллай олишлари, талабаларни ижтимоий фойдали, тарғибот–ташвиқот ишларида иштирок этишларини таъминлашдан иборат. Педагог олим А.К.Бушля «мустақил иш» терминини аниқлаштириб, шундай қўшимча қиласди: «Мустақил иш кўпгина ҳолларда мустақил таълим даражасига ета олмаслиги мумкин».

Мустақил таълим бевосита мустақил фикрлаш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли мустақил фикрлашга берилган таърифга ҳам тўхталиб ўтсак: «Мустақил фикрлаш - инсоннинг ўз олдида турган муаммони мақсад ва вазифаларни белгилаган ҳолда ўз билими ва ҳаётий тажрибаларига таяниб турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, ўзининг интеллектуал имкониятлари даражасида мустақил равишда ҳал қилишдан иборат бўлган ақлий фаолиятидир».

Ёшларнинг мустақил иш бажариш қўникмаларини шакллантириш турли ўқув предметларида ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан: математик олимлар С.И.Демидова ва Л.О.Денишевалар мустақил таълимга қуидагича таъриф беришган:

«Мустақил ўқув ишлари ўқувчиларнинг ўқитувчи томонидан фаол ташкил этилган, олдига қуйилган дидактик мақсадларни бажаришига йўналтирилган ва шунга махсус ажратилган вақт тушунилади. Билимларни қидириш, уларни англаб етиш, мустаҳкамлаш, қўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш билимларини умумлаштириш ва тизимлаштириш жараёни тушунилади».

Бу таърифда фаолиятнинг мавжуд хусусиятлари: фаолиятлилик, тизимлилик, мақсадга йўналганлик, мустақиллик ҳақида сўз юритилган. Бироқ мустақил таълимнинг бир жиҳати сифатида мустақиллик тилга олинган. Мустақил тафаккур таълимнинг бир қисми бўлиши мумкин.

Бўлажак касб таълими йўналиши бакалавр ўқитувчиларида педагогик мустақил билим олишга қизиқиш, талаб ва қобилиятни педагогик маданиятни такомиллаштиришга чорловчи омил сифатида шакллантириш лозим. Муаммони ҳал этишнинг педагогик жиҳати-касб таълими йўналиши талабалари бўлажак ўқитувчи бакалаврлардан педагогик такомиллашишини, касбий ўқитишни чуқурлаштиришни, педагогик малакасини оширишни талаб килади.

Касб таълими йўналиши талабаларини кузатиш давомида маълум бўлишича онгли қизиқиш мустақил фаолиятга ундовчи, ҳаракат уйғотувчи куч бўлиб ҳисобланади.

Айнан касбий фанларга онгли қизиқиш касбий таълим йўналиши талабаларида амалий машғулотларда мустақил англаш, тафаккурни шакллантириш ва кенг, чуқур идрок эта олиш жараёнларига интилишни уйғотади. Касбий таълим йўналиши талабаларининг мустақил таълимга **мотивациян** муҳитлари бошқа манбалар, касбга бўлган қизиқишлардан шаклланади. Касбларга бўлган интилиш асосида, янгиликка йўналтирилган интилиш жараёнида мустақил таълимга эҳтиёж вужудга келади. Касбдаги қониқишигина шахсни ўз устида ишлаш, билимларга янгича ёндашувга мажбур этади. Онгли қизиқиш-мустақил фаолиятнинг энг муҳим кўрсатгичи, юқори даражасидир. Бунда эса фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар маҳоратининг даражасига боғлиқдир. Фақат шундагина ўқувчиларда у ёки бу фан ёки касб мутахассисликка қизиқиш шаклланади. Ўқувчилар барча касб сирларидан хабардор бўлишлари учун вақт етишмасада уларда қизиқишига илк қадам куйишларида ўқитувчи берадиган маълумотларнинг аҳамияти каттадир.

Талабаларнинг мустақил таълимига методик жиҳатдан раҳбарлик қилишда уни ривожлантириш йўлларини ўрганиб чиқиши давр талабидир. Энг барқарор рағбатлантириш усули бу касбий меҳнат ҳамда ишга ижодий ёндашув фаолиятидир. Ёшларни турли-туман амалий, ижтимоий, ташкилий,

ижодий фаолиятга жалб этиш ҳам мустақил таълим самарадорлигини ошириш омилидир.

Мустақил таълим жараёни қандай амалга оширилиши, унинг ривожланиши, ўзлаштирилган билимлар асосида мустақил таълим фаолияти даражаларини қуидагича мезонлар билан белгилаш мумкин:

- мақсадга йўналтирилган, мотивацион муҳитга асосланган мустақил таълим;
- мустақил тафаккур жараёнини таъминловчи кўникмалар;
- мустақил таълим фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган кўникмалар;

Тафаккур кўникмаларнинг даражаси ўта фаол ҳаракатли бўлади. Бунда талаба мустақил тафаккур билан ўзининг биринчи қадамларини қўяди. Ўқув фанлари мақсадини, уй вазифаларини теран англайди. Уларни бажаришда қўшимча адабиётларга мурожаат қиласи, ўтилган мавзуларни қайта кўриб чиқади. Кўпгина талabalар уйга берилган маъруза матнлари устида ишлайдилар, маърузалар, рефератлар тайёрлашда илмий – оммабоп, даврий нашрлардан фойдаланадилар. Талabalар тафаккури кўникмаларини ривожлантиришнинг қуи даражаси асосан қийинчилик билан кечади. Барча талabalар бу даражада мустақил таълимни ўқитувчи раҳбарлигида амалга оширадилар. Уларда ташкилий кўникмалар даражаси юқори бўлмай, улар ўз олдиларига онгли вазифалар қўя олмайдилар, уларни ҳал этиш учун воситалар танлай олмайдилар. Айниқса бунда мустақил иш топшириқларининг мураккаблик даражаларини ҳам хисобга олиш лозим. Ўқув педагогик масалаларни еча билиш малакали шахснинг умумий ҳолати билан ифодаланувчи, унинг онги, фикрлаш усули, касбий нуқтаи назари ва ўйналишини кўрсатувчи умумкасбий малакадир. Шахснинг йўналғанлиги аниқ воқелик сабабий-қадриятли муносабат мазмунида намоён бўлади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни ҳал этиш асосида талаба бўлажак касбий фаолият муаммоларини ҳал этиш усулларини эгаллайди.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар дидактикада мустақил таълим даражасини оширувчи бошқарув, рағбатлантириш, ташкил этиш ва назорат воситалари сифатида қаралади.

Талабанинг ўкув фаолиятига нисбатан ўқитувчи томонидан муайян талабларнинг қўйилиши уларнинг мазмунини бойитади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни берилиш шакли эса олдин ўзлаштирилган намуна бўйича хulosалар чиқаришни кўзда тутувчи бошқарув топшириқлари ва масалаларининг бажарилиши саналади.

Бизнинг фикримизча, педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ва масалаларда автоном ҳолда мустақил билим олишга ўтиш учун катта имкониятлар мавжуд. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар мустақил билим олишни амалга оширишга имкон берувчи топшириқлар тўпламини яратиш учун асос бўла олади.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар объектив, аниқ педагогик ва ишлаб чиқариш муаммоларини акс эттиради. Ўқитувчи ўрганилаётган педагогик ходисалар ва ишлаб чиқариш жараёнининг ўзаро зид хусусиятларини акс эттириш учун муаммоли вазиятдан фойдаланса, у ҳолда объектив муаммо ўкув муаммосига айланади. Талабалар учун тушунарли бўлган ўкув педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммолари ўкув топшириғи саналади.

Ўкув муаммоси фикрлаш фаолиятини фаоллаштиришга имкон беради, бироқ уларнинг ҳар бири ҳам илмий даражада педагогик ва психологик тушунчаларни мустақил шакллантиришга олиб келмайди. Шу боис педагогик, техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни ишлаб чиқища ўкув муаммоларининг дидактик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Топшириқ тўғри ифода этилса, уларни талаба томонидан қабул қилиниши ва ўкув фаолиятига нисбатан қўйилувчи талаблар тўплами сифатида эътироф этиш мумкин.

Мустақил билим олиш технологиясига мувофиқ педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни ишлаб чиқишиңдеги қоидалари қуйидагилардан иборат:

- педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ҳақиқий педагогик ва ишлаб чиқариш вазиятлари билан боғлиқ муаммоларга эга бўлиши керак;
- муаммоли вазиятли топшириқлар асосини ташкил этувчи муаммони ҳал этиш тушунчаларини юзага келтирувчи ақлий фаолиятни турли усуллар (анализ, синтез, таққослаш, солиштириш, умумлаштириш ва ҳ.к) ёрдамида амалга оширишни кўзда тутади;
- муаммоли вазиятли топшириқлар исботини аниқлаш ва талабалар онгидаги, ҳодисалар ва жараёнлар ўртасида мустаҳкам боғлиқликни мустаҳкамлаш асосида тушунчаларни юзага келтириш имкониятларини кўзда тутиши лозим;
- муаммоли вазиятли топшириқларни бажаришнинг яхлит ифодаланган ёки ифодаси топшириқ шартларини ташкил этувчи бир неча оддий тушунчалардан субъект томонидан ҳали ўзлаштирилмаган янада мураккаброқ тушунчани келтириб чиқариш имконини беради;
- муаммоли вазиятли топшириқларни бажариш жараёнида оддий тушунчалар ёки субъектга маълум бўлмаган тушунчалар билан ёки бир-бири билан таққосланади;
- тушунчаларни таққослашда субъект фикрлашнинг турли: анализ, синтез, солиштириш, таққослаш, техник объектлар орасидаги умумийлик, типиклик ва хусусийликни топиш амалларини бажаради;
- муаммоли вазиятли топшириқларни бажаришда субъект қуйидаги амалларни бажаради:
- тушунчаларнинг шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан қайта ишлаб чиқади;
- тушунчалар шаклини ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади;

- илгари ўзлаштирилган тушунчалардан расмий-мантиқий фикрлаш усулларидан фойдаланиб, уларни қайта ўзгартиради;
- назарий фикрлаш асосида янги тушунчалар шаклланади.

Одатда педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар талабалар эътиборига дарҳол уни ҳал этиш мумкин бўлган масала кўринишида ҳавола этилади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар мазмунида акс эттирилган муаммо, кўпинча, амалий ҳаётда учраб туради. Талабалар уларни шундай қайта ифодалашлари керакки, мавжуд тажрибаларга таяниб, ечимга эришиш имконини берувчи шартларни реал вазиятдан ажратиб олсинлар.

Талабаларга масалаларни бундай кўринишда таклиф этиш, ўқув-педагогик ёки ишлаб чиқариш жараёни муаммоли вазиятларда шартларни излаш ёки ифода этиш жараёнида субъектлар томонидан ташкил этилувчи интеллектуал фаолиятни гўёки талабалар ўрнига ўқитувчи амалга оширгандек бўлади. Мустақил ўқишида шартлар олдиндан маълум қилинмайди.

Агарда ўқитувчи томонидан масалага айлантирилган ўқув топшириқларини бажариш жараёнида талаба ечим йўлини топа олмаса, у ҳолда у аниқ вазиятга дуч келиб, ушбу вазиятни педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммосининг ечимини излашга имкон берувчи ҳолатга айлантира олмайди. Масалани ечиш маълум дидактик вазифаларга қатъий амал қилишни тақозо этади. Масала шартлари аввалдан тузувчи томонидан белгилаб қуйилганда, талабадан вазиятни қайта ўзгартириш малакасини намойиш қилиш талаб этилмайди. Шу боис талабалар билимларини бошқа вазиятга кўчириш ва уларни амалда қўллашда қийинчиликлар ҳис этадилар.

Тажриба ишлари ўқувчилар, касб-хунар коллажлари ва педагогик университетлар талабаларининг масалани ечишда, тахминан бир хил даражада эканликлари, бироқ ўқув-педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммолари шартини ифода этишга тайёр эмасликларини кўрсатди.

Мустақил билим олишда күпроқ шартлари ифода этилмаган топширикеларни бажаришга түғри келади. Масалани ечар экан, талаба шартларни ўзгартириш қонунлари билан танишади, аниқ бир муаммони таҳлил қилиш ва ўқув-педагогик ёки техник-технологик масалани бажаришда мавжуд кўникма ва малакалардан фойдаланади.

Ўқув муаммолари ёрдамида педагогик-психологик ва техник технологик тушунчаларни шакллантириш талабаларга мустақил равишда муаммо белгиларини аниқлаш, муҳим маълумотларни иккинчи даражали маълумотлардан ажратиб олиш ва қўшимчаларни излаб топиш имконини беради.

Бундай педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топширикеларни қўйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Шартлари ифода этилган, лекин ечиш учун зарур бўлган барча маълумотлар берилмаган масалалар. Улар назарий ва амалий масалалар тарзида икки гурухга ажратилади. Амалий масалалар ҳақиқий педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни билан узвий боғлиқ бўлади. Бундай масалаларни ечишда фақатгина ақлий фаолият, билим, малака ва кўнималаргина эмас, балки сенсор ва ҳаракатлар фаоллигига эришиш талаб этилади. Бу масалалар мустақил билим олиш технологияларининг амалиёт билан узвийликни таъминлашга ёрдам беради.

2. Ўзлаштирилмаган билим, ҳаракат ва операцияларга дуч келинмайдиган масалалар. Улар аввал ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, уларни янги вазиятларда қўллаш, фикрлаш малака ва кўнималарини эгаллаш ҳамда мавжуд билимларни мустаҳкамлаш учун мўлжалланган.

3. Саволлар-янги билимларни қабул қилиш ва ўзлаштиришга тайёрликни аниқловчи восита. Саволларда қўйидаги икки жиҳат кўзга ташланади: мавжуд билимларини текшириш ва мустақил хulosага келишга йўналтириш. Саволлар репродуктив ва продуктив тарзида икки гурухга бўлинади. Репродуктив саволлар хотирани мустаҳкамлаш, продуктив

саволлар эса фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Улар субъектларга ақлий ҳаракатларни ўзлаштиришга ёрдам беради, шунингдек, анализ, синтез, таққослаш, солиштириш, умумлаштириш мұхимини ажратиши, мустақил равища хulosаларга келиш ва амалий қарорларни қабул қилиш күникмаларини ривожлантиради.

Талабалар педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ёрдамида педагогик ҳодисалар, техник объектлар, технологик жараёнлар ўртасидаги турли хусусият ва боғлиқликларини аниқлайдилар (тахлил ва умумлаштириш кўринишидаги ҳаракатларни амалга оширадилар), уларни ўзаро солиштирадилар, таққослайдилар, бу ҳодиса, жараён ва объектларнинг умумийлиги ва ўзига хос мұхим хусусиятларини кўрсатадилар. Ўқув топшириқлари аста-секин мураккаблаштириб борилади. Энг яхши тайёргарликка эга бўлган иқтидорли талабалар ижодий ва изланиш хусусиятига эга бўлган мураккаб топшириқларни бажарадилар. Камроқ тайёргарликка эга бўлган талабалар, соддароқ топшириқларни бажарадилар, лекин шунга қарамасдан, топшириқлар устида ишлаш уларга умумий масалани ҳал этишда гуруҳ билан бирга ишлашга имкон беради. Мураккаб топшириқларни бажариш баъзи талабаларга педагогик-психологик ва техник-технологик тушунчаларини илмий даражада дарҳол ўзлаштириш имконини беради.

Бу даражадаги талабалар учун ҳаракат қилиш, ривожланиш, мустақил фаолиятга мақсадли йўналганлик, тизимли равища иш юритиш ўқув фанига ва мустақил ишга такомиллаштирилган методик қўлланмалар асосида ўз қизиқишиларини, билимларини чуқурлаштиришга интилиш хусусиятлари хос бўлади. Талабалар кўпинча дарсликда берилган метериални онгли ўзлаштирмай, фақат ёдда сақлаб қоладилар ва ўқитувчига гапириб берадилар. Бундай талабалар касбий-фаолиятда ҳам фақат топшириқ асосида ишлашга ўрганиб қоладилар. Улар берилган «Намуна» асосидагина иш юритадилар. Натижада фаол мустақил тафаккурга эга бўлишга интилмайдилар. Бу куйидаги хulosаларда ифодаланади: ўқитувчи уларнинг мураккаб

материални тушунтириб беради; талаба тайёр материал асосида иш кўради, янада мураккаброқ материал устида ишламайди. Ўқитувчи китобда ёзилгандан кўра оддийроқ, тушунарлироқ тилда тушунтириб беради.

*Мустақил таълим олиши фаолиятининг биринчи босқичида* фанларга бўлган қизиқиш асосий манба бўлади. Бироқ бу қизиқиш унчалик қатъий ва чукур бўлмайди. Бунда ҳам мақсадга йўналтирилган, тизимли, махсус ташкилий, мустақил таълим фаолияти мавжуд эмас. Фақат китоблар ўқиши, махсус маърузалар тинглаш, мустақил тафаккур фаолиятига интилиш бўлади. Шахснинг қизиқишлари ҳам мужассамлашмаган, у ҳам кўплаб кўшимча, кенг миқёсли ишларини амалга оширади, бироқ буларни узвий равища эмас, балки баъзан ва чукур билимига эга бўлмай амалга оширади.

*Мустақил таълим фаолиятининг иккинчи босқичида* талаба мустақил (албатта, нисбатан) ўз олдига мақсад ва вазифалар қўйиб, мазмунини англаб, ташкилий ишларни амалга ошириб борадилар. Бу даврда талабалар шахсий-ҳаётий режалар, ғояларни амалга ошириш воситаси сифатида касбий вазифаларни ҳал этади. Иккинчи босқичда қизиқишлар жиддийлашади, фаннинг алоҳида қисмини ўрганиш, бу орқали ўз ҳаётий режаларини тузиш, бирор касбни эгаллашга бўлган қатъий истак асосий ўрин тутади. Онгли равища кўшимча фаолият бошланади, ўз ғояларини амалга ошириш воситасига айланган мустақил таълим билан шуғулланилади. Мустақил таълим онгли равища ташкил этилган, тизимли тус олади, унинг марказида мустақил тафаккур шаклланиб боради. Биринчи ва иккинчи даражалардаги мустақил таълим мазмунини таққослаганда улардаги фарқ турлича манбалардан фойдаланиш ва ҳар хил шаклларда амалга оширилиши билан ажralиб туради. Улардаги турли-туманлик ўз мустақил тафаккурини шакллантиришдаги барча эҳтиёжларни таъминлашга қаратилгандир.

*Мустақил таълим фаолиятининг учинчи босқичида* талабалар мустақил таълим билан бир неча йил шуғулланиб, ўз касбий мақсадлари, харакатлари, вазифаларини аниқ белгилаганликлари билан фарқланади.

Мустақил билим олиш даражасини баҳолаш ўз-ўзини баҳолаш ва ўқитувчи томонидан баҳолаш асосида қиёсланади.

Талабаларни мустақил ишга тайёрлашда ўқитувчиларнинг роли, айниқса, катта бўлади. Ўқитувчи мустақил иш мавзусини талабанинг имкониятига, билим даражасига мослаб, талабада шу ишга нисбатан қизиқиш уйғотадиган ва мустақил фикр юритишга мажбур қиласидиган қилиб белгилаш лозим ва бу ишни бажариш учун зарур бўладиган барча маълумотларни бера билиши, методик қўлланма, ишни бажариш тартиби керак бўлганда саволжавоблар уюштиришни, маслаҳаталар бериши ва шу мавзулар бўйича экскурсиялар ташкил қилиш зарур.

Бакалавр ўқитувчи тайёрлаш ўқув режасига кирган таълим дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилган. Барча турдаги бакалавр ўқитувчи тайёрлаш ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланган. Шундан аудитория ўқув ишлари ҳажми ҳафтасига 32 соат, қолган қисми яъни 22 соати эса аудиториядан ташқари мустақил таълим олишга қаратилган. Касб таълими йўналишида бакалаврлар тайёрлаш ўқув юкламанинг умумий ҳажми 7290 соатни, шундан мустақил иш 2432 соатни, мустақил таълим 678 соатни ташкил қиласиди. Бундан кўриниб турибдики, бакалавр даражасидаги кадрларни тайёрлаш учун ўқув режасидаги 30-35 % ҳажми мустақил таълим олишга қаратилган.

Мустақил ишни бажаришда талабалар фанлараро боғланишни ҳисобга олиб, адабиёт танлайди, улардан керакли маъruzalarни ёзиб олади, бошланғич маълумотларни таҳлил қилиб, мустақил ишнинг мазмунини ўрганади ва шу иш бўйича бирор тушунчага эга бўлади.

Берилган масаланинг бир қисмини аудиториядан ташқарида (кутубхона, лаборатория хонаси ва бошқалар.) ҳам мустақил ишлашга рухсат қилинади. Мустақил иш дастурини белгилашда маъruzada ўтилган мавзуларнинг такрорланишига йўл қўйилмаган ҳолда, талаба учун илмий ва амалий муҳим,

ўрганган ва ўрганаётган билимлардан ижодий фойдаланиш мумкин бўлган саволлар ва масалалар қўйилади. Мустақил ишлаш учун берилган тавсиялар (1-илова) берилган бўлиб, ушбу тавсиялар асосида талабалар мустақил ишлашларини ташкил этишса мақсадга мувофиқ бўлади.


Ўқув дастурининг берилган бўлими бўйича талабаларнинг мустақил тайёргарлиги тугагач, фикр алмашувида талабалар ўқиб ўрганган адабиётларидағи асосий, қизиқарли масалалар ўртага ташланади ва фанлараро боғланиш, таҳлили, бу тўғридаги ўз фикрлари ва ҳакозалар ҳакида тартиб билан маъруза қиласи. Берилган масала бўйича фикрлашуви ва тортишувида фаол иштирокига қараб, ўқитувчи талабаларни баҳолайди.

Касб таълими педагогикасига оид адабиётларда мустақил ишларнинг қўйидаги турлари қайд қилинган:

- намуналар бўйича мустақил ишлар;
- реконструктив – вариатив мустақил ишлар;
- эвристик (қисман ижодий) мустақил ишлар;
- ижодий тадқиқот мустақил ишлари. [17]

Ушбу мустақил иш турларига биз яна мустақил таълимнинг натижасини баҳоловчи дидактик синтез элементини қўшдик ва қўйидаги ҳолатга келтирдик.

## **Мустақил ишларнинг турлари.**



- Намуналар бўйича мустақил ишлар типик вазифаларни, турли машқларни намуна асосида ечишдир. Улар материални ўзлаштиришга омил бўлади, лекин талабаларнинг ижодий фаоллигини ўстирмайди.
- Реконструктив-вариатив мустақил ишлар нафақат билимларнинг амалий тавсифномасини, балки билимлар тузилмасини қайта ишлаб чиқиши, масала, муаммони ечишда мавжуд билимларни жалб қилишни кўзда тутади.
- Эвристик мустақил ишлар маъруза, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда қўйилган айрим масала, муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир. Тадқиқий мустақил ишлар тадқиқот муаммосини кўра олиш малакасини, уни мустақил ифодалай олиш, фаразни белгилаб олиш, муаммонинг ҳал қилиниш режасини ишлаб чиқиш, уни ҳал қилишни мўлжаллайди.
- Ижодий тадқиқот ишлари. Бундай ишларда вазифа муаммоли вазиятнинг юзага келишини тақозо қиласиган шароит яратишдан иборат бўлади. Талаба ўз фаолиятида тайёр намуналардан озод бўлган ҳолда

масаланинг ҳал қилиниши йўлларини қидиради, тадқиқ қилади. Бундай ишлар сирасига эксперемент қўйиш, жиҳозлар, макетлар ва дастгоҳларни лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган вазифалар киради.

• Дидактик синтез. Талаба ўз-ўзини танқидий назорат қилган ҳолда эгалланган ёки ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малака элементларини таҳлил қилиб таълим мақсадларига қай даражада эришганлигини аниқлайди. Мустақил ишларнинг ижодий баркамолликдаги самаралари ҳақида холосалар чиқаради.

Касб таълими йўналиши талabalарининг мустақил таълим олиш фаолияти билим олиш жараёнларини ва амалий фаолият олиб боришни, технологик жараён ва техник обьектларни танлаш жараёнини, ижодий фикрлаш жараёнларини жадаллаштиради, юксак ақлий ривожланишининг асосий шарти сифатида мустақил ва фаол фикрлашни шакллантиради.

Бўлажак касб таълими бакалавр ўқитувчиларининг мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантиришни қўйидаги йўллар асосида тартибга келтирдик:

• ўқув фаолиятида инсон обьектив борлиқни ўрганишда, ўзининг ҳаётий тажрибасини бойитишда, табиатга таъсир кўрсатиш воситаларини билиб олишда шу билан бир вақтда ўзининг қобилиятларини ривожлантиришда ёрдам берувчи идрок этиш малакаси муҳим роль ўйнайди.

• талabalар амалий фаолияти жараёнида керакли билим, кўникма ва малакалар эгаллашлари, бу жараёнда ўқитувчи кузатишга, ўз кузатишларини тажрибалар йўли билан текширишга, ўқув адабиёти билан ишлашга, фан маълумотларидан кундалик ҳаётида фойдаланишга ўрганади.

Касб таълими ўқитиши методларидан талabalарда мустақил таълим олиш малакаси шаклланганлик даражасини аниқлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Уларни шартли равишда қўйидаги номлар билан аташ мумкин:

1. Ўқув материалларини ўрганишда ва мустақил иш жараёнини ташкил этишда умумийдан муҳимларини ажратиб олиш малакаси (ажратувчи малака); 2. Мустақил иш бажарилиши жараёнида технологик жараёнларни ва техник объектларни танлаш, ўқиши, ёзиши, чизиш, схемалар тузиш малакаси (тузиш малакаси); 3. Аудиторияда, аудиториядан ташқарида, ўқув устахонасида ва уйда мустақил ишларни самарали ташкил этиш малакаси (ташкил этиш малакаси); 4. Мустақил фикрлаш малакаси (фикрлаш малакаси); 5. Материални ўрганишда ўз-ўзини назорат қилиш малакаси (назорат қилиш малакаси).

### **Назорат саволлари**

1. Касбий таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.
2. Ўқитиши жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги.
3. Реконструктив-вариатив мустақил ишлар
4. Эвристик (қисман ижодий) мустақил ишлар
5. Ижодий тадқиқот мустақил ишлари.
6. Мустақил ишларнинг турлари.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими йўналиши бакалаврларини тайёрлашда мустақил таълимнинг аҳамияти // Мактаб ва ҳаёт. –Тошкент, 2004. -№ 1. – Б. 18-20.
2. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2006. - 46 б.
3. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А. Ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим интеграцияси. Методик қўлланма.-Т.:Низомий номидаги ТДПУ. 2006. - 47б.

## **6- Мавзу. Курс иши, битирув малакавий иш, магистрлик диссертацияларини бажариш жараёнида узвийлик ва узлуксизлик.**

### **Режа:**

1. Курс ишини бажаришдан мақсад ва тузилиши.
2. Курс ишини бажариш юзасидан кўрсатмалар.
3. Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари.
4. Курс иши битирув малакавий ишини бажаришда узвийлик ва узлуксизлик.

**Таянч иборалар:** курс иши, битирув малакавий иш, магистрлик диссертация, узвийлик, узлуксизлик дарс ўтиш методикаси, дарсни ташкил этиш, дарс режаси, календарь мавзули режа, дарснинг хронологик харитаси, конспект, тарқатма материаллар, тест сўровномалари, жадваллар, расмлар, технологик харита, схемалар, педагогик технология методларидан фойдаланиш, ўқув ишлаб чиқариш ишлари, техник база тайёрлаш, инструкцион-технологик хужжатлар.

### **Курс ишини бажаришдан мақсад ва тузилиши.**

**Мехнат таълими ўқитиш методикаси** фанидан курс ишлари фан юкламаси тугатилгандан сўнг, талабаларда меҳнат таълими ўқув курслари хақида тўлиқ маълумот шакллангандан кейин бажарилиши талаб қилинади. Курс ишлари талабанинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш, мустаҳкамлаш ва бойитиш, эгалланган билимларни амалда қўллай олиш, мустақил илмий изланишлар олиб бориш, адабиётлар билан ишлашга ўргатиш каби мақсадларни кўзлайди.

**Шу мақсадларнинг тўла-тўкис амалга ошиши учун курс иши топшириқлари шундай тузилиши керакки, уни бажариш учун талаба курснинг барча бўлимларига, методик адабиётларга, амалий иш тажрибасига мурожаат қилишга тўғри келсин.**

Курс иши түшунтириш хати ва чизмаларни ўз ичига олади. Түшунтириш хатининг ҳажми чекланмайды. У тахминан 25-30 бетни ташкил этади. Чизмаларнинг мазмуни аниқ топшириқлар билан белгиланади.

Курс иши топшириғи бирор мавзуга тегишли календарь-тематик режа; мавзуга бағищланган дарслар тизимини ишлаб чиқищ, бирор мавзунинг дарс режа-конспектини тузиш, педагогик технологияларга асосланган дарс ишланмаларини тайёрлашдан иборат бўлиши мумкин.

Дастлаб мавзунинг ўқув дастуридаги тутган ўрни, уни ўрганишнинг календарь муддатларини аниқлаш талаб этилади, сабаби бусиз бошқа ўқув фанлари билан дидактик алоқа ўрнатиб бўлмайди.

Курс ишида қуйидагилар акс эттирилади:

1. Мавзу тавсифи. Мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси.
2. Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили.
3. Мавзунинг ўқув-тарбиявий вазифалари.
4. Мавзуни ёритишда фойдаланиладиган илмий- тадқиқот методлари.
5. Мавзу материалларни назарий ва методик асосларини очиб бериш.
6. Мавзунинг назарий асосларини ўқув жараёнидаги меҳнат операциялари бажарилишининг методик жиҳатдан тавсифи.
- 7.Мавзуни ёритиш методикаси. меҳнат таълими ўқитиш методикаси фанининг асосий тушунчалари, дарс ўтиш методикаси, дарсни ташкил этиш, дарс режаси, календарь мавзули режа, дарснинг хронологик харитаси, конспект, тарқатма материаллар, тест сўровномалари, жадваллар, расмлар, технологик харита, схемалар ва ҳоказо.
- 8.Мавзуни ёритишда педагогик технология методларидан фойдаланиш. Педагогик технология тушунчасини ўзлаштириш, педагогик технологияга берилган таърифлар билан танишиш, педагогик технология методларини кўллаган ҳолда дарс ишланмаси тайёрлаш.
- 9.Ўқув ишлаб чиқариш ишлари.
10. Мавзуни ўрганиш учун зарур моддий-техник база тайёрлаш.

11. Инструксион - технологик хужжатлар.
12. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги.
13. Мавзуни ўрганиш режаси ва техник хужжатлар.
14. Хулоса тайёрлаш ва таклиф ва мулоҳазаларни билдириш.
15. Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини келтириш.

### **Курс ишини бажариш юзасидан кўрсатмалар**

#### **Курс ишининг тузилиши**

Кириш.

Масаланинг долзарблиги; мавзуга доир адабиётлар таҳлили; илмий-тадқиқот методлари.

Асосий қисм:

1-бўлим. Мавзунинг илмий-назарий асослари.

2-бўлим. Мавзуни ёритиш методикаси ва педагогик технология методлари асосида дарс ишланмаси.

3-бўлим. Тажриба-синов ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари.

Хулоса. Илмий изланишдан олинган натижалар юзасидан фикр ва мулоҳазалар.

Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.

#### **Курс ишини бажариш босқичлари ва уни ҳимоя этиш тартиби**

1. Мавзуни танлаш. Курс иши режасини тузиш ва уни тасдиқлаш.
2. Адабиётларни ўрганиб таҳлил қилиш.
3. Курс иши мавзуси юзасидан илғор педагогик ишларни ўрганиш.
4. Олинган маълумотларни жадвал ва схемада ишлаб чиқиш.
5. Курс иши ҳимоясида кафедра ўқитувчилари иштирок этади.
6. Курс ишини баҳолашда ҳар томонлама бажарган ишлар ҳисобга олинади.
7. Курс иши раҳбари ҳимоя қилинган ишни таҳлил қилиб, якунлаб беради.
8. Курс иши ҳимояси тақдимот шаклида намоён қилинади.

9. Муддатида улгура олмаган ёки ҳимоя қила олмаган талаба академ қарздор деб ҳисобланади.

### **Курс ишини ҳимоя қилиш тартиби**

Олий таълим муассасида бакалавриатуранинг тўрт йил давомида ҳар бир талаба ўқув режасига биноан камида 4 та курс иши ёки курс лойиҳаларини бажаради. Курс ишлари талабанинг профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида бажарилган мустақил иши бўлганлиги учун унинг натижаси, кафедра томонидан тайинланган, деканат томонидан тасдиқланган уч кишидан иборат комиссияда, аввалдан белгиланган режа асосида ҳимоя қилинади.

Кафедра томонидан берилган топшириқقا асосан талаба курс ишларини тўлиқ бажариб, расмийлаштиради ва кафедрага расмий равишда топширади. Шундан сўнг курс иши раҳбарининг ижобий тақризи билан ҳимояга қўйилади.

Ҳимоянинг ўтказилиш тартиби қўйидалардан иборат:

1. Комиссияга тақдим этилган иш комиссия раиси томонидан эълон қилинади эътиrozлар бўлмаса, муаллифга 5-10 дақиқа ишнинг мақсади, моҳияти, олинган натижа ва хulosаларни баён қилишга рухсат этилади.
2. Ҳимоя вақтида талаба курс ишлари материалларидан, график тасвирлари ва қўшимча маълумотлардан фойдаланишга ҳақли ҳисобланади.
3. Ҳимоя режада кўрсатилган барча талabalар ҳимоя қилингандан сўнг, комиссия аъзолари ҳоли қолиб, бир қарорга келинади ва рейтинг тизимига асосан баҳоланади.
4. Сўнг ҳимоячилар, қатнашувчиларнинг барчалари таклиф этилиб қўйилган баҳолар эълон қилинади.
5. Қониқарсиз баҳолангандар, академик қарздор ҳисбланиб, деканат белгиланган режага асосан яна бир бор ҳимоя қилишлари мумкин.
6. Комиссияга топширилган курс ишлари расмий равишда кафедрага сўнг архивга камида 5 йил муддатда сақлаш учун топширилади.

Курс ишлари 100 балли тизим асосида баҳоланади. Курс ишини бажаришда 55 балдан кам тўплаган талаба академ қарздор хисобланади.

	Эътибор бериладиган ҳолатлар	Балларнинг вазифалар бўйича тақсимланиши
	Курс ишининг тузилмаси	5
	Мавзунинг долзарбилигини асослаш	5
	Мақсаднинг тўғри қўйилганлиги ва ечимга эришилганлиги	10
	Мавзуни ёритишда фойдаланилган адабиётлар таҳлили	5
	Мавзуни ёритиш методларининг тўғри танланганлиги ва татбиқ қилинганлиги	30
	Аниқланган назарий маълумотларни амалда синаб кўрилганлиги ва асосланганлиги	15
	Дарс ишланмаларини тайёрлашда педагогик технологияларнинг тўғри қўлланилганлиги	25
	Олинган якуний хуносаларнинг белгиланган мақсадга мувофиқлиги	5
	Жами	100

### **Курс ишларини бажаришда техник моделлаштириш ва лойиҳалаш**

Олий таълим муассасаларида айниқса бўлажак меҳнат таълими ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда меҳнат ва касб таълими методикаси фанларидан курс ишларини бажаришда техник моделлаш ва лойиҳалаш мухим аҳамият касб этади. Бу борадаги вазифаларни муваффакиятли бажаришда турли ташкилий шакл ва методлардан фойдаланилади, жумладан:

- техник маълумотлар бериш;
- тадқиқотчилик ва амалий фаолият, қўникма ва малакаларни шакллантириш;
- техник билимларни, меҳнат усулларини, бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш;
- дизайн, эстетик дид ва меҳнат маданияти кўникмаларини, мустакил ишлаш қобилиятини шакллантириш;


- конструкторлик-технологик мазмундаги ижодий масалаларни ҳал қилиш, юксак даражадаги меҳнат интизомига ва меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этиш учун маълум шарт-шароитлар яратилиши ва ҳ.к.

Техник моделлаштириш жараёни бирор бир ноёб, қимматбаҳо хуллас кўп маблағ сарфланадиган иншоотлар, агрегатлар, машиналар ва ҳоказоларнинг моделини яратиш ҳисобланади. Одатда моделнинг ўлчамлари асл нусхага нисбатан анча кичик бўлади ва шунга кўра ундан арzonга тушади. Модель тузилиши жиҳатидан аслидан фарқланиши мумкин, лекин унда ишлаш жараёнида аслида содир бўладиган физик ҳодисалар кузатилиши керак.

Техник моделлаштириш жараёни учта асосий босқичдан иборат:

- модель ясаш учун техник хужжатларни (техник шартлар, чизмалар, технологияни) тайёрлаш, модель ясаш ва уни синааб кўришдан иборат.

Техникада ишлатиладиган моделлар 3 турга булинади. Меҳнат ва Касб таълими методикаси фанларидан талабалар курс ишларини бажаришлари учун ушбу турларни билиши талаб этилади.



Геометрик ўлчамларда ўхшашлик-Кўргазмали қурол мақсадида ишлатиладиган обйектнинг ташқи қиёфасини англатади. Бундай моделлар талабаларни замонавий машина, механизмлар тузилиши, ишлаш мезонлари билан таништиради.

Физикавий ўхшашлик-Ўрганилаётган обйектнинг харакат динамикаси, ўзаро боғлиқлиги қонуниятлари, хусусиятлари ва ўхшашликларини кўрсатади.

Харакатли ўхшашлик-Тирик мавжудодларнинг харакатларини моделлаштириш тушунилади. Бу турдаги моделларнинг аслига яқин бўлишни таъминлаш мақсадида кўп ҳолатларда улар тирик мавжудотлар, инсонларга ўхшаш қилиб яратилади.

Талабаларга техник моделлаштиришни ўргатиш жараёнида инсон ўз амалий фаолиятида табиат қонуниятлари ва ҳодисаларидан фойдаланишини кўрсатиб бериш, уларни замонавий ишлаб-чиқариш соҳалари билан таништириб чиқиш керак. Бунда талабаларнинг фан асослари бўйича олган билимларини устахонадаги амалий ишлари билан боғлаш керак.

Талабаларнинг техник моделлаштириш жараёнидаги фаолияти асосан техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва модель ясашдан иборат бўлади. Шунинг учун энг аввал талабаларни чизмаларни ишлашга, технологик жараённи тузишга, моделнинг деталларини тайёрлаш ва уларни йиғишга жалб этиш учун энг қулай моделлар ясашни назарда тутиш лозим.

Талабаларга моделлаштиришни ўргатиш жараёнида обьектларни тайёрлаш қўйидагicha уч босқичда амалга оширилади:

- 1) мукаммал техник хужжатлар бўйича;
- 2) қисқартирилган техник хужжатлар бўйича;
- 3) техник шартлар ёки ўз шартлари бўйича;

Моделлаштиришни ўргатишдаги биринчи босқичнинг хусусияти шуки, унда талабалар топшириқни бажариш учун барча бошланғич маълумотларни тайёргина оладилар. Бу эса ана шу босқичда талабаларнинг ижодкорлиги учун ҳеч қандай шароит бўлмайди дегани эмас. Чунки чизмалар, обьектнинг техник шартлари ва технологик харита мавжуд бўлган тақдирда хам, талабаларнинг маълум даражада мусатақил ишлашига тўғри келади. Улар аввало техник хужжатларни тушуниб олишлари: чизмани ўқишилари ва технологияни ўрганишлари шарт.

Моделлаштиришни ўргатишнинг иккинчи босқичи талабалар топшириқни бажариш учун керакли маълумотларни тўлиқ олмаслиги билан тавсифланади.

Улар ёрдамчи адабиётдан фойдаланиб, буюмнинг лойихасини, уни тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишига ва ҳоказоларга жиддий ёндошиб, мазкур маълумотларнинг бир қисмини мустақил ҳолда ўзлари топишлари керак. Қисқартирилган техник хужжатларда бир йўла ҳам чизмаларни ўқиш ва ишлаб чиқиш, ҳам лойихалаш ва технологик жараённи ташкил этиш вазифаларини назарда тутиш тавсия қилинади. Талабалар етишмайдиган маълумотларни шу тарзда топиш учун чизмачиликдан, шунингдек лойихалаш ва технологиядан олинган билимларни ижодий қўллашлари лозим.

Моделлаштиришни ўргатишнинг учинчи босқичи талабаларнинг ўз ижодий тасаввури ёки буюмга қўйиладиган шартлар бўйича бажарадиган мустақил ишидир. Моделлаштиришда талабаларнинг индивидуал хусусиятлари фарқи айниқса яққол кўринади.

Бунда маълум даражада айрим талабаларнинг онгли мустақил таълим фаолияти билан шуғулланиши хар ҳил техник қурилмаларни лойихалаш ва тайёрлашга қизиқишилари сабаб бўлади.

Лойихалаш-асл нусхадаги машиналар, мосламалар, жихозлар ва ҳоказоларнинг чизмаларини яратишга қаратилган ижодий жараёндир. Лойиҳалаш билан шуғулланиш учун аввало кенг график ҳамда технологик билим ва малакаларга эга бўлиш керак. Шунингдек, буюмларнинг мустаҳкамлиги, аниқлиги ва ҳоказоларига оид мураккаб хисобларни бажариш имконини берадиган маҳсус лойиҳалаш билимлари ва малакалари ҳам зарур.

Талабалар техник моделлаштириш билан шуғулланишда буюмларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва пардозлаш бўйича қуйидаги ишларни бажарадилар:

1. Лойиҳаланадиган буюмнинг вазифаси ва қўлланиши билан танишиш;
2. Буюмдан фойдаланиш ва уни тайёрлаш жараёнига асос бўладиган физик, кимёвий ва бошқа жараёнларни аниқлаштириш;

3. Умумтехник ва қўшимча адабиётларни ўрганиш, қўйилган вазифани ҳал қилинишининг энг яхши вариантини танлашда улардан фойдаланиш;
4. Буюмнинг бир нечта эскиз вариантларини тайёрлаш ва улардан энг яххисини танлаш;
5. Буюмнинг техник лойихасини ишлаб чиқиш;
6. Буюмга ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш;
7. Айрим деталларни, узеллар ва умуман буюмни тайёрлаш ҳамда ростлаш;
8. Буюмнинг камчиликларини аниқлаш ва бартараф этиш;
9. Буюмни пардозлаш;
10. Буюмни тайёрлашга доир ўқув-техник хужжатларга тузатишлар киритиши.

## **11. Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Курс ишлари мавзуларини танлашга қўйиладиган талаблар.
2. Курс ишларини тайёрлашга қўйиладиган талаблар.
3. Курс ишини бажариш кетма-кетлиги; мазмuni ва унда қўйиладиган муаммоларни ҳал қилиш методикаси.

### **10.2. Битирув малакавий ишлари бажариш**

Режа:

1. Битирув малакавий ишни бажаришнинг мақсад ва вазифалари.
2. Битирув малакавий ишларини амалга оширишда тадқиқот методлари.

**Таянч иборалар:** малака иши, илмий раҳбар, маслаҳатчи, илмий ходим, хисоб графика, мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади, тадқиқот вазифалари, тадқиқот обьекти ва предмети, кутиладиган натижа, тадқиқот методлари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти,

**Битирув малакавий ишиниг мақсад ва вазифалари**

Битириув малакавий иш талабанинг ўқиши даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий-тадқиқот ишларининг натижаси хисобланади.

Битириув малакавий ишнинг мақсади талабаларнинг барча блок фанлари бўйича олинган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, бу билимларни муайян илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллашдан иборатдир. Талаба узлуксиз таълим турлари бўйича ўқув дастурлари, ўқув режалари билан таниш бўлиши, мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси, педагогика ва психология фанлари, янги педагогик технологияларни чуқур билиши ва билимларни амалда қўллай олиши керак.

Битириув малакавий ишнинг вазифаси олиб борилган тадқиқот мавзуси бўйича олинган умумий ахборотни мустаҳкамлашни, манбалардан тўпланган илмий ва амалий далилларни тизимли тарзда изчил тартибга солишини назарда тутади.

Битириув малакавий ишнинг муаллифи илмий тадқиқотни мустақил олиб бориши, таълимий муаммоларни топиши ва уларни ҳал қилишнинг умумий метод ва қоидаларини амалда қўллай билиши, таҳлил қила олиши, натижанинг самардорлигини кўрсата билиши керак.

Битириув малакавий ишнинг вазифалари сифатида мутахассислик ва бирор ихтисос бўйича тайёрлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва амалий ишларда билимларни мустаҳкамлаш, мустақил ҳолда маълумотларни излаш ва муайян муаммоларни ечиш, танланган мавзу бўйича касбий, педагогик ва психологик категориялар, ходисалар ва муаммолар моҳиятини очиш, мавжуд материалларни тизимлаштириш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, узлуксиз таълим тизимида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши ва ҳ.к.лардан иборат.

Диссертациянинг ёзилиши, тайёрланиши ва очиқ ҳимоя қилиниши талабанинг мутахассислиги бўйича танлаган мавзуси негизида нечоғлик

мустақиқот олиб бориш тажрибасига эга бўлганлигини аниқлаш беради.

## **Битирув малакавий ишлар мавзуларини танлаш ва тасдиқлаш тартиби**

### **Умумий талаблар**

Битирув малакавий иш талабанинг олий таълим муассасасидаги барча таълим олиш даврларида эгаллаган назарий билимларини тизимлаштириш, тадқиқот, тажриба-синов ва лойиҳалаш методикаларини амалиётда қўллай олиш кўникмасини назорат қилиш, шунингдек, битирувчи талабанинг замонавий касб-хунар таълими соҳасида касбий мажбуриятларни мутахассис сифатида бажаришга тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Битирув малакавий иш мавзулари Республикаизда ўрта маҳсус таълим муассасалари ўқув дастурларига мос равища, Давлат таълим стандартларида белгиланган талабларга асосланган ҳолда, замонавий фан ютуқлари ва технологияларини хисобга олган ҳолда тузилади.

### **Битирув малакавий ишлар мавзуларига қўйиладиган талаблар**

Битирув малакавий ишнинг намунавий мавзулари мутахассислар тайёрловчи кафедралар томонидан ишлаб чиқилади. Мавзулар алоҳида ҳужжат сифатида тақдим этилиб, давлат ва жамият талаблари асосида даврий янгилашиб турилади.

Намунавий мавзулар асосида шаклланган битирув малакавий иш мавзуи илмий ва амалий жиҳатдан долзарб бўлиши лозим.

Битирув малакавий иш мавзунинг шаклланиши касб-хунар таълими самарадорлигини оширишга қаратилган муайян амалий масалаларни ҳал этиш кўзланганлиги тўғрисида аниқ тасаввур бериши лозим.

Мавзу танлашда талабани кейинги илмий тадқиқот ишлари олиб боришини назарда тутган ҳолда битирув малакавий иш мавзусининг номзодлик ва ҳатто докторлик диссертациялари ёзишда ҳам долзарб бўлишига эришиш лозим. Битирув малакавий иш учун танланган мавзу

номзодлик ва докторлик диссертасиялари тайёрлашда ҳам давом этишини мақсад қилиб қўйилади.

## **МАЛАКАВИЙ ИШНИ ТАЙЁРЛАШ ТАРТИБИ**

### **Битирув малакавий ишни бажариш жараёнига тайёргарлик**

Битирув малакавий ишни бажаришга тайёргарлик жараёни талабага танланган мавзунинг ўрганилганлик даражасини баҳолашга ёрдам берувчи адабиётлар, монография ва ўқув кўлланмалар, илмий мақолалар билан танишишдан бошланади.

Манба ва адабиётлар билан ишлаш жараёнида тадқиқ этилаётган у ёки бу муаммога тааллуқли бўлган далил ва воқеаларни ёзиб олиш тавсия этилади.

Ёзиб олинган маълумотлар кўпчилик ҳолларда материални қайта ишлаш ва гурухлашда қийинчилик туғдирмаслиги учун битта вараққа жойлаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун маълумотлар чиқкан манба ва адабиётларнинг қайеридан ёзиб олинганлигини аниқ кўрсатиш талаб этилади.


Манба ва адабиётлар ўрганилиб бўлгач эса, битирув малакавий ишнинг тўлиқ режасини тузиши ва уни илмий раҳбар билан, зарур ҳолларда эса илмий маслаҳатчи билан келишиши лозим. Ушбу режага иш жараёнида аниқлик киритиш мумкин. Унинг охирги варианти асосий манба ва адабиётлар билан ишлаб бўлгач тузилади ва у илмий раҳбар томонидан тасдиқланиб, муҳим ҳужжатга айланади, унга киритиладиган ўзгаришларни фақат раҳбар розилиги билан амалга ошириш мумкин.

Битирув малакавий ишни ўз вақтида ва сифатли бажариш талабанинг ўз мустақил ишини ташкил этиш қобилятига бевосита боғлиқ. Малакавий ишни бажаришни талаба битирув малакавий иш режасини тузишдан бошлайди. Режа асосида боблар ва параграфлар бажарилиш кетма-кетлиги ва муддатлари кўрсатилади.

Талаба битирув малакавий ишнинг кириш ва бошқа бўлимлари ҳамда хулосаларини тайёрлаши билан уни илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчига

тақдим этади. Улар күрсатган камчилик ва таклифларни битирув малакавий ишни тайёрлаш жадвалида күрсатилған муддатгача қайта ишлаб чықади (3-илова).

**Талабалар мустақил фаолиятини ташкил этиш натижалари  
сифатида битирув малакавий ишни бажариш ва тайёрлашнинг  
педагогик модели**



Бити्रув малакавий ишни ўз вақтида ва сифатли бажариш талабанинг ўз мустақил ишини ташкил этиш қобилиятига бевосита боғлиқ. Малакавий ишни бажаришни талаба тақвим режа тузишдан бошлайди. Тақвим режа асосида боблар ва параграфлар бажарилиш кетма-кетлиги ва муддатлари кўрсатилади.

*1-жадвал*

### **Битириув малакавий ишни бажариш учун зарур бўладиган психологик-педагогик шароитлар**

<b>Шароитлар гурухи</b>	<b>Умумий</b>	<b>Битириув малакавий ишни тайёрлаш учун энг асосий заруратлар</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>
<b>Ташкилий-педагогик шароитлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– Ташкилий-иктисодий,</li> <li>– илмий-услубий,</li> <li>– ташкилий-бошқарув</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– таълимнинг касбий йўналганлиги;</li> <li>– илмий ва ижтимоий ҳамкорлик;</li> <li>– фаол ўзаротаъсир, ишни ишлаб чиқиш учун ташкилот, муассаса, лаборатория, кафедрага ариза берилиши, касбга оид муҳим муаммоларни ечиш;</li> <li>– Битириув малакавий ишмавзуи, илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчини эркин танлаш имконини яратилиши</li> </ul>
<b>Субъект-шахсига оид шароитлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– касбий ўзлаштириш мотиватсияси;</li> <li>– ўз вақтини эркин режалаштириш;</li> <li>– ўзига хосликнинг юзага келишига бўлган хурмат;</li> <li>– долзарб муаммоларни мухокама килиш;</li> <li>– таълимнинг индивидуал чўққиси</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– ижобий психологик муҳит;</li> <li>– ўзаро хурмат;</li> <li>– эмпатия;</li> <li>– талаба ва ўқитувчининг ишchan руҳдаги, ҳамкорликдаги муносабати;</li> <li>– талаба томонидан ўз қадр-қиммати ва камчиликларининг англаниши;</li> <li>– билимлар кўлами, мулоқот қила олиш кўникмаси;</li> <li>– ўз ҳаётий ва касбий фаолиятини олиб бориш санъатини лойиҳалаш қобилияти</li> </ul>

<b>Захиравий шароитлар</b>	<p>– молиявий-иқтисодий,        – моддий-техник,        – меёрий-хукукий,        – ахборотли        – илмий-назарий        дастурий-методик,        – кадрлар масаласи</p> <p style="text-align: center;">ва</p>	<p>– таълим жараёнида замонаивй, илмий асосланган ўқув-услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш;</p> <p>– зарур бўладиган ўқув-услубий ва маълумотлар бўйича тайёрланган материалларнинг тушунарлилиги (оммабоплиги);</p> <p>– фаннинг ишчи дастури хақида маълумот берадиган услугубий қўлланима ишлаб чиқиш;        «ўқитувчи-талаба» ўртасида сафарбар қайта алоқа тизимни яратиш</p>
----------------------------	--	---

Тақвим режада талаба бажарадиган қуйидаги ишлар акс эттирилиши лозим:

- мавзу бўйича адабиётларни танлаш ва танишиб чиқиш;
- малакавий ишнинг дастлабки режасини тузиш;
- танлаб олинган адабиётларни чуқур ўрганиш ва йиғилган материалларни қайта ишлаш;
- малакавий ишнинг охирги вариандаги режасини тузиш;
- малакавий ишни матнини ёзиш;
- малакавий ишни расмийлаштириб, дастлабки ҳимояга олиб чиқиш.

Мавзуни баён қилишда, авваламбор, бу мавзуни моҳиятини очиб бериш, иккинчидан кўйиладиган масалалар ва уларни ёритилиши бир бирига боғлик ҳолда бўлиши лозим. Шу боис, малакавий ишга қўйилган асосий талаблардан бири танланган мавзуни чуқур ва кенг қамровли баён қилиш хамда кўрилаётган саволларни узвий боғлиқликда ёритиб беришдан иборат.

Битирув малакавий ишни бажариш уч босқичда қуйидаги амалга ошириш технологияси бўйича бажарилиши мумкин:

## Бити्रув малакавий ишнинг тавсифий хусусиятлари ва уни амалга ошириш технологияси

Малакавий ишнинг тайёрлаш илмий тадқиқот мантиқи асосида илмий тадқиқот тизимга ўхшаш ёки айнан шундай тузилмага эга



### I. Таърор босқичи

- 1.1. Малакавий иш мавзусининг долзарбилигини асослаш
- 1.2. Малакавий иш муаммоларини, унинг предмети ва объектини шакллантириш
- 1.3. Қарор тахминини олдинга суринш
- 1.4. Малакавий иш вазифаларини белгилаш
- 1.5. Маълумотлар манбаларини аниқлаш
- 1.6. Тадқиқот усулларини танлаш

### II. Бажарии босқичи

- 2.1. Тадқиқотни амалга ошириш
- 2.2. Хуносалар
- 2.3. Тадқиқот натижаларини аниқлаш, уларни янада ривожлантириш учун янги муаммоларни белгилаш

### III. Натижса босқичи

- 3.1. Олинган натижаларни тақдим этиш ва муҳокама қилиш
- 3.2. Битириув малакавий ишига ташқи (эксперт) баҳоси

Битирув малакавий ишда кўриладиган саволлар унинг мақсадини очиб беришга қаратилган бўлиши лозим. Малакавий иш матнида унинг мавзусига таалуқли бўлмаган матн ва амалий материаллар келтирилмайди. Барча бўлимларда ғоя бирлиги ва изчиллиги таъминланиши зарур. Аксарият ҳолларда малакавий ишнинг биринчи бобида танланган мавзунинг назарий жиҳатлари ёритилади. Унда талаба шу мавзуни назарий жиҳатдан қанчалик даражада билишини, турли муаллифларнинг асарлари ва шу соҳадаги фикрларини ўргангандиги, мазмуний ва мантиқий жиҳатдан тадқиқот қилинаётган мавзуга ўз фикрини билдира олишини кўрсата олиши жуда муҳим ҳисобланади.

### **Битирув малакавий ишнинг мазмуни ва таркибий тузилиши**

Битирув малакавий ишнинг асосий таркибий қисмлари қўйидагилардан иборат: сарварак, мундарижа, кириш, асосий қисмнинг боб ва бўлимлари, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати, иловалар.

Битирув малакавий ишнинг таркиби, шунингдек, маълумотлар берадиган саҳифа остидаги изоҳ, қисқартмалар рўйхати, нотаниш ва тушунилиши қийин бўлган таянч сўзлар лугати ҳам кириши мумкин.

Битирув малакавий ишнинг мундарижасида варақлар тартиб рақамлари билан кўрсатилган кириш, барча боб ва бўлимлар, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловаларнинг сарлавҳалари келтирилади. Мундарижа сарваракдан кейин жойлаштирилади.

Битирув малакавий ишнинг **кириш** кисми қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- мавзунинг долзарблиги (мавзу асосномаси);
- муаммонинг ўрганилганлик даражаси;
- тадқиқот мақсади;
- тадқиқот вазифалари;
- тадқиқот обьекти ва предмети (воқеаларнинг ижтимоий психологик, педагогик, этник, миллий, ҳудудий ва жинсий кетма-кетликда содир бўлишига асосланган доиралари)

- кутиладиган натижа;
- тадқиқот методлари;
- тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти;
- фойдаланилган манба ва адабиётларнинг танқидий таҳлили;
- ишнинг таркибий тузилиши.

Битирув малакавий ишнинг **кириш** қисмида малакавий ишнинг долзарблиги асосланади, амалий аҳамияти, илмий янгилик ёки муаммолик томонлари акс эттирилади, тадқиқот предмети малакавий ишда кўриб чиқиладиган муаммолар, ишнинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилади.

Фойдаланилган манба ва адабиётларнинг танқидий таҳлилини тузища кўйилган муаммони ўрганиш учун улар нимага эътибор беришлари кераклигини аниқлаш, шунингдек, уларнинг муаллифи қандай манбаларга таянганликларига эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун фойдаланилган манба ва адабиётларнинг танқидий таҳлили сифатида оддий келтирилган меёрий-хукукий далолатномалар, уларнинг муаллифлари ва ишларини алмаштириш мумкин эмаслигини унутмаслик лозим.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар таҳлили мавзууси ёки кўргазмали тамойил бўйича тузилиши, талабанинг (яъни, унинг ўқиган материалларига шахсий муносабати) баҳосини ўз ичига олиши, муаммонинг қайта ишланганлик даражасини кўрсатиши, тўлиқ ўрганилмаган масалаларни аниқлаши лозим. **Кириш** битирув малакавий иш умумий ҳажмининг 10 -15 фоизини ташкил этиши лозим.

Битирув малакавий ишнинг **асосий** қисмида тадқиқот учун танланган мавзунинг назарий жиҳатларини ёритувчи боб ва бўлимлардан ташкил топиши, мавзу хусусияти мос тарзда машинашунослик ва машинасозлик фанлари, ихтисослик фанлари мазмуни, тадқиқот методи ва техникаларини киритувчи мазмун, кутиладиган натижаларнинг баён этилиши, хулосаларнинг шакллантирилиши ва амалий тавсиялар берилиши лозим.

Зарурат туғилганда битирув малакавий ишда талаба томонидан таклиф этилаётган тавсияларнинг татбиқ этилишидаги ижтимоий-иктисодий самарадорлик кўрсаткичлари берилади.

**Асосий** қисмни назарий ва методик қисмлар ташкил этиб, бунда ташкил этувчи боб ва бўлимларнинг мазмуни битирув малакавий иш мавзуига тўлиқ мос келиши ва уни тўла очиб бериши даркор. Боб ва бўлимлар талабанинг қиска, мантиқан тўғри ва далиллар келтириб тўплаган, тизимлаштирган ҳамда таҳлил қилган материалларини баён этиш қобилиятини намойиш этиши лозим.

**Назарий** қисмни ташкил этувчи бўлимлар:

- ўрганилаётган муаммонинг назарий-методик асослари;
- ўрганилаётган муаммонинг қайсиdir муайян ўкув муассасасида аникланиши ва таҳлил қилиниши;
- муаммони бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқиши;
- малакавий ишнинг бажарилишини таъминловчи техник таъминот;
- малакавий ишнинг иқтисодий қиймати;
- ихтисослик фанларидан мавзуга мос назарий материаллар;
- битирув малакавий ишнинг хуқукий таъминоти каби масалаларни ўз ичига олиши лозим;
- тадқиқот обьектининг функциялари, вазифалари, соҳаси;
- ташкилий тузилма, бошқарув тизими, унинг ташқи ва ички алоқаларининг ўзига хослиги;
- тадқиқот обьектининг техник иқтисодий кўрсаткичлари;
- техник ечим ва хисоб китоб ишлари;
- техник чизмачилик ва лойиҳалаш асослари;
- тадқиқот обьектида мавжуд камчилик ва муаммолар;
- муқобил вазифаларни назарий ва амалий хал этишнинг умумий усуслари ва х.

Касб таълими таълим йўналишлари талбаларининг битирув малакавий ишларида назарий қисмида дизайн ва конструксиялаш қисмлари киритилиши тавсия этилади. Бунда :

- конструксияланаётган буюм учун талабларни аниқлаш;
- костюм стилистикаси ва конструктив –декоратив ечимни асослаш;
- асос конструксиясини қуриш учун керакли ўлчовлар;
- асос конструксиясини ҳисоблаш ва қуриш;
- конструксияланаётган буюмни техник моделлаштириш;
- ишчи хужжатларни тузиш;
- конструксияланаётган буюм узелини тикиш учун асбоб-ускуна ва тикиш усулларини танлаш;
- буюмга ишлов бериш технологик картаси;
- материал танлаш ва асослаш.

Битирув малакавий ишнинг назарий қисмида кўргазмали ва рақамлар билан кўрсатилган материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Кўргазмали материаллар (жадвал, диаграмма, гистограмма, расм, чизма, сурат ва фотохужжатлар)ни намойиш қилиш шаклларини танлаш асосан тадқиқот мавзусининг тавсифи ва мақсадига боғлиқдир. Бироқ бунда битирув малакавий ишнинг асосий қисмига жойлаштирилувчи барча кўргазмали материаллар юқори даражадаги янги фойдали маълумотларни бериши зарурлигини ҳисобга олиш лозим. Масалан, матнда келтирилган жадвалнинг асосий қисми таҳлилий тавсифга эга бўлиши, рақамли кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш натижалари ҳисобланиши лозим. Дастребки статистик маълумотларни ўз ичига олган жадваллар ишнинг алоҳида илова қисмида келтирилиши талаб этилади.

**Педагогик-методик** қисмни ташкил этувчи бўлимлар:

Педагогик-методик қисмнинг параграфларини сони ва мазмуни ишни турига қараб белгиланади. Одатда биринчи бобда тадқиқот олиб борилган обьект бўйича қисқача маълумот бериш билан бирга мавзунинг умумий назарий масалалари бўйича мазкур тадқиқот натижаларининг амалиётда

тадбиқ этилиши мумкин бўлган муассасанинг қисқача тавсифномаси берилиши лозим. Мазкур бобда қуйидаги параграфлар ўзаро мантиқий изчилликда берилади:

-касбий таълим жараёнларини ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларнинг аҳамияти;

-касбий таълим жараёни бўйича фан ривожи ва истиқболларини ўқитишда электрон дарсликларнинг аҳамияти;

-касб таълими муассасаларида таълим тарбия жараёнига қўйиладиган талаблар;

- технологик жараёнлар ва замонавий техникаларнинг ишлаш механизми бўйича ўқувчи-талабаларни мустақил ижодий фаолиятининг ташкил этиши;

-турли маҳсулот ишлаб чиқариш учун технологик жараёнларни бошқариш ва уларнинг омилларини ўзгартириш услубияти бўйича масофадан ўқитиши методлари;

- турли хом-ашёларни қайта ишлашдаги ўзига хос жихатларини ўқитиши жараёнида ўқитувчининг педагогик маданияти ва касбий маҳоратининг аҳамияти;

- технологик ускуналарни танлаш ва асослаш усусларини белгилаш жараёнида дидактик воситалардан фойдаланиши;

- хом-ашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотнинг сифатини аниқлаш ва назорат қилиш бўйича ташкил этиладиган факултатив ва қўшимча машғулотлар мазмуни;

- маҳсулотдаги нуқсонларнинг сабабини аниқлаш ва бартараф этиш услублари ўқитиши жараёнида қўлланиладиган педагогик-психологик усуслар;

- касб-хунар коллекларида таълим-тарбия жараёнининг туғри ташкил этилувчиси ва уларда интегратсиялашув жараёнининг амалга ошиши;

- касб-хунар коллекларида ўқитиши жараёнида баҳолашнинг рейтинг тизими;

- касб-хунар колледжларида таълим жараёнларни бошқариш бўйича ташкил этиладиган мустақил таълим мазмуни;
- касб-хунар колледжларида ўқитиш жараёнида қўлланиладиган моделлаштириш ва автоматлаштириш методлари;
- касб-хунар колледжларида ўқитишнинг умумий принциплари ва методлари;
- касб-хунар колледжларида таълим жараёнларни компьютер графикасининг дастурий воситаларини ишлаб чиқиши;
- «инсон – техника – муҳит» тизимини лойиҳалашда инсон омили муаммоларини ҳал қилишнинг илмий асослари ва усуллари;
- техника обьектлари ва жараёнларини патентга лойиқлиги ва патентни чинакамлигини тадқиқ этишнинг педагогик-психологик асослаши;
- ўлчов воситаларини текшириш усуллари ва уларда юл қўйиладиган хатолик чегаралари бўйича меёрий ҳужжатларни яратиши;
- замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида дарс ўтиш методикаси;
- дарсни тўғри ташкил этиш режаси ва унда тақдим этиладиган ахборотларни интегратсиялаш;
- дарснинг технологик харитаси, профессиограммаларга қўйиладиган талаблар;
- муаммоли таълим ва уни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари;
- педагогик маданият ва касбий маҳорати;
- педагогик, психологик ва касбий йўналишларда ташкил этиладиган факултатив ва қўшимча машғулотлар мазмуни;
- ўқувчи-талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ташкил этиш мақсадида семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида фойдаланиладиган муаммоли топшириқлар мазмуни;
- педагогик, психологик ва касбий йўналишларда ташкил этиладиган мустақил таълим мазмуни;

- ўқитиши жараёнида қўлланиладиган педагогик-психологик усуллар;
- ўқув жараёнида қўлланиладиган моделлаштириш ва автоматлаштириш методлари;
  - дарс жараёнида қўлланиладиган техник (компьютер, аудио ва видеотехникалар) ва бошқа ёрдамчи дидактик воситалар (тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар ва х.к.);
  - электрон дарсликлар асосида технологик жараёнларни ўқитиши тамойиллари ва методлари (мавзуни ёритиши жараёнида электрон дарсликлар имкониятлари ёрдамида тақдимотлар намойиш этиши ҳамда улардан самарали фойдаланишнинг йўл-йўриқлари);
  - касбий фанларни ўқитишининг умумий тамойиллари ва методлари;
  - касбий таълим жараёнида масофадан ўқитиши методлари;
- ўқув жараёнида қўлланиладиган интерфаол методларни аниқлаши ва уларни қўллаши;
  - дарс учун зарур бўладиган ўқув ва услубий материаллар ишлаб чиқиши;
  - амалий машғулотлар ҳамда лаборатория машғулотлар жараёнида ўқувчи-талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ташкил этувчи муаммоли топшириқлар яратиши;
  - ўқувчи-талабаларнинг лойиҳачилик қобилиятини шакллантиришга хизмат қилувчи топшириқлар тўпламини ишлаб чиқиши;
  - дарсга оид асосий ва ёрдамчи воситалар(тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар, аудио, видео, технологиялар)ни тайёрлай олиши ва дарснинг технологик харитасини тузиши;
  - ўқувчилар фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизимини ишлаб чиқиши;
- мавзуни ёритиши жараёнида электрон дарсликлардан самарали фойдаланишнинг йўл-йўриқларини ишлаб чиқиши;

- касбий таълим жараёнида масофадан ўқитишни ташкил этишда ўқитиш методларини таҳлил қилиб, уларни қўллаш учун методик тавсияларни ишлаб чиқиши кўзланади.

Шунингдек, бу қисмда муаллиф томонидан ўрганиб чиқилган материаллар таҳлили асосида эришилган натижалар, янгиликлари, ихтиrolар, меёрий кўрсаткичлар, тавсия этилаётган технологик жараёнлар асослаб берилади, шунга мос жадваллар тавсия этилади, таклиф этилаётган обьектни такомиллаштириш йўллари, иқтисодий самарадорлиги аниқланади, илгари сурилаётган ғоя ва таклифлар илмий жиҳатдан асосланади.

Тахлилнинг дастлабки материаллари талаба томонидан педагогик амалиёт жараёнида ўрганилган ўқув муассасасининг иш режаси ёки уларнинг бир қисми, йиллик хисботи, молиявий ва статистик хисбот материаллари ва бошқа ҳужжатлар бўлиши мумкин.

Тўпланган материал хажми ва тавсифи қабул қилинган тадқиқот методикасининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Бунда қуйидаги методлардан фойдаланиш кўзланиши мумкин: эмпирик (кузатув, таққослаш, чамалаш, ўлчов, тажриба-синов), эксперт баҳолаш, эксперт таҳлил, хисоблаш таҳлили, меёрий, ташкилий-лойиҳалаш, график таҳлил, параметрик, коррелятсион таҳлил, вариатив, дискриминант, асосли таҳлил, эвристик (аналогия, инверсия, эмпатия, идеализатсия, «ақлий ҳужум», ассотсиатсия, синектика, морфологик таҳлил ва б.), иқтисодий-математик моделлаш, ижтимоий-иктисодий таҳлил (таққослаш, танлаб ўрганиш, гурухлаш ва коррелятсион таҳлил), муҳандис-иктисодий ҳисоб.

Таълим муассасаларида умумкасбий ва ихтисослик фанлар ўқитилишини ўрганиш тўпланган материалларни қайта ишлашни мўлжаллайди. Маълумотларни қайта ишлаш иқтисодий, ижтимоий ва психологик таҳлилни замонавий методлардан фойдаланиш билан амалга оширишни тақозо қиласди.

**Холоса ва таклифлар** қисми малакавий ишнинг умумий ҳажмининг 5-7 фоизини ташкил этади. Унда иш мазмуни бўйича ишлаб чиқилган холосалар

ва аниқ таклифлар, эришилган натижалар мужассамлаштирилади. Малакавий иш айрим боблардаги хulosалар ва таклифлар билан ҳам тугалланиши мумкин, аммо ундан энг муҳимлари ишнинг охирида, яъни хulosа бўлимида акс эттирилиши керак.

Битирув малакавий ишнинг **хulosса** қисмида олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилади, умумлаштирилган ҳолда малакавий иш мақсади ва вазифаларида ифодаланган масалани ўрганилганлик хulosалари баён этилади, мавзунинг истиқболдаги ишлаб чиқилиши мўлжалланади.

Битирув малакавий ишининг хulosса қисмида талаба тугалланган касбий топшириқни ечади. Яъни у битирув малакавий ишнинг хulosса қисмидаги асосий масалаларда ўз нуқтаи назарларини асосли тарзда баён этиши лозим. Бунда бакалавр:

- ечилаётган топшириқ бўйича масала ҳолатини ўрганиб, уни таҳлил қилиб беради;
- касбий-педагогик талабларни ифодалайди, топшириқни ечиш талқинларини кўриб чиқади ва оқилона йўлни аниқлайди;
- психологик, педагогик ва методик ечимнинг математик-статистик таҳлилини қилиб беради;
- ҳал этилган масаланинг иқтисодий самарадорлик даражасини белгилайди;
- топшириқ ечими бўйича хulosса ва таклифларни беради ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш имкониятини аниқлайди.

Бу қисмда кўрилаётган масаланинг ҳозирги аҳволи таҳлил қилинади, амалиёт даврида тўпланган статистик материаллар асосида тадқиқот обьектида мавжуд камчиликларни йўқотишга қаратилган таклифлар ва тавсиялари асосланиши керак. Тажриба орттириш вақтида йигилган ҳамда тадқиқот жараёнида таҳлил қилинган материаллар ҳал қилинмаган масалалар, муаммоларни аниқлаш ва шунга мувофиқ хulosалар келтирилади. Муаммони ўрганиш услугуб ва услугбияти ёритилади. Бу малакавий иш мазмунининг асосий ғоясини ифодалайди.

Хулоса янги маълумотлар, далиллар, белгиларни ўз ичига олмаслиги, балки хулосалар ишнинг асосий матнидан мантиқий келиб чиқиши зарур. Хулосанинг тахминий ҳажми 3-5 варақдан ошмаслиги керак.

**Қисқартмалар рўйхатида** ишда қўлланиладиган библиографик маълумотлар, тушунча ва атамалар, муассасаларнинг номланиши қисқартирилган ҳолда шартли белги ва рақамлар билан ёзилиши даркор.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар** талаба томонидан битирув малакавий ишни тайёрлаш ва ёзиш жараёнида қўлланилган манба ва адабиётларни ўз ичига олади ва у тадқиқот мавзуига боғлиқ тарзда 25-30 (ва ундан кўп) номдан ташкил топади. Манбалар хақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси олий таълим Давлат таълим стандартлари талабларига мос тарзда келтирилади.

Бунда битирув малакавий ишни ёзиш жараёнида қўлланилган барча қонун чиқарувчи ва меёрий-хуқуқий материаллар, илмий, ўкув ва даврий нашрлар тўлиқ библиографик тавсифи (нашр жойи, нашриёт номи, чоп этилиш йили ёки нашри)ни ўз ичига олиши лозим. Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатини тузиш жараёнида нашр қилинган ва чоп этилмаган ишлар ажратилган бўлиши керак.

Ишнинг **илова қисмида** битирув малакавий иш асосий мазмунини қўшимча тўлдирувчи ва кўргазмали тасвирловчи барча материаллар келтирилади. Бунда, асосан чизма, жадвал, диаграмма, гистограмма, расм, сурат ва фотохужжатлар, шунингдек, ҳар хил турдаги матнлар, ташкилий-хуқуқий хужжатлар, маълумотномалар, эълонлар жойлаштирилади.

Битирув малакавий иш илмий раҳбар ва кафедра билан келишилган ҳолда чет тилларда ёзилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин. Ҳимояга чет тилида тақдим этиладиган битирув малакавий ишни тайёрлаш бўйича тавсия 9-иловада келтирилган.

Айрим ҳолларда агар талаба изланиш мобайнида ўрганилаётган масалани янги кирраларини очса, малакавий иш мавзусига ва режага ўзгартиришлар киритиши мумкин. Шу билан бирга агар ўрганилаётган мавзу

бўйича ўқув муассасасининг маълумотлари тижорат сири бўлиб талабага берилмаган ва шунга ўхшаш бошқа ҳолларда ҳам талаба малакавий иш мавзусини ҳамда амалиёт базасини ўзгартириш хуқуқига эга.

Битирув малакавий иш олий таълим муассасасининг, одатда, ушбу мақсадга маҳсус ажратилган хоналарида бажарилади. Айрим ҳолларда, малакавий иш ўқув муассасалари, илмий-тадқиқот олий таълим муассасалари ва бошқа таълим муассасаларда бажарилиши мумкин. Битирув малакавий ишнинг бажарилиши бўйича тақвим режани назорат қилиш кафедра ҳамда деканат томонидан амалга оширилади.

### **Малакавий ишни баҳолаш мезонлари**

Битирув малакавий ишни асосий баҳолаш мезонлари қуйидагилардан изборат:

- мавзунинг долзарблиги ва янгилиги, уни ишлаб чиқишининг мураккаблиги;
- кўрилаётган масала бўйича маҳаллий ва хорижий манба ва маҳсус адабиётлардан тўла фойланилганлиги;
- тадқиқот обьекти бўйича далилий маълумотларни тўлиқ ва сифатли тўпланганлиги;
- қўйилган масалани ҳал қилишда метод ва воситалардан фойдаланишнинг тасдиқланганлиги;
- олинган натижаларни таҳлил қилиб, шарҳлай олинганлиги;
- хулоса, таклиф, тавсияларнинг илмий, услубий ва амалий аҳамияти ҳамда уларни исботланганлик даражаси ва реал тадбиқ этиш имкониятлари;
- материални аниқ ва тўғри, хатосиз баён этилганлиги, ишни сифатли расмийлаштирилганлиги, мазкур «Методик тавсиянома» талаблари ҳисобга олинганлиги;
- битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий масалалар бўйича мунозара юрита олинганлиги, ДАҚ аъзоларининг саволлари ва тақризчилар камчиликларига берилган жавобларнинг тўғри ва чукур ифодаланганлиги.

Агар иш мавзуи илмий асосланиб, ўзида назарий, услугбий ёки амалий қизиқишини уйғота олса, қўйилган масалани ҳал қилишда муаллиф томонидан мақбул таҳлил қилиш усуллари, замонавий метод ва воситаларни қўллаш мумкинлиги тасдиқланса, шунингдек, у касб-хунар таълим мининг илмий-назарий, услугбий ёки амалий масалаларига ёрдам берсагина, битирув малакавий иш «аъло» баҳога лойик деб топилади. «Аъло» баҳолангандан ишнинг таркибий тузилиши аниқ, мантикан тўғри ва қўйилган мақсадга мувофиқ бўлиши лозим. Хуоса қисмда аниқ, қўйилган масалани ҳал қилишда хисса қўшадиган ҳар томонлама асосланган хуосалар келтирилиши лозим. Чунки бу унинг келажакдаги истиқболини белгилайди.

Битирув малакавий иш адабий тилда ёзилиши, тўғрилиги пухта текширилган, унда берилган маълумотлар амалдаги Давлат таълим стандартига ва мазкур методик тавсияномага мос бўлиши, чизма, расм, жадвал ва турли хил кўргазмали материаллар шаклидаги иловаларни ўз ичига олиши лозим.

Талабанинг чиқиш сўзи қисқа ва изчил тарзда асосий холатлар ёритилган, шунингдек, ДАК аъзолари саволларига аниқ ва исбатланган жавоблар берилган шартлардагина, унга «аъло» баҳо қўйилади.

Агар битирув малакавий иш юқорида келтирилган талабларга тўлик жавоб бермаган ҳолларда, у кўпроқ паст балл билан баҳоланади.

Низомий номидаги ТДПУ “Касб таълими” факултети битирувчи барча мутахассисликлар учун битирув малакавий ишларини баҳолашнинг

### **мезонлари**

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ	БАЛЛ
<b>Мавзу долзарблигининг асосланганлиги:</b> Республикамиз таълим тизимида мавзуга оид масалаларнинг акс этиши, бу борадаги амалга оширилган назарий, амалий ва методик ишларнинг ёритилиши.	10
<b>БМИ тузилиши:</b> Боб ва параграфларнинг ўзаро мантиқан, тўғри изчил ишлаб чиқилганлиги, мавзуни ёритиши, қўйилган муаммонинг ечимига қаратилганлиги.	20

<b>БМИ мазмуни:</b> Боб ва параграфлар мазмунининг қўйилган мавзуга мослиги, уни ёритиш даражаси, талаба ўз шахсий фикри қай даражада ифодаланганлиги	30
<b>Амалий таклиф, тавсияларнинг аҳамиятлилиги:</b> Таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга тадбиқ қилиш имкониятлари, миқёси, таълим сифатини оширишга таъсири, педагогик, психологик ҳамда методик самараси.	10
<b>Битирув малакавий ишининг бажарилиш саводхонлиги:</b> Имловий ва стилистик жиҳатдан саводхонлиги, фикрни аниқ ва мантиқан тўғри ифодаланганлиги, жадваллар ва графикларни талаб даражасида расмийлаштирилиши.	10
<b>Талабанинг БМИни ҳимоя қилиши:</b> Мавзу матнини бутун тафсилотлари билан билиш ва тушуниш, мазмунини изчил, мантиқан боғланган ҳолда хатосиз баён этиш, саволларга жавоб беришда ўзлаштирилган билимларни мустақил, дадил ва тўғри тадбиқ эта билиш ҳамда улардан ўринли фойдаланиш, талаб даражасида сифат кўрсаткичларига риоя қилиш.	20
<b>ЖАМИ</b>	100

### **Назорат саволлар**

1. Битирув малакавий ишлари мавзуларини танлашга қандай талаблар қўйилади?
2. Битирув малакавий ишни тайёрлашга қўйиладиган талаблар.
3. Битирув ишини бажариш кетма-кетлигини айтиб беринг.
4. Битирув малакавий иш мазмуни ва унда қўйиладиган муаммоларни ҳал қилиш методикасини очиб беринг.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни (Баркамол авлод -Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ нашриёт матбаа-концерни. 1997.-Б.20-29.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасасаларида битирув малакавий ишини тайёрлаш тартиби ҳақида НИЗОМ.-Т.: 2008.-20 б.
3. Олимов . К.Т. Касб таълими услубияти. ўқув қўлланма. –Т.: 2006. 164 б.
4. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А. Касб таълими методикаси” фанидан ўқув-методик мажмуа. Низомий номидаги ТДПУ, 2011.-20 б.

5. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А, “Касб таълими педагогикаси” фанидан ўқув методик мажмуа. Низомий номидаги ТДПУ, 2011.-20 б.

6. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А., Абдураимов Ш.С. Мехнат ва касбий таълим методикаси фанларидан курс ишлари. Методик қўлланма. –Т.: ТДПУ, 2009. - 38 б.

Қўйсинов О.А., Муллахметов Р.Г., Саттаров В.Н. Битирув малакавий ишларни тайёрлаш. Методик тавсиянома. –Т.: ТДПУ, 2011. - 80 б.

**7-маъруза. Касб таълимининг дидактик таъминоти. Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш технологиялари.**

**Режа:**

1. Ўқитишининг техник воситалари ва гурухлари.
2. Ўқув хоналарини ўқитишининг техник воситалари билан жиҳозлашда техникавий-педагогик талаблар.
3. Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлаш.

**Таяч тушунчалар:** дидактик таъминоти, дарслик, ўқув-методик қўлланма, электрон дарслик, портфолио, силлабус, аудиовизуал, сурат, слайд, скрепка, шаблон, чизғич, фламастер, перманент, фотонусха, флипчарт, доска, эксплуатацион кўрсатмалар, кинопроекция, диапроекция, эпипроекциялар.

Ҳозирги пайтда таълим-тарбия тизимида ўқитувчининг таҳсил олувчилар билан жонли мулокот ва муносабати муҳим аҳамиятга эга бўлганлигига қарамай, у ягона ахборот манбаи бўла олмаслиги ҳаётий ҳақиқат. Шунинг учун хам таълим-тарбия ишини осонлаштирадиган ва самарадорлигини ошириш омилларидан кенг фойдаланилади. Ана шундай омиллардан бири ўқитишининг техникавий воситалари дидир.

Ўқитишининг техник воситалари деганда таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ҳамкорлик фаолиятини таъминлаб, унинг самарадорлигини ошириш, таъминлаш мақсадида фойдаланиладиган курилмалар тизими тушунилади.

Барча ўқитишининг техник воситаларини шартли равища уч асосий гурухга бўлиш мумкин.

1. Аудиовизуал воситалар (кинопроекция, диапроекция ва эпипроекциялар, овоз ёзиб олиш, телевидение, радио);
2. Жиҳозлар, ускуна ва асбоблар;
3. Дастурли (компьютерли) таълим воситалари.

Ўқитишининг техник воситаларидан таълим-тарбия жараёнининг ташкил этувчи компоненталари билан узвий боғлиқлик ва муносабатларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш зарур. Акс ҳолда машғулот самарасини умуман йўққа чиқариш ҳам мумкин.

Машғулотда ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиш ёрдамчи характерга эга бўлиб, уларни танлаш, ишлатиш вақти ва жойи дарснинг умумий режасида мақсадларга мувофиқ равишда белгиланади.

Хозирга пайтда таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг жонли мулоқоти мухим аҳамиятга эга бўлганлигига қарамай, у ягона ахборот манбаи бўла олмаслиги хаётий ҳақиқат.

Ўқув хоналарини ўқитишининг техник воситалари билан жиҳозлашда қўйидаги техникавий-педагогик талаблар қўйилади:

1. Ўқув хоналарини ўқитишининг техник воситалари билан жиҳозлашда ўқув жараёнида улардан мажмуавий тарзда фойдаланишни ҳисобга олиш зарур;
2. Ўқув хонасининг исталган жойидан яхши кўриш ва эшитиш имкониятининг мавжудлиги;
3. Ўқув хонасида, шовқин, ёритилганлик, намлик ва кабилар меъёрини таъмилаши;
4. Оддий, арzon, хавфсиз, узоқ муддат бузилмай ишлаши;

Таълим-тарбия ишида техник воситалардан фойдаланиш аввало дидактик принципоарга амал қилишни кўзда тутади. Масалан, кўрсатмалик принципини реал объект билан мавхум тасаввурнинг бирлигини ифодалайди.

Реал объект ёки унинг тасвирини кўриш (идрок этиш) инсон учун уни билишнинг дастлабки ва энг оддий акти ҳисобланади, аниқ тасаввурлар ва мавхум тушунчалар ҳосил қилиш учун асос вазифасини ўтайди.

Таълим-тарбия ишида кўрсатмалик тамойилига амал қилиш зарурияти инсоннинг фикрлаш ҳусусиятидан келиб чиқади. Инсоннинг фикрлаш ҳусусияти маълумдан мавхум томон ривожланади. Тушунча ва

мавхум қонун-қоидалар аниқ кузатишларга асосланса, уларнинг моҳият мазмуни анча осон ва тез шаклланади. Инсон тафаккурининг ривожланиши унинг ёшига, ҳаётий тажрибаси кабиларга боғлиқ бўлиб, таълим-тарбия жараёнида ҳисобга олиниши, аниқ далиллар ва образлардан ажралиб қолмаслигини талаб этади.

Тасвирий қўрсатмалардан қўйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- ўрганиладиган обьект жуда катта ёки кичик бўлганда:
- ўрганиладиган обьектни бевосита кўриш мумкин эмас:
- тушунча ва ҳуносаларни график тарзда ифодалаш мумкин бўлганда:
- мураккаб обьектларни соддалаштириш ёки ишлаш тартибини қўрсатиш зарур бўлганда:
- объектнинг энг характерли замон ва макондаги ҳолатни қайд этиш ва қўрсатишда ва шу кабиларда.

Кўрсатмали қўлланмаларга қўйидаги талаблар қўйилади:

- барча талабаларга яхши кўринадиган даражада катта бўлиши:
- ўқув хонасининг исталган жойидан bemalol ўқилиши:
- муҳим деталлар ва ёзувларнинг бошқа диққатни ўзига тортувчи ранг билан алоҳида бўялиши:
- тасвиirlар имкон қадар обьектнинг асл рангига mos бўлиши:
- тасвиirlарнинг эстетик дид билан расмийлаштирилиши:
- матннинг ҳаддан ташқари кўп бўлмаслиги:
- тасвиirlangan обьектларнинг табиий вазиятда қўрсатилиши:
- масштабга риоя қилиши:
- арzon, қулай, узок вақт ўз ҳолатида сақланиши ва шу кабилар.

Шу ўринда кўрсатмали қўлланмадан фойдаланиш мақсад бўлмай, балки натижага эришиш воситаси эканлигини унутмаслик зарур.

Кўрсатмали қўлланмалардан фойдаланишда ўқув материалининг мазмуни ва вақтини ҳисобга олиш зарур. Машғулотда кўрсатмали қўлланмалардан ҳаддан ташқари кўп хам фойдаланиш яхши натижа бермайди. Намойиш қилинаётган материалларни идрок этиш жараёнида


таҳсил олувчилар сезги органларининг (кўриш, эшитиш, хидлаш, таъм билиш) кўпроқ жалб этиш зарур. Ўқитувчининг сўзи билан кўрсатмалиликнинг уйғунлиги катта аҳамиятга эга. Кўрсатмали қўлланмадан фойдаланишганда бериладиган изоҳ. Таҳсил олувчилар диққат-эътиборини асосий материалларга қаратилишини кўзда тутади.

Ушбу воситалардан фойдаланишда уларни муайян мақсад, махсус соҳа ва усуулларга мос ҳолда танлаш мухим ўрин тутади. Энг мухими шундаки, амалиёт ўқитувчиси ўқув ва кўргазмали воситаларни ишлата олишни ва улардан мақсадга мувофиқ ва оқилона тарзда фойдаланишни билиши керак. Техник воситалардан фойдаланилаётганда юзага келадиган техник муаммоларни ҳал қила оладиган бўлиши лозим. Масалан: тикув машинаси ишида содир бўладиган нуқсонларни бартараф эта билиши, асосий созланишларни бажариши ва машинани ишчи ҳолатига келтира олиш керак, яъни ўз касбий соҳаси учун қандай материаллар, қандай янгиликлар борлигига, шунингдек, қайси махсус соҳаларда унинг ўзи янгиликлар қила олиши мумкинлиги юзасидан умумий тушунчага эга бўлиши лозим. Кўпинча ўқитувчилар доска тасвирлари, флипчарт тасвирлари ва проектор слайдлари каби визуал воситаларни ўzlари ишлаб чиқадилар.


### **Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлаш**

Назарий ва амалий машғулотлар учун манба материали сифатида ишлатиладиган воситаларимизни қўйидагича фарқланади:

Кўпинча ўқув материаллари бир пайтнинг ўзида дидактик материаллар сифатида, яъни ўқитиш, ўрганиш учун ишлатилади.



улар амалиёт ўқитувчилари томонидан дарсни кўргазмали ўтказиш ва билим бериш учун қўлланилади



улар талабалар томонидан ўрганиш учун қўлланилади ва ўқитувчиси томонидан тайёрланади

Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлаш деганда, ўқитувчи томонидан уларнинг танланиши ва назарий ёки амалий манғулотлар мақсадига мослаштирилиши тушунилади.

Агар тайёр воситалар йўқ бўлса, у ҳолда уларни ўқитувчининг ўзи тайёрлашига тўғри келади.

Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлашда амалиёт ўқитувчиси чегараланган вақт ва техник имкониятларини инобатга олган ҳолда эътиборини қуидагиларга қаратиши лозим:

- иш ва рақалари, тарқатмалар(босилган матнлар нусхалари), слайдлар, доска тасвирлари учун эскизлар
- еэма топшириқлар, ёзма ва оғзаки тестлар учун сўров қоғозлари
- баҳолаш вараки, назорат қоғози
- иш режалари, ташкилий хужжатлар

Назарий дарслар ўtkазиш пайтида амалий кўрсатмалар берилган қуидаги воситалар ишлатилади:

Тури	Ишлатиш учун кўрсатмалар
Ўқув китоблари	Китобнинг муайян бетларини белгилаб, дарс режасига киритилади
Тарқатма материаллар	Ўқув китобларидан ёки бошқа манбалардан сайланма нусхалар тайёрланади ва кўпайтирилади.
Доска тасвирлари	Мавзу ва графикларга эскизлар тайёрлаш
Слайдлар	Улар нусхалаш аппаратида ёки компьютерда тайёрланади
Моделлар	Устахонадаги ҳар бир предмет яроқли-ҳам яхши ҳам ёмон маҳсулотлари кўрсатилиши лозим.

Амалий машғулотлар ёки амалий иш жараёнлари пайтида амалий кўрсатмалар билан тўлдирилган қуидаги воситалардан фойдаланилади:

Тури	Ишлатиш учун кўрсатмалар
Техник чизмалар (кинематик схемалар, конструктив чизмалар)	бунинг учун асл нусхалари маҳсус жилдларда тўпланади.
Эксплуатацион кўрсатмалар	нусхалардан тарқатмалар ва слайдлар тайёрлаш учун ишлатилади.
Иш режалари ва бошқа хужжатлар	фақат нусхалар ишлатилади, асл нусхалари эса тоза сақланади
Моделлар, реал жиҳозлар асбоблар ва маҳсулотлар	яроқли ва яроқсиз жиҳозлар, яхши ва ёмон маҳсулотлар сифатига нисбатан юзага келган фарқни кўрсатиб бериши мумкин.

Ўқитувчи учун материаллар нафақат соҳага тегишли маълумотларни, балки ташкилий ишлар, усул ва натижаларни баҳолаш борасидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади.

Талабалар учун материаллар эса қоида бўйича фақатгина соҳага тегишли жиҳатларни ўз ичига олади.

Дидактик материаллар фақатгина талабага мўлжалланган бўлса, ўқитиши материаллардан фарқ қилиши мумкин. Масалан: топшириқлар ва раглари, саволномалар, йўналтирувчи усул саволлари ва муайян тарқатма материаллар.

Талабаларга тарқатиладиган материаллар таркибида қуидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- содда тилда ёзилган ўкув мазмунлари
- матнларда бўш қолдирилган жойлар (талабалар томонидан тўлдирилиши учун)
- талабанинг эркин фикрлашига имконият берувчи саволлар

-устахонада ишлаш учун мўлжалланган, иш босқичлари кўрсатилган тушунарли чизмалар(эскизлар) ва жадваллар

- материал, жиҳоз, асбоб-ускуналар ва ёрдамчи воситалар ҳақида маълумотлар.

Матн тайёрлаш бўйича энг янги усуулардан бири бу матнларни ранглар билан ажратиш саналади:

-оқ қоғозлар: мазмуний жиҳатлар борасида матнлар (ўқитувчи ва талабалар учун)

-яшил қоғозлар: талабаларга топшириқлар

-қизил қоғозлар: ўқитувчининг услугий ҳужжатлари ва топшириқларнинг жавоб варақалари

Рангларни кодлаш ҳужжатлардан фойдаланишни енгиллаштиради

-худди шу усулдан мазкур семинар ҳужжатларини тайёрлашда ҳам фойдаланилади.

Ўқитиш жараёнидаги энг муҳим воситалар доскалар, флипчартлар ва кодоскоп (проектор) ҳисобланади. Ўқитувчи бу воситалар орқали кўргазмали тус бериладиган намуналар яратиши керак. Бўр билан ёзиладиган доска учун аввал қоғозда ишланган ва матнлар билан тўлдирилган суратлар, флипчартлар учун эса қоида бўйича тақдимот намуналари бўлиши мумкин. Проектор слайдлари тўғридан-тўғри тайёрланиши мумкин.

Доска суратлари учун намуналар асосан ўқув китобларидан олиниши ёки шахсий қарашларидан келиб чиқсан ҳолда тайёрланиши мумкин. Бунда кўп вақт сарф этмасдан оддий шакллар орқали тузилган графиклар, схемалар, диаграмма ва шу кабиларни доскага чизиш мумкин. Матнлар учун намуналар тайёрлаш шарт эмас.

Шунга ўхшаш тарзда флипчарт суратларини тайёрлаш мумкин. Бу усул назарий дарс ёки амалий машғулот тайёрланишни енгиллаштиради.

Флипчарт блокларини бирга олиб юриш мумкинлиги туфайли тасвирлар қоғозларга тўғридан-тўғри туширилиши мумкин.

Проектор слайдлари қўлда, фотонусхалар ёки компьютер ёрдамида махсус шаффофф плёнкада тайёрланади.

Слайдларни тайёрлаш учун:

- оддий ацетат ёки қоғози-шаффофф сунъий қоғоз;
  - нусха олиш мумкин бўлган махсус қатламли слайдлар;
  - фламастер, перманент ва сувда эрувчан слайдларни тозалаш учун спирт;
- сурат чизиш мосламалари (шаблон, чизғич ва бошқалар)лар ишлатилади.

### **Назорат саволлари.**

1. Уқитишининг техник воситаларини неча асосий гурухга бўлиш мумкин ва қайсилар?
2. Ўқув хоналарини ўқитишининг техник воситалари билан жихозлашда қандай техникавий-педагогик талаблар қўйилади?
3. Тасвирий кўрсатмалардан қандай ҳолларда фойдаланилади?
4. Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлаш деганда нимани тушунасиз?
5. Ўқитиши жараёнидаги энг муҳим воситаларга нималар киради?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Нуриддинов Б.С. Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиши методларидан фойдаланишининг илмий-педагогик асослари. Автореф. дис. ... пед. фан. ном.. -Т.: 2002. - 21 б.
2. Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишининг назарий-услубий асослари. Автореф. дис. ... пед. фан. док.. – Т.: 2005. – 44 б.

**8-маъруза. Олий таълим тизимида касб таълими соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар. Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш.**

**Режа:**

1. Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасининг малака тавсифномаси.
2. Касб-хунар таълими ўқитувчисининг функционал вазифалари.
3. Ўқитувчининг меҳнати ва маҳорати.

**Таянч тушунчалар:** ижтимоий лаёқат, шахсий лаёқат, малака талаблари маҳорат, тарбиялай олиш маҳорати, шахсий фазилат, баҳолаш ва назорат қилиш маҳорати, касбий имиджи.

**1. Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасининг малака тавсифномаси**

Касб-хунар таълими тизимида кичик малакали мутахассисларни тайёрлаш кўп жиҳатдан касб таълими ўқитувчилари ва ўқув устасининг лаёқатларига боғлиқдир. Ишлаб чиқариш таълими жараёнida касбий педагогик кўнишка ва малакалар тизими яратилади, ўқувчилар керакли ишлаб чиқариш тажрибасига, касбий маҳоратга эга бўладилар. Шунинг учун касб-хунар коллежлари касб таълими ўқитувчилари ва ўқув усталари ишлаб чиқариш жараёнининг ва ўз меҳнат фаолиятининг мазмунини аниқ тасаввур этиш лозим. Ҳозирда касб-хунар таълими тизимига ҳар йили маҳсус педагогика маълумотига ва таълим-тарбия иш тажрибасига эга бўлмаган янги муҳандис педагоглар, яъни корхоналарнинг малакали ишчилари, олий ва ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчилари келиб қўшилмоқда. Касб-хунар таълими тизимида фаолият кўрсатаётган муҳандис-педагоглар мутахассислик малакасига ҳамда педагогик малакага эга бўлиши лозим(1-чизма).



## **1-чизма. Касб таълими ўқитувчисининг малакаси**

Мутахассислик малакаси деб, касб таълими ўқитувчилари ва ўқув устанинг маҳсус соҳа бўйича кўнирма ва малакалари назарда тутилади. Уларнинг малакаларининг иккинчи қисми “Касбий педагогика” билим соҳасига тегишли бўлиб, педагогик малакаларини ўз ичига олади. Чунки ўқув жараёни фақатгина билим беришга асосланиб қолмасдан, балки таълим ва тарбия психологияси билан узвий боғланган. Бу эса улардан психология, касбий педагогика, иқтисод асосларини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш асослари бўйича ҳам малакаларга эга бўлишини талаб этади. Мутахассислик ва педагогик малакалар билан бир қаторда касб таълими ўқитувчилари ва ўқув усталарида шахсий ва ижтимоий лаёқатларнинг ҳам бўлиши талаб этилади (2-чизма).



## **2-чизма. Касб таълими ўқитувчисининг лаёқати**

Шахсий лаёқатлар қуидагиларни ўз ичига олади: ўзини тутиши, шахсий ижодкорлик, масъулиятлилик ва бошқалар. Ижтимоий лаёқатларга ташкилотчилик қобилияти, ўқувчилар билан муносабат, жамоа билан муносабат киради. Бундан ташқари ўқитувчи ва ўқув усталар раҳбарлик қобилияtlарига ҳам эга бўлишлари лозим. Чунки касб таълими ўқитувчилари ва ўқув усталар фақат ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини бажарибгина қолмай, балки гурӯхларга раҳбарлик қиласидилар.

### **Касб-хунар таълими ўқитувчисининг функционал вазифалари**

Касб таълими ўқитувчисининг лавозим вазифалари қуидагилардан иборат:

- ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллигини, маҳорат ва малакасини ривожлантириш;
- танланган касб ва ихтисослиги ўқув фанлари бўйича чуқур билимларни, илмий дунёкарошни шакллантириш;
- таълим жараёнида ўқитишнинг самарали усуллари, воситалари ва шаклларини, янги педагогик технологияларни кенг қўллаш;
- ўқитадиган фани бўйича дарсдан ташқари ишларни, тўгарак машғулотларни ташкил қилиш;

- ўқувчиларни билим сифати, ўзлаштириш даражаси ва давоматини назорат қилиш;
- ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш;
- ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлаш;
- ўқув хоналарини жаҳон стандартлари ва дизайн талаблари даражасида жиҳозлашда қатнашиш;
- илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва қўллаш;
- мунтазам равишда малакасини ошириш.

**Билиши зарур:**

- Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонунларни;
- ўқитадиган фаннинг ўқув режа, дастур ва дарсликларнинг мазмунини;
- давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини, таълим ва ёшлар тўғрисида ҳукумат томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларни;
- мустақил Ўзбекистон рамзларининг мазмун ва моҳиятини;
- ўсмирларнинг ёш ва маҳсус психологиясини, педагогикани, ўсмирлар ривожланишининг асосий қонуниятларини;
- педагогик, илмий-методик ва ташкилий бошқарув вазифаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳажмда умумназарий фанлар асоаларини;
- педагогик цикл фанларини;
- ёш физиологияси ва ўқувчилар гигиенасини;
- информатика ва электрон ҳисоблаш техникаси асосларини;
- ўқувчиларнинг турли хил жамоаларини шакллантириш ва бошқариш йўлларини;
- ўқув хоналар ва ёрдамчи хоналарни жиҳозлашга қўйилган талабларни;
- таълим воситаларини ва уларнинг дидактик имкониятларини;
- таълимни ва педагогик фан тараққиётининг асосий йўналишларини ва истиқболини;
- меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва ҳуқуқ асосларини.

Касб таълими ўқитувчилари бундан ташқари мутахассислиги бўйича ишлаб чиқариш технологияларини, иқтисод асослари, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этиш асосларини билиши керак.

**Малака талаблари**

Олий тоифали ўқитувчи-фан доктори, номзоди иш стажига талаб қўйилмайди, педагог (муҳандис-педагог) ихтисослиги бўйича магистр; педагог (муҳандис-педагог) йўналиши бўйича бакалавр ёки дипломли мутахассис ва тегишли фандан 1-тоифали ўқитувчи сифатида камида 3 йил иш стажига эга бўлиши лозим;

1-тоифали ўқитувчи-педагог (муҳандис-педагог) ихтисослиги бўйича магистр, педагог (муҳандис-педагог) йўналиши бўйича бакалавр ёки дипломли мутахассис ва тегишли фандан 2-тоифали ўқитувчи сифатида камида 3 йил иш стажига эга бўлиши лозим;

2-тоифали ўқитувчи-педагог (муҳандис-педагог) йўналиши бўйича бакалавр ёки дипломли мутахассис ўқитувчи сифатида камидан 3 йил иш стажига (магистр иш стажига талаб қўйилмайди) эга бўлиши лозим;

ўқитувчи-педагог (муҳандис-педагог) йўналиши бўйича бакалавр ёки дипломли мутахассис, иш стажига талаб қўйилмайди.

Ўқитувчининг лавозим мажбуриятларини иш бажариш кетма-кетлигига қараб З босқичга бўлиш мумкин:

Режалаштириш бўйича вазифалар;  
Амалга ошириш бўйича вазифалар;  
Баҳолаш ва таҳлил қилиш бўйича вазифалар.

#### **Режалаштириш бўйича вазифалар:**

- Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлар асосида таълимнинг мақсад ва мазмунларини танлаш ва режалаштириш;
- ўқув режа ва дастурлар асосида календарь мавзули режа ва дарс режасини ишлаб чиқиш;
- таълимни ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича хужжатларни тайёрлаш;
- ўқувчиларнинг қобилияtlари ва билимларини баҳолаш бўйича хужжатларни тайёрлаш;
- корхонанинг турли бўлимларида ўқувчиларни ўқитиш жойларини режалаштириш;
- қўйилган мақсадларга жавоб берадиган иш топшириқлари ва машқларни тайёрлаш;
- амалий машқлар ҳамда лойиҳаларни ўтказиш учун хомашё ва чиқим материалларни режалаштириш;
- ўқув устахонасида ўқитиш учун етарли шароитларни тайёрлаш;
- ўқув-дидактик материалларни аниқлаш, танлаш ва ишлаб чиқиш.

#### **Амалга ошириш бўйича вазифалар:**

- ўқувчиларни ўқув амалиёти хоналари билан таништириш;
- ўқувчиларни амалий топшириқларни мустақил бажаришга жалб этиш;
- техника хавфсизлиги бўйича ва амалий топшириқлар, машқларга тааллуқли йўл-йўриқлар ҳамда иш ўрнида ўқув сухбатлар ўтказиш;
- ускуналар билан ишлаш ёки ишлаб чиқариш ва таъмирлаш ишларига тааллуқли намойишлар ўтказиш;
- анъанавий ёки ноанъанавий усулларга асосланган амалий машқларни ўтказиш.

#### **Баҳолаш ва таҳлил қилиш бўйича вазифалар**

- ўқувчиларнинг амалий натижаларини кузатиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- ўқувчиларнинг ўзлаштирилган назарий билимларини баҳолаш;
- ўқувчиларнинг хулқини баҳолаш;
- таълимнинг мавжуд шароитларининг сифатини баҳолаш;
- режалаштириш ва ташкиллаштириш бўйича хужжатларнинг сифатини баҳолаш;

- ўқув-дидактик материалларнинг сифатини баҳолаш;
- ўзи берган йўл-йўриқ ва намойишларни ўзи баҳолаш;
- берилган топшириқларнинг сифатини ўзи баҳолаш.

### **3. Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасининг ҳуқуқ ва бурчлари**

Ўқув жараёнида ўқитувчи раҳбарлик ролини ўйнайди. Касб-хунар таълимида вақтнинг асосий 80 % ини ўқувчиларнинг мустақил амалий ишларида ўқитувчининг роли катта, ҳамма нарса ўқитувчи томонидан олдиндан пухта ўйланса ва яхши ривожлантирилса, ўқувчилар мустақил ишлай оладилар. Бу эса касб-хунар таълими ўқитувчисининг кенг билимдонлиги, пухта амалий тайёргарлиги, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорликни талаб этади. Шунинг учун касб-хунар коллажларидағи касб-хунар таълими ўқитувчилари ва ўқув усталари:

1. Юксак ахлоқий фазилатларга, ўз касбига оид тегишли маълумот ва касбий тайёргарлигига эга бўлган қобилиятли бўлиши;
2. Миллий маданият ва қадриятларни, дунёвий билимларни яхши билиши ва диний илмлардан ҳам хабардор бўлиши;
3. Юқори методик, психологик-педагогик тайёргарликка эга бўлиши;
4. Эркин ва ижобий фикрлай оладиган талабчан, адолатли, одобли бўлмоғи керак.

Педагогик фаолияти билан шуғулланишга тўсқинлик қилувчи тиббий кўрсаткичларнинг рўйхати ва касб жиҳатидан номуносиблигига доир масалаларни ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати томонидан белгиланади.

### **4. Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасини тайёрлаш ва унга қўйиладиган талаблар**

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ракобатбардош кадрлар тайёрловчи замонавий педагогга қўйиладиган талаблар мажмуини белгилайди. Бир-бираiga боғлиқ бўлган талабларнинг ушбу мажмуи, педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади. Умумлашган моделга мувофиқ асосий (фундаментал) талаблар қуидагилардан иборат:

- таълим бериш маҳорати;
- тарбиялай олиш маҳорати;
- ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсият фазилатлари:
- таълим олувчиларнинг билимларини холисона баҳолай олиш ва назорат кила олиш маҳорати.

**Таълим бериши маҳорати** педагогга қўйиладиган талаблар ва ўқув-тарбия жараёнини амалга ошириш шартлари билан боғлиқ бўлган қуидаги бош (доминант) омиллар билан аниқланади:

- қўллаб-қувватлаш ва ўқув жараёни муҳити;
- педагогнинг психологик-педагогик тайёргарлиги;
- фанни чуқур билиши, касбий омилкорлик ва эрудиция;
- янги педагогик ва компьютер технологияларни билиш;
- касбий ахборот манбалари сифатида чет тилларни билиш;

-янги услуб ва билим манбаси сифатида илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

-узлуксиз таълим тизимининг меъёрий ҳужжатларини билиш;

-ўқув-тарбия жараёнини амалга оширишнинг моддий техника базаси билан боғлиқ бўлган ахборот базаси ва ресурслари.

**Тарбиялай олиш маҳорати** педагогнинг юксак маданият ва маънавият савиясига, шахсий ахлоқи, ватанпарварлик ва бурч (хислар)ига асосланади. Таълим олувчиларда дунё яхлитлиги юксак маданият, маънавият ва дунёвий тафаккурни шакллантириш учун педагогнинг ўзи гуманитар ва гуманистик руҳида тарбияланган ҳамда ўқув-тарбия ишини ташкил этиш маҳоратига эга бўлиши шарт.

Педагогнинг ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи **шахсий фазилатларига** қўйидагилар киради: талабчанлик ва адолатлилик, ҳалоллик ва хайриҳоҳлик, киришимлилик ва ҳазил-мутойиба ҳисси. Ушбу фазилатлар педагогнинг таълим олувчилар олдида обрўсини белгилайди. Педагогнинг шахсий фазилатлари унинг таълим бериш ва тарбиялай олиш маҳоратига таъсир кўрсатади.

Таълим олувчиларнинг билимларини холисона **баҳолаши ва назорат қилиши** маҳорати психологияк-педагогик жиҳатдан педагогнинг таълим бериш ва тарбиялай олиш маҳорати билан узвий боғлиқ. Педагог таълим олувчиларнинг билимларини объектив баҳолаш механизmlарини билиши ва уларни мукаммал равишда рейтинг назоратда қўллай олиши, ҳамда стандарт тестларни ишлаб чиқа олиш ва қўллай олиш маҳоратига эга бўлиши лозим.

### **Ўқитувчининг меҳнати ва маҳорати.**

Педагогик фаолият ўз моҳиятига кўра ижодий характерга эга. Инсон олдида бирор муаммо тургандагина ижодкорликка эҳтиёж туғилади. Ўқитувчилик фаолияти ана шундай хусусиятга эга. Педагогик ижодкорликнинг асосий моҳияти педагогик фаолиятнинг мақсади ва характер билан боғлиқ. Ўқитувчи аниқ мақсадни кўзлаш, қатъийлик, ширинсўзлик каби хислатларга эга бўлиши керак. Ўқитувчининг одоби, маданияти юксак бўлса, одамларга нисбатан меҳрибон, саҳоватли бўлсагина тез обрў ҳурматга эга бўлади.

Ўқитувчи болаларга нисбатан талабчан бўлиши билан бирга ўз шахсига танқидий нуқтаи назардан қарай олиш керак. Ўқитувчи педагогик этиканинг меъёрларини ўзлаштириб олиши тажрибада қўллаш, ўзининг дунёқарashi ва ахлоқий тажрибаси билан таққослаши лозим. Ўқитувчининг муҳим фазилати кишилар билан тез эл бўла олиш, кўпчилликка аралаша билиш, улфатижонлик, дилкашлик бўлиб, бу унда муомила маданиятини юксаклигини ифодалайди. Ижтимоий фаоллик ва фуқаролик бурчини англаш ўқитувчилик шахсига хос хусусият, зеро, ҳақиқий педагог тўла маънодаги жамоатчи бўлиб, болаларга ҳаётга ижтимоий фаол туришининг амалий намунасини кўрсатади. Ўқитувчи дарсларда ўқувчиларга бўлган талабчанликни болаларга ҳурмат, зийраклик, педагогик мавқе обрўсини сақлаган ҳолда ёндашишнинг мувофиқлаштирган ҳолда олиб бориши лозим. Дарсда ўқитувчининг ўқувчиларга мурожаати ҳам фарқсиз эмас, ўқитувчи

ўқувчиларни исм-шарифлари билан чақириши ва унга ўргатиши мақсадга мувофиқдир. Педагог сифатида ўзлигини намоён этиши талаб қилиш зарур ҳолатларда ўқитувчи томонидан ўз ҳиссиётини акс эттиришини инкор этмайди.

Ўқитувчи дарсларда зийрак, меҳрибон, қувноқ, ҳушёр, кўнгилчан бўлибгина қолмай балки жиддий хафа ва норозилиги билинган қиёфада ҳам керак. Ўқитувчиларнинг педагогик оптимизми унинг ўқувчиларга муносабатидаги ишонч, ўқув фаолиятини ташкил этишнинг турли шаклларидаги дарсда уларнинг ҳамжиҳатликдаги изланувчанлигини ташкил этиш, ўқувчиларнинг ишларига ҳаққоний баҳо бериш, уларга доимий зарур ёрдам кўрсатишга тайёр туришлик буларнинг барчаси жуда катта амалий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Ўқитувчининг белгиланган режани бажариши юзасидан ташкил этадиган ўқув ишлари, тайёрлов ва бажариш босқичларига бўлинади. Дарсга тайёрланиш давомида ўқитувчи ўз имкониятларига қараб қуидагиларни таъминлайди:

Таълимнинг зарур бўлган техник воситалари, кўргазмали куроллар, кўлланмаларни, дидактик ва тарқатма материалларни тайёрлайди.

Хозирги замон фан ва техника тараққиёти ўқитувчининг ижодкор бўлиши фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши, фан ютуқларининг ўқувчиларга етказа олиши ва ниҳоят ўқувчиларни ижодий фикрлашга тадқиқот ишларига ўргата олишини талаб қиласди.

### **Ўқитувчининг фаолияти ва қасбий имиджи**

Ўқитувчининг педагогик фаолияти ҳар бир бошқа фаолият каби ўзининг аниқ услубига эга бўлади. Фаолият услуби-тўла маънода усуллар, ҳолатлар, шаклларнинг турғун тизимидан иборат бўлиб, у ҳар хил шароитларда ҳам мавжуд бўлади. У фаолият тузилишига боғлиқ бўлиб, унинг-субъектнинг шахсий-психологик хусусиятига боғлиқ. Бугунги кун ўқитувчисига қўйилаётган замонавий талабларни қуидагича ифодалаш мумкин. (1-расм)

Ўқитувчининг қасбий фаолияти фавқулодда умумий ва хусусий қобилияtlарни талаб қиласди.

Қасбий-педагогик фаолиятнинг муваффақияти хусусий педагогик қобилияtlарга боғлиқ бўлади. Педагогик қобилияtlарнинг қуидаги гурухлари фарқланади:

- объектга (талабага) нисбатан сезгирилик;
- коммуникативлик-инсонларга юз тутиш, хайриҳоҳлик, муомалалик;
- перцептив қобилияtlар-қасбий етуклик, эмпатия, педагогик туйғу;
- шахс динамикаси-иродага таъсир эта олиш ва мантиқий ишонтира олиш қобилияти;
- хиссий барқарорлик - ўзини бошқара олиш;
- креативлик – ижодий иш қобилияти.

Педагогнинг хусусий қобилияtlарига билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш фаолияти ва шахсни тарбиялаш қобилияти ҳам тегишлидир.

Ўқитиш, ўрганиш ва ўргатиш бўйича қобилияtlарига қуидагилар киради:

- талабани тушунишни кўриш ва сезиш, бундай тушунишнинг даражасини ва характеристини ўрнатиш қобилияти;
- ўқув материалини мустақил танлаб олиш, ўқитишнинг самара берувчи усул ва методларини белгилаш қобилияти;
- материални етарли баён қилиш, унинг барча талабаларга тушунарлилигини таъминлаш қобилияти;
- талабаларнинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш қобилияти;
- ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш қобилияти;
- талабаларнинг катта одимлар билан ривожланишини ташкил этиш қобилияти;
- ўзининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш қобилияти;
- ўзининг тажрибасини бошқалар билан баҳам кўриш қобилияти;
- мустақил таълим олиш ва мустақил такомиллашиш қобилияти.

Педагогик жараёнга қаратилган педагогик қобилиятларга қуйидагилар киради:

- бошқа инсоннинг ички ҳолатини тўғри баҳолаш, унга ҳамдардлик билдириш, ҳамнафас бўлиш қобилияти (эмпатия қобилияти);
- тақлид қилиш учун намуна бўлиш қобилияти;
- тарбия жараёнида индивидуал хусусиятларни инобатга олиш қобилияти;
- мулоқотнинг лозим топилган услубини, ўз ўрнини топиш, келиша олиш қобилияти;
- хурмат қозониш, талабалар ўртасида обрўга эга бўлиш қобилияти.

### **Назорат саволлари**

1. Касб таълими ўқитувчиси ва ўқув устасининг малака тавсифномаси.
2. Касб-хунар таълими ўқитувчининг функционал вазифалари.
3. Ўқитувчининг меҳнати ва маҳорати.
4. Ўқитувчининг фаолияти ва касбий имиджи.
5. Педагогик қобилиятларнинг қуйидаги гурӯҳлари фарқланади.
6. Таълим бериш маҳорати.

### **Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати**

1. Нуриддинов Б.С. Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланишнинг илмий-педагогик асослари. Автореф. дис. ... пед. фан. ном.. -Т.: 2002. - 21 б.
2. Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари. Автореф. дис. ... пед. фан. док.. – Т.: 2005. – 44 б.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-машғулот.**

**Касбий таълим жараёнининг қонуниятлари. Касбий таълимнинг ташкил этиш шакл, метод ва воситалари (2 соат).**

### **1-топшириқ.**

**1. Касбий таълим жараёнининг қонуниятларини изоҳлаб беринг.**

### **2-топшириқ.**

**2. Касбий таълимнинг ташкил этиш шакл, метод ва воситаларини тоифалаш жадвалида изоҳланг.**

### **ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ**

Тоифа-хусусият ва муносабатларни мухимлигини намоён қилувчи (умумий) аломат.

Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

<b>Шакллар</b>	<b>Методлар</b>	<b>Воситалар</b>

## **2-машғулот.**

**Касбий фанларни ўқитишида инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш. Талабалар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методлар.**

**(4 соат)**

### **НАЗАРИЙ ДАРС ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ**

Касбий педагогика фанида **назарий дарс**- режали ташкиллаштирилган, аниқ мақсадга қаратилган ва таълим берувчи томонидан бошқариб туриладиган таълим ва тарбия жараёнидир. Бу жараёнда маълум бир маҳсус соҳа бўйича назарий билимлар тизимли равишда таълим олувчиларга етказилади. Бу жараёнда таълим берувчи назарий билимларни амалиётда қўллаш йўллари билан таништиради.

Назарий дарс асосан маҳсус жиҳозланган синфхоналарда ўтказилади. Бу синфхоналарда турли техник воситалар ишлатилиши мумкин.

**Амалий машғулот**-аниқ мақсадга қаратилган ва таълим берувчи томонидан бошқариб туриладиган, аниқ бир топшириқни бажариш учун керакли назарий дарсда олинган маҳсус билимлар асосида малака ва қўникумалар шакллантириш мақсадида олиб бориладиган режали дидактик ҳаракатга айтилади.

Амалий машғулот касб-ҳунар таълимининг таркибий қисми бўлиб, ўқув устахоналарида, лабораторияларда, ўқув полигонларида иш ўрнида жойлашган реал воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

Касб-ҳунар таълими тизимининг хусусияти шуки, назария ва амалиёт бир биридан алоҳида, яъни назарий таълим ўқув аудиторияда, амалий машғулотлар устахона ва лабораторияларда амалга оширилади. Назарий

дарсда керакли маҳсус билимлар амалий дарсга нисбатан илгарироқ берилиши таъминланиши керак. Амалий машғулотларда таълим берувчи иш ўрнида фақат иш топшириқларига тегишли қўшимча билимларни бериши керак. Агарда амалий машғулотларда таълим берувчитаълим олувчиларнинг дастлабки билимларида камчиликлар борлигини аниқласа, у керакли назарий билимларни беради.

**Дарсни режалаштириши**-кутилаётган ўкув натижаларига эришиш мақсадида ўкув жараёнига тайёргарлик кўриш: таълим методларини танлаш, тарқатма материаллар ва ўкув-дидактик воситалар тайёрлаш.

Барча имкониятларни инобатга олган ҳолда, бир марта тузилган режада ўзгаришлар бўлмаслигига ҳаракат қилиш керак. Таълим берувчи учун режалаштириш ўкув жараёнини бошқаришда хатоларга йўл қўймаслик деганидир. Таълим олувчи учун режалаштириш, у бўлажак ўкув жараёни тўғрисида ва таълимдан нималарни кутиши мумкинлиги ҳақидаги аник тасаввурга эга бўлиши деганидир.

**Назарий дарс ва амалий машғулотларни режалаштириш** қўйидаги даражаларда амалга оширилиши мумкин:

- бутунтаълим даврида ражасида;
- бир ўқувийлида ражасида;
- бир семестр даражасида;
- бир ой даражасида;
- бир ҳафтада ражасида;
- бир кун даражасида;
- назарий дарснинг бир соати даражасида.

Кўпинча ҳар хил вақт даражалари учун мўлжалланган режалар бир вақтнинг ўзида қўлланади.

Мақсадлар ва мазмунларни режалаштириш одатда маҳсус бир соҳа бўйича бўлади ва уни таълим берувчининг ўзи тузади. Бунинг учун танланган маҳсус соҳа бир неча мавзуларга ёки материал соҳаларига бўлинади. Сўнг методлар ва шароитлар режалаштирилади.

Бу муносабатда эътиборингизни «Таълим берувчининг дидактик ҳатти-харакатлари» моделига қаратмоқчимиз (1.1-чизма).



### 1.1-чизма. Таълим берувчининг дидактик ҳатти-харакатлари

Юқорида тасвирланган таълим берувчининг дидактик ҳатти-харакатлари модели бир маҳсус соҳани режалаштириш мақсадида қўлланиши мумкин.

Назарий дарс ва амалий машғулотларни тўғри режалаштириш учун, таълим берувчи ўзининг вазиятидан бошлиши лозим, яъни «Мавзуни илм-фаннынг энг сўнгги замонавий талаблариiga мувофиқ ўргата оламанми ёки бунинг учун мен яна алоҳида тайёрланишим керакми?» ҳамда «Бирор ишлаб чиқарилган назарий дарс режаси ёки амалий машғулотларнинг режаси борми?» деган саволга жавоб бериши керак.

Бундан кейин, таълим берувчига оловчиларнинг дастлабки билим ва кўникумларини аниқлаб олиши лозим.

Бунинг учун қуйидаги асосий саволлар кўйилиши лозим:

- Назарий дарс ёки амалий машғулотларни ўтказиш учун таълим оловчиларнинг дастлабки билимлари қай даражада?

- Назарий дарс ва амалий машғулотларни ўтказиш учун қандай шартшароитлар мавжуд?

- Қандай ўқув мазмунлар ўргатилиши кўзда тутилмоқда?

Режалаштириш учун юқоридаги саволларни ўрганиб чиқиш – назарий дарс ва амалий машғулотнинг бошқа барча тайёрлаш харакатларига асосдир. Бу тушунчалар ва саволлар ўртасидаги боғлиқликни қуида кўрсатилган омиллар аниқ кўрсатади.

### **Мақсадлар: Нима учун ?**

Ҳар бир назарий дарс ва ҳар бир амалий машғулот олдиндан белгиланган мақсадларга риоя қилиши лозим. Одатда ўқув дастури асосида белгилашимиз мумкин бўлган аниқ бир мақсадга эришилиши лозим. Мақсадлар ёзма равишда назарий дарс режасига киритилади ва мақсад эришилган-эришилмаганлиги тест ва топшириқлар ёрдамида текширилади ва мустахкамланади.

### **Мазмунлар: Нима ?**

Белгиланган ўқув мақсадларга мувофиқ равища билимлар соҳанинг мазмуни (шу жумладан кўникмалар ва ўзини тутиш тарзлари) белгиланади. Бу мазмунлар бир томондан керакли дастлабки билимларни (назарий дарс мазмунини) ва бошқа томондан топшириқларни бажариш учун керакли маҳсус билимларни (амалий машғулот мазмунини) инобатга олиши керак.

### **Метод: Қай тарзда ?**

Агар мақсадлар ва мазмунлар аниқ бўлса, айнан шундай методлар танлаб олиниши керакки, улар шу мақсад ва мазмунларни ўлчанадиган натижаларга айлантира олишлари лозим. Бу муносабатда “анъанавий” ва “интерфаолметодлар” деб аталган методлар таълим берувчи томонидан танлаб олинади ва кўлланади.

### **Шароитлар: Нималар ёрдамида ?**

Шароитлар деганда, биринчи навбатда моддий-техникшарт-шароитлар тушунилади. Бир томондан, моддий-техникшароитлар, яъни бинолар, синфхоналар, ўқув устахоналар, лабораториялар, уларнинг жиҳозланганлик

даражаси, инструментлар, чиқим материалларнинг умумий ҳолати ва ҳоказо, чунки улар маълум сифат стандартларига жавоб бериши керак.

Бошқа томондан эса, ўқув воситалари тушунилади, чунки улар ўқув жараёндаги билимларни ўзлаштирилишига ёрдам беради. Ўқув мақсадларига мўлжалланган қўплаб ўқув воситалари мавжуд. Лекин гап воситаларнинг кўплигига эмас, балки муайан ўқув мақсадига эришиш учун маъқул келадиган воситаларни танлаб олишдадир.

### **Ташкиллаштириш: Бу қандай амалга оширилади ?**

Юқорида айтилган ҳамма нарсалар вақт омилини инобатга олган ҳолда ташкил қилиниши керак. Чунки ҳар бир назарий дарс ва ҳар бир амалий машғулот учун аниқ вақт меъёрлари бор ва айнан шу вақт доирасида ўқув мақсадларга эришиш лозим. Бунинг учун нафақат пухта режа, балки унумли ташкиллаштириш ҳам керак. Вақт даври, вақт давоми ва ўқув жойи-ташкиллаштириш жараёнида белгиланади. Ўргатиш ва ўрганишни ташкил қилишнинг хилма-хил имкониятлари мавжуд.

### **Натижалар: Мақсадга эришилдими ?**

Назарий дарс ёки амалий машғулотнинг охирида мақсадларга эришилган-эришилмаганлиги текширилиши керак. Бунинг учун баҳолаш воситалари, методлари ва мезонлари белгиланиши лозим. Бунинг имкониятлари – машқлар, оғзаки ва ёзма тестлар ҳамда имтиҳонлар. Улар таълим олувчиларнинг қобилияtlари, билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш имкониятини яратади.

Ўқитишиш ва ўқишиш цикли-назарий дарс ва амалий машғулотларни режалаштириш омилларига асосланган бўлиб, назарий дарс ва амалий машғулотлар режалаштириш, амалга ошириш ҳамда хulosа чиқариш босқичларига тааллуқли дидактик ҳатти-ҳаракатларни тушунтиради (1.2-чизма).



## 1.2-чизма. Үқитиш ва үқишиш цикли

Бу циклда назарий дарс ва амалий машғулот бир-биридан ажратилмайди.

### 1-босқич:

Назарий дарс ва амалий машғулотга нисбатан инобатга олиниши керак бўлган **мавжуд вазият ва дастлабки шарт-шароитларни ўрганиш**. Шу ўринда 3 хил таҳлил, яъни адресатлар (таълим олувчилик) таҳлили, шарт-шароитлар таҳлили ва маҳсус соҳа (мазмун) таҳлили амалга оширилиши лозим. Бу таҳлиллар одатда таълимнинг бошланишида, натижалари эса кейинроқ керак бўлади.

### 2-босқич:

Ўкув дастури асосида **ўкув мақсадларни белгилаш ёки аниқлаш**. Назарий дарс ва амалий машғулот учун маҳсус ўкув мақсадлар белгилаб олинади.

### 3-босқич:

**Назарий дарс ёки амалий машғулот режасини тузиш.** Бу режада барча мазмунлар, мавзулар, режалаштирилган методлар, танлаб олинган ўқув-дидактик материалларга мувофиқхолда ўқув воситалар ҳамда умумий вақт тақсимоти акс этади.

Бу режада нафақат таълим берувчининг ҳатти-ҳаракатлари, балки таълим оловчиларнинг режалаштирилган ҳатти-ҳаракатлари ҳам кўрсатилса мақсадга мувофиқ бўлади.

#### **4-босқич:**

**Ўқув-дидактик материалларни тайёрлаш,** чунки улар амалга ошириш босқичининг асосий дастлабки шартларидан биридир. Агар тайёр материаллар бор бўлса, уларнинг орасидан тўғри келадиганлари танлаб олинади. Агар тайёр ўқув-дидактик материаллар ёки ўқув воситалар бўлмаса, улар ишлаб чикарилиши керак. Одатда босма ўқув воситалар, масалан тарқатма материаллар, слайдлар ва топшириқ варакалари керак бўлади, уларга қўшимча равишда эса матнли ўқув адабиётлари ишлатилади. Худди шунга ўхшаб дарсдан олдин плакат лойиҳалари ва плакатларнинг ўзи ишлаб чиқилади.

#### **5-босқич:**

Режалаштириш ва ташкиллаштириш асосида **назарий дарс ва амалий машғулотни амалга ошириш (ўтказиш)**. Бу дегани, барча ўқув воситалари билан жиҳозланган синфхона ҳамда, керак бўлса, устахонада жойлашган ўқув бурчаги ва вақт етарлича бўлиши керак.

#### **6-босқич:**

Назарий дарс ва амалий машғулот давомида ўзлаштирилган **назарий билимларни баҳолаш**. Бир томондан, бу-таълим оловчилар керакли билимларни ўзлаштириб олганликларининг назорати. Яъни «Таълим оловчилар мақсадга эришишдими?» деган саволга жавоб берилиши керак.


Бошқа томондан эса, таълим берувчи учун ўз-ўзини ҳамда ишининг сифати қандай бўлганлиги текшириш. Яъни «Мен олдимга қўйган мақсадларимга эришдимми?» деган саволга жавоб берилиши керак. Иккала холда ҳам ўлчанадиган натижалар бўлиши муҳимdir

### **3-машғулот.**

**Касбий таълим бўйича ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалар.**

#### **1-топшириқ**

- 1. Касбий таълим йўналиши бўйича Германия ва Япония таълим тизимини “Венн” диаграммасида ифодаланг.**
- 2. Касбий таълим йўналиши бўйича Франция ва Корея таълим тизимини “Венн” диаграммасида ифодаланг.**



#### **2-топшириқ.**

- 1. Касбий таълим бўйича ривожланган Норвегия, Туркия ва Дания мамлакатлардаги илғор тажрибаларни таҳлил қилинг ва изоҳланг.**

#### **4-машғулот.**

**Мавзу: Касб таълим ўқитувчисининг ўқув машғулотларида инновацион технологиялардан фойдаланиш маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги. Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари.**


#### **1-топширик.**

##### **1. Саволларга жавоб қайтаринг.**

1. Касб таълим ўқитувчисининг ўқув машғулотларида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг имкониятлари.
2. Ўқув фанларини интеграциялаш турларини изоҳлаб беринг.
3. Ўқув фанларини интеграциялаш йўналишларини изоҳланг.
4. Ўқув фанларини интеграциялаш типлари ва функцияларини изоҳлаб беринг.

#### **2-топширик.**

**Касб таълим ўқитувчисига қўйиладиган талабларни кластерда ифодаланг.**



### **5-машғулот.**

**Мавзу: Ўқитиши жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Касбий таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.**

#### **1-Топшириқ**

##### **1. Саволларга қисқа жавоб беринг.**

1. Таълим-тарбиянинг узвийлиги-
2. Таълим-тарбиянинг узлуксизлиги –
3. талабалар мустақил таълимини –
4. Касбий таълимда мустақил таълимини ташкил этиш шакли –

#### **2-Топшириқ**

**1- Ўқитиши жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлигини изохладаб беринг.**

**2- Касбий таълимда талабаларнг мустақил таълимини ташкил этиш жараёнини ифодаланг.**

## **6-машғулот.**

**Мавзу: Курс иши, бити्रув малакавий иш, магистрлик диссертацияларини бажариш жараёнида узвийлик ва услуксизлик.**

### **1-топшириқ.**

- 1. Курс ишига қўйиладиган талаблар.**
- 2. Бити्रув малакавий ишга қўйиладиган талаблар.**
- 3. Магистрлик диссертацияларига қўйиладиган талабларни изоҳлаб беринг.**

### **2-топшириқ.**

- 1. Курс иши, бити्रув малакавий иш, магистрлик иссертацияларини бажариш жараёнида узвийлик ва услуксизлик жиҳатларини изоҳланг.**

## **7-машғулот.**

**Мавзу:** Талабаларнинг билимларини холисона баҳолаш механизmlари. Рейтинг тизими ва унинг дидактик воситалари: стандарт, ностандарт тест ва ўқув топшириклари мажмуи.

### **1-топшириқ.**

#### **1. Тест топшириқларининг қийинлик даражаси мезонларини ифодалаб беринг.**

- Репродуктив даражаси
- Продуктив даражаси
- Қисман-изланишли даражаси
- Ижодий (креатив) даражадаларини ифодалаб беринг.

#### **2. Ностандарт тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра қўйидаги гурухларга ажратилади:**

1. Интегратив тестлар
2. Адаптив тестлар;
3. Мезонли-мўлжал олиш тестларига мисоллар келтиринг.


### **2-топшириқ.**

**Тест топшириқларига қўйиладиган талабларни кластер методида ифодаланг.**



### 3-топширик.

Жадвални тўлдиринг.



## **7-машғулот.**

**Мавзу: Касб таълимининг дидактик таъминоти. Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш технологиялари (4 соат).**

### **1-топшириқ.**

Кичик групкаларга бўлинган ҳолда қўйида келтирилган топшириқларни бажаринг.

- 1. Дарслик**
- 2. Ўқув-методик қўлланмалар**
- 3. Электрон дарсликлар**
- 4. Портфолио**
- 5. Силлабусиниларни тайёрлаш технологиясини кичик групкаларга бўлинган ҳолда тақдимот материалларини тайёрланг ва изохланг.**

## **КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ қоидаси**

- Шеригингизни диққат билан тингланг.
- Гурух ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашинг.
- Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.
- Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.
- Гурухлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.
- Топшириқларни аниқ тушунмоғимиз лозим:
- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз!
- Биз битта кемадамиз: биргаликда сузуб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

1

### **«КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ» методининг тузилмаси**

**Мавзу ёритилади**



**Кичик гурухлар шакллантирилади**



**Кўрсатма бериш ва йўналтириш**




**Мухокама, таҳлил ва баҳолаш**

## 8-машғулот.

**Мавзу:** Олий таълим тизимида касб таълими соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар. Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш (2соат).

### 1-топширик.

#### 1. Кичик гурӯхларга бўлинган холда қўйдаги жадвални тўлдиринг.



## **Адабиётлар ва манбалар рўйхати**

1. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили.  
– Т.: Ўзбекистон, 1995. – 24 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
3. Шарипов Ш.С., А.И.Воробьёв, Н.А.Муслимов, М.Исмоилова касб таълими педагогикаси. - Тошкент., 2005. - 58 б.
4. 3. Толипов Ў.Қ., М.Баракаев, Ш.С. Шарипов касб таълими педагогикаси. – Тошкент.: 2003. – 88б.
5. 4. Ҳайдаров Б., Б.Нуридинов ва бошқалар Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – УМКХТРИ. Тошкент.: 2002.- 1846.
  - [http:// www.disser.h10.ru/pedagog.html](http://www.disser.h10.ru/pedagog.html)
  - <http://www.ziyonet.uz/>
  - <http://www.istedod.uz/>
  - <http://www.pedagog.uz/>